



84 Гр 43
У 33
УИАРАГО

мамлук

Татаришвили Кондратий Давидович

У И А Р А Г О



мамлук

(Тарихий қисса)

014725

Ўзбекистон ЛКСМ
Марказий Комитети
„Ешгвардия“ нашриёти
Тошкент — 1970

Грузин ёзувчиси Уиараго (К. Татаришвили)нинг бу машҳур тарихий қиссаси ўзбек тилида биринчи марта нашр қилинаётир.

Бундан бир ярим аср муқаддам усмонли турклар Шарқий ҳамда Ғарбий Грузиядан ёшларни ўғирлаб, Яқин Шарқ мамлакатларига олиб бориб сотишган. Уларни араблар „мамлук“ деб аташган. Бу китобда қул савдоси ва ана шу мамлуклар ҳақида ҳикоя қилинади.

**Русчадан
Нодир Назаров
таржимаси**



I.

Ушпанати қишлоғи ортида, Техури дарёси ёқасида, икки тизма тоғ орасидаги кенг водий ястаниб ётарди. Водий асов дарёнинг асрлар бўйи қилган меҳнати самараси, яъни қадим замонлардан буён икки қирғоқдаги қалин ўрмону пастак дафназорлар билан қопланган тоғ ёнбағирларини ювиши натижасида пайдо бўлган. Дарё бу кафтдек водийни вужудга келтириш билан бирга, унинг тупроғини ўзи оқизиб келтирган лойқалар ҳисобига бойитган ва одамларнинг деҳқончилиги учун қулай ҳамда ажойиб экин майдони барпо этган.

Одамлар ҳам табиатнинг бу эҳсонидан тўлиқ фойдаланиб келганлар: бу водийдан жилла қурса бир қарич бўш жойни топиш қийин.

Қарийб бир ярим аср муқаддам бу ерда бошоқли экинлар денгиздек чайқалиб ётарди.

Июль. Азим қуёш ҳаётбахш нурларини таратиб, мусаффо ложувард осмонда аста-секин сузмоқда. Кент даланинг ҳамма ерида деҳқонлар кўзга ташланади. Улар кўйлакчан, уст кийимларини ечиб ташлашган, у ерда бир, бу ерда икки ёки уч кишидан бўлишиб, кетмон чопиқ қилишарди. Онда-сонда сояси учун қолдирилган тут, шумтол ва бошқа сершоҳ дарахтлар далани жонлантириб турарди.

Даланинг бир четида уч деҳқон ишламоқда: уларнинг бири мўйсафид, иккинчисининг соқоли эндигина мурт ура бошлаган, учинчисининг эса мўйлови билинар-билинимас сабза урган. Булар ота ва ўғлонлар эди.

— Жадалроқ чопинглар, ўғлонларим! Худо хоҳласа шу тахтани тушликкача тамомлаймиз,— деди баланд овоз билан чол,— кўрдингларми, кун қандай яхши!.. Бизлардек мўмин христианларни қийновчи золимларнинг барчаси, худди биз илдизи билан суғуриб ташлаётган бегона ўтдек чириб, ном-нишонсиз йўқолсин-да, илоё!

— Дада, бу ерда намунча бегона ўт кўп, сира тушунолмаярман шунга, — чолга мурожаат қилди тўнғич ўғли Гиго, — ахир бу лаънати тахтани бултур икки марта ўтоқ қилган, бегона ўтларнинг илдизини ҳам қўймагандик-ку, қаранг, бу йил яна татар-мўғул галаларидек далага ёпирилибди-я.

— Хотирангни жуда мазаси йўқ-да,— унинг гапини бўлди укаси Малхаз, — ўтган йили бу бурчакка қўл урганимиз йўқ, дарров эсингдан чиқибди-да. Анови кекса шумтол ёнидаги ерни икки марта яхшилаб ўтоқ қилганимиз, мана энди у ердаги қалин қўноқни ягана қилсак бас.

— Тўғри гапиряпсан, ўғлим,— деб тасдиқлади отаси:— ўтган йил биз ҳамма пайкални кўнгилдагидек ўтоқ қилолмадик: халқ ва худонинг қаҳрига учрагур ўша худосизлар тинчлик беришмади. Соч-соқолим оқариб, оёқ-қўлим кучдан қолган бўлса-да, Имеретияга бориб жанг қилишимга тўғри келди.— Чол кўзини осмонга тикди-да:— Ё Биби Марям, оға-инилар орасига уз-

луксиз фитна уруғини сочиб, қон тўкишга сабабчи бўлаётган барча душманларимизни яксон қил! Худойим, Имеретия шоҳи Соломонга ғалаба ато қил... Хресиль жанггида у ғайри динларни роса адабини берди... озмунча мусулмонларни қириб ташламади, сотқин Леван-Абашидзени итдек хор қилиб ўлдирди.

— Ҳа, ўшанда менинг ҳам икки ҳафта вақтим кетганди: урушга жўнайдиганларнинг эгарини тузатишда устага ёрдам бергандим, — деди Гиго гўё ўзини оқлаётгандек. — Эҳа, озмунча сассиқ қайишларни ийлаб юмшатмадим, минг лаънат ўшанақа ишга! Даламиз бўлса шундайгина ўтоқсиз қолганди, мана энди икки баравар ортиқ меҳнат қилишга тўғри келади.

Учови ҳам лойқадан бўрсиллаган ерга кетмон уришди, ўткир пўлат тиг яна ерга ботиб кетди.

— Ростини айтганда, тушлик қиладиган вақт ҳам бўлди, — деб қўйди Малхаз.

Чол кафтини соябон қилиб, қуёшга қаради.

— Ҳа, чошгоҳ яқинлашибди, — шошмасдан гапирди у ва ишидан тўхтаб кетмонига суянди. — Ахир бизларга овқат олиб келадиган хотинларни қўриқлагани Ивакий билан Филуи қишлоққа аллақачон кетишганди. Кузатувчилар кечикмаган бўлишса, тезда келиб қолишса керак... Ҳаммани бирдан тўплаш ҳам қийин — ҳар ким ҳар хил иш билан банд. Бунинг устига одамларни касал енгиб қўйди. Кучуининг онаси касал, унинг келини Майя болалар билан банд, унга ҳам оғир, ишдан ўз вақтида бўшаши қийин. Битининг хотини ҳам хастаҳол... Шўрлик онаглар бўлса... Эҳ, шўрим қурсин!.. Унинг овқати аллақачон пишган бўлса керак, лекин ёлғиз ўзи келолмайди-да... Бошқаларни кутиши керак.

— Йигитчани қорни очиб қолди, — деди Гиго Малхазга ҳазил қилиб. — Қани, бир қара-чи йўлга, ана, келиш-япти!

Ҳақиқатан ҳам Техури қирғоғи ёқалаб кетган йўлда қуролли икки эркак, улар орқасидан эса саватларини елкаларига қўйиб олган ўн беш чоқли аёл кўринди.

Далага етгач, ҳар бир аёл ўзиникилар томон йўл олди. Угиллари билан ишлаётган чолнинг олдига ўрта ёшли, сипо ва жасур чехрали қотма деҳқон аёл келди. Унинг ортидан етти-саккиз ёшли бола зўр-базўр етиб келди. У каттагина кўзани елкасига қўйиб олганди, шунга қарамай тетиклик ва қатъият билан қадам таш-

лар, онасидан ўтиб кетмаса ҳам, бироқ кейинда қолмасди.

— Ким бу? Ким келяпти ўзи? Менинг ўғлим, менинг Хвичом, қувончим келяптими? — Чол олисданоқ болани эркалаб қарши олди. — Эркатоим, эчкиларингни йўқотиб қўймадингми ишқилиб?

— Ўғилчанг, мени ҳам далага олиб борасан, деб ҳолжонимга қўймади. Эчки ўтлатиб келгандан бери ҳиқиллашини қўймайди. Лекин, тўғрисини айтсам, у менга ёрдамлашди — кўзани уйдан шу ергача ўзи олиб келди, — деди аёл жилмайиб.

Аёл шохлари тарвақайлаб ўсган тутнинг тагига бориб, елкасидаги саватни ерга қўйди, ола чит рўмолча билан юзини артди.

— Баракалла, ўғлим, баракалла, бўталоғим! Лекин эҳтиёт бўл, тойчоғим, эчкиларни авайлаб асра, бўлмаса, ўша ўзинг яхши кўрган пишлоқ ҳам, мацони ҳам бўлмайди!.. — эркалаб гапирди дадаси, ишини тўхтатиб, тут томон юраккан.

Ҳаммалари дарахтнинг соясига ўтиришди. Онаси саватдан каштан ҳамда қорақайин баргларини олиб, дастурхон ўрнига ерга ёзди. Кейин у яқиндагина қозондан олинган ҳали иссиқ, бўлак-бўлак кесилган, бегига пишлоқ қўйилган қўноқ бўтқа — гомини олиб баргга қўя бошлади. Энг катта бўлагини алоҳида қўйди.

— Қовоқ косани олиб келмадингми? Намунча кечикдинг? Ўғилларинг сал бўлмаса бўғзимга пичоқ қўя ёзишди, — деди чол хотинига. — Ўзинг тушунасан, улар ёш, вақтида овқатланишлари керак, — деди ҳазиллашиб чол. — Эҳ, кампирим! Мен қариб қолдим, ахир сен ҳам мени сариқ чақага олмайсан... Аммо эҳтиёт бўл! Узоқ қурғоқчиликдан сўнг чақмоқ чақиб, момақалдироқ билан сел қуйиши турган гап!..

— Воей, бачканалигинг қурсин сени... Бир оёғинг тўрда, бир оёғинг гўрда-ю, ҳамон бемаъни гапларни айтасан, — хижолатпазлик билан гўлдиради хотини илжайиб ва бу гапларга хотима бериш учун қўшиб қўйди: — Қовоқ косани нега эсдан чиқарай? — У саватига энгашди. — Мана қовоқ косанг. Нега кечга қолдинг дейсанми? Шундай лаънати замонда худога шукур қилсанг-чи, кеч бўлса ҳам келдим-ку. Бир оила касал билан овора, иккинчиси эса князнинг ҳовлисида тариқ туйиш билан, учинчиси ҳам ўша ерда бўз тўқиш билан банд.

Ҳамма тўплангунча алламаҳал бўлиб қолади. Ундан кейин соқчиларни кутиш керак. Худоё товба, шу ҳам ҳаёт бўлдимми? Далага хавф-хатарсиз овқат олиб келадиган замонни ҳам кўрармиканмиз? Вабонинг ҳам кучи етмайдиган тошқин дарёдан ўтиш ҳам бир балойи азим. Қайинқин айтмайсанми, жомашовдаккина, қандай қилиб ҳамма унга сиғсин? Ана шунинг учун кутасан-да.

Бўлди, етар, жонгинам, худди Саба сўфига ўхшаб одамни ганга кўмиб ташлайсан-а,— деди ҳазиллашиб чол. Ҳаминна гапимиз оғзимиздан чиқмасданоқ бир-биримизни тушуниб оламиз-ку, ахир. Эй, ўғлим Хвичо, қани қовоқ косага табаррук узум шарбатидан қуй-чи. Агар томоғимни ҳўлламасам бир тишлам нон ҳам ўтмайди.

Кўзлари ёниб турган, ияги чўзиқроқ абжир бола янши барглари ўраб кўза оғзига тикилган тикинни олди да, қовоқ косани апор сувидек қип-қизил мусаллас билан тўлдирди.

Чол тўлдирилган қовоқ косани олиб, кўзини осмонга тикиб, тантана билан шундай деди:

Эй улуғ тангрим, ўзингга шукур! Бизларни ўзинг навоҳинида асра, еримизга тинчлик ато эт, хўжайинлар ўртасидан жанжалларни бартараф қил, мушкулларни осон эт! Худойим, даҳриларни яксон қилиб, христианнинг мадад бер. Соломон шоҳга галаба ато қил ва унинг ҳамма ишини яхшиликка йўлла. Узоқ йиллар омон бўлсин у! Биласизми, ўғилларим, шоҳ фармонрибди кимки Туркияга қул сотишга журъат этса, хоҳ фўқаро, хоҳ уламо бўлсин, шоҳ уни аямасдан кўзини ўйини буюрибди. О-ҳ, мапа шу шарбатни берган ширин бир бош узумга, эгилувчан узум новдаларига жоним фидо бўлсин!— Чол сўзини тугатди ва қовоқ косани бўшатиб, қўли билан соқол-мўйловини силди.

Ишлаб чарчаган деҳқонлар иштаҳа билан овқатлана бошлашди. Кичкина Хвичо дадаси билан акалари ёнига ўтириб, тарчи уйда овқатланган бўлса-да, катталарга яриб, тўс уч кундан буён ҳеч нарса емагандек, ўшалардай иштаҳа билан кетма-кет луқмаларни оғзига соладди.

Анови ким бўлдийкин, ўғлим? Қани, бир қара-чи, Гино, ким экан у? Йўлда елиб келаётган отлиқ ким бўлдийкин? Эсиз, йиллар елдек ўтяпти-я! Яхши кўролмай-

диган ҳам бўлиб қолибман. Ахир яқиндагина эллик қадам жойдан дарахт шохига осиб қўйилган тухумни отиб туширардим,— қайғу билан эслади чол,— энди бўлса отлик билан пиедани зўрга ажрата оламан...

Гиго билан Малхаз отликқа диққат билан тикилишди.

— Ким бўлиши мумкин бу?.. Эҳ-ҳа, Ревия Мурзаканга ўхшайди-ку бу?— хитоб қилди Гиго.

— Мурзакан, худди ўзи. У тентак, қишда ҳам, ёзда ҳам бурка кияди, — деб кулди Малхаз.

— Ревия Мурзакан? Қани, хотинжон, гомидан озмоз қолганми? Пишлоқдан-чи?— деб сўради чол.

— Гомидан икки капкурча бор, пишлоқ бўлса озроқ. Аттанг,— бунақа меҳмонга арзигулик эмас!.. Дастурхонга чақиришни ўйлама, хижолат бўлиб қоласан, деди ташвишланиб хотини.

— Бу ишга сенинг ақлинг етмайди, нодон!.. Ўғлонларим, мен Мурзаканни мусаллас билан меҳмон қилмоқчиман. Ишонаманки, у рад этмайди. Войбу-у, ўзим ҳам хўп чарчабман-да!..— инқиллаб гапирди чол ва шошмасдан меҳмонни қаршилашга турди.

Бир-икки минутдан сўнг наслдор чопқир от сададек тут дарахтининг олдида тўхтади.

— Сурбетлигим учун кечир мени, Мурзакан афандим,— узур сўради чол,— лекин сен бизнинг оилада катта бўлгансан, умид қиламанки, ўз энагангни хафа қилмассан ҳамда соқолимнинг оқини ҳурмат қилиб биз билан бир кеса мусаллас ичарсан.

— Жоним билан, қадрдоним Тагуи. Сени ва бутун оилангни соғ-саломат кўрганимдан хурсандман. Таклифнинг учун беҳад ташаккур,— деб жавоб қилди меҳмон отдан туша туриб. Елкасидан буркасини олиб, уни отнинг эгарига ташлади-да, кулибгина деди:— Бу лаънани тахлаб қўйишга дангасалик қўймайди, шунинг учун ҳамма вақт ортмоқлаб юраман. Нима ҳам қилардим!.. Менга ўхшаган беқарор-жонсаракка буркасиз юришнинг иложи ҳам йўқ-да, ўзиям!

— Ҳақ гап, князь, худо умрингни узоқ қилсин! Ўзинг биласан, ота-боболарнинг «Ёз ёпинчигингни қўйма—қишда ўзинг биласан», деган мақоли ҳам бор-ку! Бизнинг овқатимиздан хазар қилмаслигингни ўтинаман, афандим!—Тагуи эҳтиром ила меҳмонни таклиф этди дастурхонга.

— Мен сенинг шон-сўзингни кутиб турган эдим,— де-

ди Мурзакан, қаддини ростлаб. У баланд бўйли ва елкадор эди. Унинг елкасида Истамбул милтиғи осилиб турарди. Битта тўппонда энлик камарнинг орқа қисмида қистириғлиқ, иккинчиси эса олд томонида. Ёнига қилич осиб олганди. Меҳмоннинг чеҳраси жасур ҳамда қувноқ эди.

— Йўқ, йўқ!.. Умрингдан барака топкур, мен бундай ҳурматга лойиқ эмасман! — деб хитоб қилди чол.

— Утиниб сўрайман сендан, — деб қаттиқ туриб олди Мурзакан.

— Йўқ, олдин мен айтсам болаларимдан жудо бўлайин!

Мурзаканнинг узоқ, илтижою илтимосидан сўнг, ниҳоят, Тағуи биринчи бўлиб шон-сўзини айтишга зўрга кўнди. Шундан, кейин меҳмон милтиғини елкасидан олиб, Тағуи билан Гигонинг икки милтиғи суяб қўйилган тут дарахтига тираб қўйди ва тушликка ўтирган деҳқонлар ёнига келиб ўтирди. У ҳали совимаган гомини қўлига олиб, устига янги қилинган сулгуни пишлоқдан бир бўлагини қўйди-да, бошқалар қатори иштаҳа билан ея бошлади.

— Афв этасан, афандим!.. Наҳотки биз сени дастурхонга таклиф қилишга муносиб одам бўлсак? Худо сақласин... Бунга менинг мияси айниган чолим қандай журъат қилдйкин? — Тағуининг хотини Мзеха меҳмондан узр сўради.

— Бундай дема, энага! — хитоб қилди Мурзакан. — Бундай лаззатли гоми ҳамда қордай оппоқ пишлоқни шавкатли князь Дадияни ҳам жон деб татиб кўрарди. Худо шундай ноз-неъматдан бизни бенасиб қилмасин, бошқасига қайғурма, азизим. Бундан ортиқроқ зиёфат борақанми?! — деб хитоб қилди Мурзакан, кавшаган кўйи.

— Вой ўлганим яхши мени! Агар шундай меҳмоннинг келишини билганимда албатта товуқ сўйган бўлардим...

— Бас қил, хотин! Товуғ-а! Устига яна тухумам дурсан?.. Мана шу боримиз ҳам етар. Мурзакан ўз одами-миз, биздан гина қилмайди. — Чол қўли билан мусаллас солинган кўзага ишора қилиб, — гоми тугул бир бурда қотган нон билан мана шу обизамзам бўлса бас, меҳмон чақиришдан асло уялмайман, борди-ю, остонамга қадам қўйган худонинг ўғли бўлганида ҳам.

— Тўғри, тўғри, дўстим Тағуи! Мусаллас бўлса бас, ҳаммаси жойида деган гап! Сенинг мусалласинг эса ҳаммиша ажойиб бўлади! Бу менимча оджалеши!

— Сени алдашга журъат этолмайман, Мурзакан, сен ахир Уту тоғам ва Тати холамлار тарбиясида бўлгансан. Бошқаларни қўявер, сен оқ суяк дворян ўғли бўлганинг учун мусалласни яхши билишинг керак. Болаларимни ўртага қўйиб қасамёд қиламанки, оджалеши омухта қилинган, лекин кўпроқ қисми узум сувидан.

— Бу мусаллас энг аъло оджалешидан қолишадиган бўлса дадамнинг арвоғига сол. Сен мусалласни яхши биласан деб тўғри айтдинг... Қим бўлмасин, хоҳлаган кишингга ичириб кўр, бари бир буни оджалеши дейди.

— Эй, азизим Мурзакан, — чол жонланди. — Жаброил алайҳиссалом кунига аталган ҳақиқий оджалешини мен квеврида¹ сақлайман. Биби Марям байрамидан сўнг зиёратга кетмоқчиман. Агар ўшанда бизникига ташриф қилсанг бу ҳақиқатан ҳам худонинг марҳамати бўларди. Ҳозир-чи? Менинг нодон хотиним ҳақ; бугун мен шундай меҳмонни дастурхонга таклиф қилишга журъат этмаслигим керак эди. Ҳарқалай, сени биз билан овқатланишга кўндирдим. Бу билан мен ғоятда беадаблик қилдим!

— Жуда катта беадаблик бу! — Мурзакан хушчақчақлик билан унга тегажаклик қилди. — Сенга бу абҳаз удумини қаерда ўргатдилар? Энг муҳими шуки, бугдой нонинг бўлмаса-да, бугдой сўзинг бўлсин дейдилар. Очигини айтсам, кўпдан буён бундай лаззатли таом емагандим. Меҳмондўстлик сизларга наслдан мерос. Сен таклиф қилган аччиқ турп ҳам лаззатли туюлади, азизим Тағуи, — деб меҳмон мусаллас тўлдирилган қовоқ косачани кўтарди. — Худойим ва авлиё Георгий сенга, хотининг ва бола-чақаларингга узоқ умр ато қилсин. Ҳамда худо сени ўт балосидан ва бошқа офатлардан омон сақласин. Мусаллас деган шундай бўлса-да! Ҳеч қандай оджалеши бунга тенглашолмайди. Агар бирон жойда бундан яхшироғи топиладиган бўлса, худонинг лаънати ёғилсин унга. Рангини айтмайсанми — худди анорнинг сувидай! Шу мусалласни берган токни худо ҳаммиша азиз қилсин! — деб сўзини тамомлади

¹ Квеври (груз.) — мусаллас сақлаш учун ерга кўмилган хум.

Мурзакан ва қовоқ косадаги мусалласни томчи қолдирмай бўшатди.

— Азизу мукаррам бўлсин, — деб такрорлади чол ҳам.

— Менга қара, Тагуи, бу йигитча ҳам сеникимми?

— Ҳа, афандим, менинг ўғлим, — жавоб қилди Тагуи ва болага меҳр билан қараб қўйди.

— Ана чолу мана чол! Қойил... Шунча ёшга кирганда-я... — деди меҳмон ҳазиллашиб.

— Бунга хотиним айбдор, афандим. «Сен энди қариб қолдинг, дармонинг ҳам қуриди!» — деб ҳамиша таъна қилгани-қилганди. Мана мен ҳам унга қариганимни бир кўрсатиб қўйдим-да, ҳа, ҳа, ҳа!

— Ергина ютсин сени! Оғзигинангга тупроқ тўлгур! — деди хотини жаҳл билан ва қизариб-бўзариб тут да-рахти панасига олди ўзини.

Меҳмон хахолаб юборди. Тагуининг ўғиллари ҳам жилмайиб қўйишди.

— Қараб тур ҳали! Утоқни тамом қилиб олай-чи, қанақалигимни яна кўрсатиб қўяман ҳали! — деди шўхлик билан Тагуи.

— Ҳечқиси йўқ, хижолат бўлманг, холажон! У фақат ҳазиллашади-да... Худога шукурки, ўғилларинг ҳақиқий паҳлавонлар, қани биров тегиб кўрсин-чи, кунини кўрсатиб қўядилар унинг! — калака қилди меҳмон.

— Худоё ҳайитгача етмасин у! — деб мингиллади Мзеха.

— Бу гапларни қўйинг, онажон! Бошқалари у ёқда турсин, кенжа ўғлингизнинг ўзи ҳам сизни ҳимоя қила олади. Бир гап бўладиган бўлса у дадасининг оёғига кишан солиб қўяди. Тўғрими, қўзичоғим? — деб сўради меҳмон ҳазил қилиб.

Бола Мурзаканга илжайиб қаради, сўнг савол назари билан отасига тикилди.

— Ўғлим мени шарманда қилмайди! — деб Тагуи болаининг бошини силади.

Ҳаммалари ҳушҳол, овқатланишда давом этишди.

— Князь, оламда қандай янгиликлар бор, ахир сен ҳамма ерда бўласан-ку? Афтидан аҳвол бир оз енгиллашган кўринади. Наҳотки худо раҳм қилган бўлса, минг қатла шукурлар бўлсин унга, — чол чўқинди. — Дадани билан подшонинг ахири ярашганлиги ростми?

— Ҳа, айтишларига қараганда, шундай, бу нарса

ҳамма ерда сезилиб турибди,— жиддий оҳангда жавоб қилди Мурзакан.— Ҳозирча бизнинг Отия Дадиани подшога содиқ. Энди уни шайтон йўлдан оздирмаса ва қасамидан қайтармаса бас, тўғриси айтганда, у ҳозирча подшоҳга катта ёрдам қиляпти. Князь Гурели ҳам бўшашиб қолган, энди унчалик хавfli эмас. Фақат рачинлик Эристави Рустам ҳали ҳам саркашлик қилиб, текканга тегиб-тегмаганга кесак отиб юрибди. Бу шайтондан тарқаган ҳеч ҳам тинчимади! Агар Соломон подшо Рустамга ҳам зарба беришга муваффақ бўлса, бизнинг ўлкамизда ҳам Қарталиния ва Кахетияда Ираклий замонасида ўриятилган осойишталик сингари хотиржамлик бўлишига ишонавер, Тагуи.

— Сен анави, халқ қўшиғида зикр қилинадиган — подшо Ираклий тўғрисида гапиряпсанми?

— Худди ўшанинг ўзи ҳақида. Унга «Қалхатинлик кичкина» деб лақаб қўйишган,— дея изоҳ берди Мурзакан.

— Мен ундан жонимни ҳам аямайман! — ҳаяжон билан хитоб қилди чол.

Ешлар ейишдан тўхтаб, қулоқ сола бошлашди.

— Қадрдоним Тагуи — подшо Ираклийни тангрининг ўзи юборган,— деди меҳмон маънодор қилиб.— У қаерга қўл узатмасин гайри динларни — лазгинларни ҳам, қизил бошларни ҳам, усмонлиларни ҳам забун қилган! У Ҳиндистонда қандай мўъжизалар кўрсатмади... У отга миниб олса бас, қиличини суғуриб, наъра тортганча душманга қарши елдак учган... Уни ҳатто кўз билан ҳам кузатиб улгуриб бўлмаган!..

Ўғиллари ўзларини тутолмай:

— Обба азамат-эй! — деб юборишди.

— Тангрим, унга ғалаба ато қил! Э, худойим, гайри динларга қарши, дунёда тинчлик ўрнатиш, камбағал деҳқонларга осойишталик бахш этиш, бева-бечораларни ҳимоя қилиш, ҳаммани адолат торозусида тортиш йўлида курашаётганларга ўзинг мадад бер. Э, худо, бизни қўрқув-изтироб ҳамда сиқувлардан халос бўладиган, далага милтиқсиз чиқиб, хотинларимиз тушликни қўриқчисиз олиб келадиган кунларга етказ.

— Омин, омин! — деб якунлади меҳмон.

Тагуи қовоқ косани бўшатиб, мусаллас қуйиб Мурзаканга тутди:

— Мурзакан афандим, сенга узоқ умр тилайман.

Худо умрингни узун қилсин. Сен халқни талон-торож қилаётган бошқа дворянларга ўхшамайсан, шунинг учун ҳам мен сени чин юракдан яхши кўраман.

— Раҳмат, қадрдон Тағуи. Башарти бундай синчиклаб қарасак, биз бундан беш йил аввалгидан анча тинч яшаяпмиз. Бундай ўйлаб қара, мен беш-ўнтага бас келадиган эпчил бўлсам ҳам, очигини айтганда, уйдан тўп-пончасиз чиқолмасдим. Эндиликда эса баъзи жойларда унча-мунча кўнгилсиз ҳодисалар бўлиб турса-да, умуман тинч яшаяпмиз. Қимки одамларни ўғирлаб, уларни қулликка сотадиган бўлса, подшо уларни қаттиқ жазолашга фармон берди.

— Эшитдим, эшитдим, Мурзакан афандим,— хурсандлик билан жавоб қилди чол.

— Биласанми, Тағуи, агар бизнинг Отия Дадияни ёки унинг ўғли Кация Соломон шоҳга хиёнат қилмаса, бунинг устига князь Гуриели ҳам у билан иттифоқ бўлса борми, унда подшо фақат ички жанжалларни чиқараётган князларнигина жиловлаб қўймасдан, балки мамлакатдан усмонлиларни ҳам суриб чиқаради. Соломоннинг ғайри динларда Қутаисини тортиб олишига, балким Потини ҳам улардан халос этишига ишонавер. Бу ишда бизга тангрим мадад бергай, — деб гапини тугатди меҳмон ва қовоқ косадаги мусалласни сипқорди.

— Худоё айтганинг келсин! Ўшанда биз ҳам далага буни кўтариб келиб юрмасдик, — деб милтиқни кўрсатди чол.

— Башарти тангри Соломон шоҳни басаломат сақласа, албатта шундай бўлади. Мен аҳвол-шароитнинг қандайлигини яхши биламан. Мен уч марта урушга бекорга борганим йўқ...

— Қадрдоним Мурзакан, сен ўтган йилдаги Хресиль жангида қатнашганидинг?— деб сўради чол.

— Албатта. Бармоғимни ўша ерда дабдаласини чиқарганлар-да,— деб жавоб қилди Мурзакан чап қўлининг тўмтоқ кўрсаткич бармоғини намоёиш қилиб.

— Вой болагинам-ей!.. — деди Мзеха ачиниб.

— Э, бу ҳеч гап эмас! Мен шундай отишмага дуч келган эдимки.. тирик чиқолмасман деб ўйлагандим!.. Ана ўшанда, худонинг марҳамати билан бизникилар шон-шуҳратга эга бўлишди. О-о! Энг муҳими, дўстим Тағуи, халқнинг мустаҳкам бирлиги ва яқдиллиги:

ўшандагина халқ қўшини енгилмас бўлади. Имератинлар билан мегреллар ҳеч қачон Хресиль жанги пайтидагидай якдил бўлишган эмас. Шунинг учун биз душманни кун-паякун қилгандик!.. Ҳа, ашаддий душманни!.. Усмонлилар бошдаги сочдан ҳам кўп эди, уларнинг орқасида эса адоват бош-кўзларини айлантириб қўйган сотқин Леван Абашидзе бошчилигидаги хиёнатчилар мадад бериб туришарди. Лекин, худога шукурки, уларнинг роса таъзирини бердик!.. Мамлакатимизни ички низолар ҳалок қилмоқда, Тагуи... Агар бир ёқадан бош чиқарсак, ишимиз ҳам, фикримиз ҳам бир бўлса, битта аскаримиз душмanning ўнтасига бас кела олади.

— Қадрдоним Мурзакан, буларнинг ҳаммасига сабабчи ким? Яна ўша Дадиянининг ўзи, унинг сарой аҳли, князьлар, Чкондидели. Агар шулар бўлмаса, азиз-авлиёлар ҳаққи қасамёд қилиб айтаманки, бошқа корибецлик ёки бир деҳқон боласи ҳеч қачон бир-бирининг қонини тўкмасди. Ташқи душманга эса ҳаммамиз бир кишидек қарши чиққан бўлардик! Содда бир деҳқон — мен шундай дейман. Сен бу гапларимдан ҳатто хафа бўлишинг мумкин, — деди қизишиб Тагуи, — аммо одатда низо уруғини сепиб, орага раҳна солувчи ўз улуғ зотларимиздир.

— Нега хафа бўларканман? Мен билан очиқчасига гаплашганингдан хурсандман, — деб унинг софдиллигини мақтади Мурзакан.

— Жаннатмакон отамнинг руҳи хушнуд бўлсинким, чин ҳақиқат бу! — хитоб қилди Тагуи. — Биздек оддий кишиларнинг бир-биримизга душманлик қилишимизга асос ҳам, сабаб ҳам йўқ. Бир куни ёшлик чоғимда раҳматли Коча Довитая иккаламиз тоққа бориб қолдик. Бир камбағални уйига кириб қолдик... душманлик қаёқда дейсан! Гўё у дом-дараксиз Туркияга асир тушиб кетган акаси кириб келгандек хурсанд бўлди. Бизни иззатикром билан кутиб олди, жон-тани билан кўнглимизни кўтаришга ҳаракат қилди, ҳатто қўшни қишлоққача кузатиб ҳам қўйди. Хўш, менинг ўзим-чи? Мақтанмайман-у, ҳар қандай нотаниш одам уйимга кириб келса, меҳмондўстлик билан кутиб оламан, у билан орамизда қанақа адоват бўлиши мумкин, ахир? Қайтага жонимдан жудо бўлсам ҳам уни ҳеч кимга хафа қилдирмайман... Яқинда мен шундай тасодифга йўлиқдим!.. — деб

Тагуи жонланиб ҳикоя қила бошлади: — Бир кун и деразадан қараб уйимга икки отлиқ яқинлашаётганини кўриб қолдим. Дарров англадимки, улар Тбилиси томондан, эгарларнинг орқасида қоши йўқ — бошқача, доира-намо.

— Биламан, жуда кўп кўрганман, — деди Мурзакан.

— Келишибдими, демак, менинг меҳмоним улар. Гўё отам Цеквая у дунёдан тирилиб келгандай севиниб кетдим. Аммо нон еб ўрганганлар гомини оғзига олмас экан. «Қани, хотинжон, бир амалла, терзоқ қимирла!» — дедим кампиримга. Бечора хотинимнинг черков учун кулча қиламан деб беркитиб қўйган бир-икки ҳовуч оқ уни бор экан, мен унга хачапури пиширишни буюрдим. Жабраил алайҳиссалом шарофати яна баъзи нарсалар топилди. Рост, сал нон танқисроқ, бошқа ноз-неъматлар мўл эди. Меҳмонларим эса топилмайдиган йигитлар экан. Улар менга миннатдорчилик билдириб, шундай хурсанд бўлишдики. Мравалжамиерни¹ айтишди, улар бу ашулани қойил қилиб айтишаркан, ҳамма—ёшу қари ҳайратда қолдик. Балки мен буни ноўрин ҳикоя қилаётган бўлишим мумкин, лекин такрор айтаманки, зулм ва адоват уруғини жанобларнинг ўзлари сочадилар, биз деҳқонлар эсак ҳеч қачон бир-биримизга душманлик қилмаймиз. Ишқилиб, мамлакатимизда ҳасад, адоват чириб битсин! Ситамгарларга қарши бир ёқадан бош чиқарсак, ана шундагина бахтсиз оға-иниларимизни қул қилиб сотиш тўхтатилади, — алам билан гапирди Тагуи. — Азизим Мурзакан, ишқилиб худо ўз паноҳида асрасин сени, мендай бир қарияга катта мурувват кўрсатдинг... Агар зодагонлар орасида сенга ўхшаганлардан юз-икки юз киши бўлганда эди, ишимиз бошқача бўларди.

— Қуллуқ, қуллуқ сенга, Тагуи.

— Ҳа, Ҳизир йўлдошинг бўлсин, — дея тилак тилади мезбон ва қадаҳни бўшатди. — О-о, мусаллас ҳақиқатан ҳам жуда ўткир — бу худога ҳам аёнدير. Мурзакан, умринг узоқ бўлсин, худо омадингни берсин!

— Худо мадад берсин сенга. Болаларнинг ҳам умри узун бўлсин, уларнинг тўйини кўр. Болалар сизнинг саломатлигингиз учун! — хитоб қилди меҳмон ёшларга қараб.

¹ Мравалжамиер — грузинча анъанавий кўшиқ.

Гиго билан Малхаз Мурзаканга ташаккур билдиришди. У мусалласни ичиб қовоқ косани Гигога узатди. Ёшлар яна меҳмонга қуллуқ қилишди ва улар ҳам биттадан қовоқ косани бўшатишди.

— Афандим Мурзакан, бултур менинг ҳам Хресиль жангида қатнашишимга сал қолганди,— деди чол.— Қанақасига деб ўйларсан? Мен ҳам милтигимни кўтариб йўлга тушдим. Биз эндигина Цхенис-Цхали дарёсига етган ҳам эдикки, Дадиани билан подшонинг ғалаба қилганликларини эшитиб, яна орқага қайтдик.

— Уҳў!.. Хўп одамани урушга юборишибди-да... Уларнинг ақли сеникидан ортиқ эмаслиги кўриниб турипти шундан,— деди Мзеха масхара қилиб.

— Эй, аҳмоқ хотин! Мен-ку ўз гавдам билан душманнинг ақалли битта ўқиға қалқон бўлардим, ўз ўқимни эса душманга қарата отардим.

— Ҳа, холажон сизга нима бўлди, ахир! Тагуи аъло мерганлардан-ку,— Мурзакан эътироз билдирди.— Ҳайит ибодатидан сўнг эман дарахтига қизил тухумларни осиб қўйиб мерганликда мусобақалашганимиз ҳали-ҳали эсимда. У нишонга олган тухумларни доимо отиб туширар эди... Мен: сизларнинг уйингизда катта бўлганман, ўша пайтларда мен кичкина бола эдим.

— Мен сени жуда кўп эслардим, қанча эслаган бўлсам — болаларимга ҳам шунча байрам кунини ато қилишини худодан сўрардим,— деди Тагуи.

— Хресиль жангида, айтишларига қараганда, Хутуни Шарашия шуҳрат қозонибди,— деди Гиго нийманибгина.

— Ҳақ гап!— деб тасдиқлади Мурзакан.— Худо раҳмат қилгур Хутуни одам эмас, ҳақиқий дев эди. У қилич яланғочлаб жангга кириб, усмонлиларнинг ўн-ўн бешининг калласини сапчадек узиб ташлади, бироқ ўзи ҳам халқ иши йўлида шаҳид бўлди.

— Унинг муқаддас номи тилларда абадий дoston бўлсин,— деди чол эҳтиром билан ва қовоқ косани тўлдириб, қадимий одат бўйича бир бўлак гомига мусалласдан томизди.

Ҳаммалари Хутунининг арвоҳи учун ичишди.

— Энди бас, ҳурматли Тагуи,— деди Мурзакан.

— Азизим, яна бир косагина... Мусаллас етарли, афандим!

— Тангри, рўзгорингга барака берсин. Дала ишлари авжи қизғин бир пайтда кўп ичиш ярамайди, шундай ҳам талайгина ичиб қўйдик. Сени ва бола-чақангни Биби Марям ўз паноҳида асрасин,— деб меҳмон чолни дуо қилди, косага мусалласдан озгина қуйиб ичди-да, ўрнидан турди.— Ғоятда миннатдорман, Тагуи. Кўпдан бери бундай лаззатли овқат емаган эдим. Худо хонадонингга маъмурчилик ато қилсин!

— Беодоблик қилиб сени таклиф этганимиз учун, тангрим мендай гуноҳкорнинг жазосини берсин, афандим,— дея Мзеха яна ўзини оқлади.

Мурзакан яна уй эгаларига ташаккур билдириб, милтигини елкасига осиб, отига минди-да, жўнаб кетди.

Мзеха Хвичо билан далага овқат келтирган аёлларга қўшилиб қоровуллар кузатувида қишлоққа қайтди.

— Хвичо, эҳтиёт бўл, бир ўзинг эчкини далага олиб чиқма, уйдан олисга кета кўрма,— деб Гиго болага насихат қилди.— Беко ёнидаги бўш ётган тепаликда жуда ўт кўп, элликта эчкига ҳам етади... Шўхлик қилмасдан, қуш уяларига тегмасдан юр...

— Ақлли бола бўл, ўғлим, овунчоғим!— деб отаси ҳам болага насихат қилган бўлди.

II

Овқатланиб олишгач, Тагуи ва ўғиллари тут соясида андак мизғишди. Бироқ кун оғиши биланоқ туриб, дарров ишга тушиб кетишди.

Кеч кириб қош қорая бошлади. Экинлар кўм-кўқ денгиздек мавжланар, осмон шишадек мусаффо эди. Ҳеч қаерда заррача булут кўринмасди. Қилт этган шабада ҳам йўқ, дим.

— Дўзахнинг эшиги очилдими дейман-а! Тавба, иссиқдан нафасинг бўғилиб қолиши ҳам ҳеч гап эмас. Енгилгина салқин шамол учун минг танга берса ҳам арзийди,— деб овозини чиқариб хаёл қилди укаси Малхаз.

— Ҳақиқатан ҳам кун бугун жуда дим бўлди-да!— дея унинг фикрига қўшилди Гиго.

— Ҳа, болаларим, бугун жуда иссиқ,— деб чол тасдиқлади.— Тўғри, биз учун бу азоб, лекин ҳосил учун бебаҳо иссиқ. Ҳатто худо ҳам ҳамманинг кўнглини овлолмайди! Бизга ёқадиган нарса экинга зарар келти-

риши мумкин, экинга фойдали бўлган нарса, бизга ёқмас.

— Э-э, қўлимиздан нима ҳам келарди,— деб юборди Гиго,— илгари чидаганмиз, энди ҳам чидайверамиз. Йўқ-са ейишга ҳеч нарса бўлмайди. Қани, ука!— деди у Малхазга қараб ва кетмонини ураверди.

Малхаз унга эргашди. Чол ҳам ёшлардан қолишмасди. Яна бир маромда кетмон товушлари эшитила бошлади.

— Нима бўлса ҳам шу тахтани тамомлашимиз керак, ўғилларим, ундан кейин дам оламиз. Ўзингни ортиқча уринтиришингнинг ҳам кераги йўқ,— деди Тагуи.

— Иссиққа-ку мен бардош бера оламан-а, лекин бугун мазам йўқроқ: гўё биров мени калтаклагандек ҳамма ёғим оғрияпти,— деб зорланди Гиго.

— Қаттиқ кесак устида ухлаб қолган бўлсанг керак,— деди чол.

— Йўқ, эртадан буён мазам йўқ. Аъзойи баданим аллақандай ланж. Яна иситмам тутиб қолмасайди, деб қўрқаман...

— Жим, жим!— деб Малхаз акасининг гапини бўлди. У ишдан тўхтаб, кетмонга суянганича қулоқ сола бошлади.

— Нима гап, ўғлим?— безовталаниб сўради чол.

— Аллақандай шовқин-суронни эшитяпман...

Уччаласи диққат билан қулоқ солишди.

— Мен ҳам бир нимани эшитгандай бўляпман,— деб тасдиқлади Гиго.

— Ит аккиллаётганга ўхшайди,— деди Тагуи.

— Ҳа, ит ҳам вовиллаяпти.

Бошқа деҳқонлар ҳам ишларини қўйиб қулоқ сола бошлашди. Ҳақиқатан қишлоқдан шовқин-сурон, хотинларнинг қий-чув овози келарди.

— Бай-бай-бай! Кимдир ўлганга ўхшайди,— деди Малхаз иккиланиб.

— Балки Кучуининг онаси ўлганмикин? Бечора! Жудаям мункиллаб қолганди,— деди Тагуи.— Мен кичкина болалигимдаёқ унинг бешта ўғли бор эди. Одамни ўзи нима? Одам қон тўла мешдай бир гап. Ажали етгандан кейин нима ҳам қила оларди?

— Йўғ-э, мен Кучуининг онасини кечагина кўрган-дим, у ҳеч ўладиганга ўхшамасди,— деди Гиго ўйчан.—

Балки қўшни қишлоқда бирон ҳодиса юз бергандир, хотинларнинг уввос солишига қараганда биров ўлган.

Қий-чув кучайиб борарди. Энди хотинларнинг дод-фарёди аниқ эшитила бошлади. Улардан бири дона-дона ва кўрқинчли қилиб бақириб йиғларди.

Болалар оналарининг товушини танишди.

— Оҳ, шўримиз курсин! Бошимизга фалокат тушганга ўхшайди!— деб хитоб қилди Гиго қўлидаги кетмонини улоқтириб. У тут тагига югурди ва милтиқни ола солиб қишлоқ томон отилди. Тагуи билан Малхаз унинг кетидан чопишди. Бошқа деҳқонлар ҳам кетмонларини улоқтириб, милтиқларига ёпишдилар. Баъзилари йўл-йўлакай уст кийимларини кийиб боришар, бошқалари эса милтиқларини олиб, уст кийимларини ҳам киймай, кўйлакчан югураверишди.

Дарёнинг қарши қирғоғида бир неча хотин сочларини тўзғитиб, фарёд чекиб чопишарди.

— Ўғилгинам, жигаргўшам! Бундан кўра онагинанг ўлгани яхшийди, ўғилгинам, Хвичогинам!.. Ёрдам, ёрдам, ёр-да-м беринглар!

— Нима гап? Нима бўлдийкин? Ҳозиргина ўғлим ёнимда эди-ку!— деб қичқирди чол дарё ёқасига етиб келиб, лекин бирдан овози ўчиб, тиззалари қалтираганча гуппа қулади.

Деҳқонлар ўзларини сувга отиб, ҳайқириқ билан нариги қирғоққа интилдилар.

Ярим соат ичида бутун қишлоқ оёққа турди. Хотинларнинг дод-фарёди, қий-чуви, итларнинг аккиллаши ва ҳайқириғи қўшилиб қулоқни қоматга келтиргудек суронга айланди. Қишлоқнинг чеккасидан милтиқ овози келди, кейин иккинчи, учинчи ўқ янгради.

* * *

Кун ботишга озгина қолган эди. Ғарбдан салқин шабада эса бошлади. Осмоннинг у ер-бу ерида булут пайдо бўлди.

Тагуи Абедиянинг кичкинагина ҳовлиси одамлар билан лик тўла. Ис босган ёғоч уйда хотинлар уймалашар, атрофни уларнинг дод-фарёди босиб кетганди.

Эркаклар, деярли ҳаммаси кексалар, ҳовлидаги олма дарахти тагида ўлтиришарди. Улар ғазаб ва алам билан содир бўлган ҳодисани муҳокама қилишмоқда.

Тагуининг хотини Мзеха сира чидаёлмасди. Унинг юзлари юлинган, қонга бўялган, фарёд кўтарарди. Аёллар уни юпатишга беҳуда уринишарди.

— Уғлим Хвичо, жигаргўшам Хвичо... Мени тепкилаб кўмсанг бўлмасмиди!.. Қаёққа бошимни урай, қардан излай сени, бахти қаро онангга ким ёрдам беради?!— айтиб-айтиб йиғларди умидсизланган аёл.

— Мзеха, ҳой Мзеха, тинчлан энди, тўтигинам. Ахир ҳозирча қандай хабар келишини билмаймиз-ку. Кимдакимнинг милтиғи бўлса, ўғриларни излаб кетишди. Уларга йўлда яна анча-мунча одам қўшилади. Худо беҳабар, бағри тош одамнинггина қўлидан келади бу ёвузлик. Лекин қароқчи осмонга учиб кетолмайди-ку! Албатта унга етиб, болани унинг қўлидан тортиб олишади,— яхши кийинган, кўринишидан қандайдир аслзода хотин Мзехани юпатарди.

— Болагинам Хвичо! Отагинанг айлансин, Хвичо, менинг умидим!..— деб Тагуи айтиб-айтиб йиғларди. У икки қўлини кўксига чалиштирганча, бош яланг, нима қилишини билмай ҳовлини кезарди.

— Ана сенга мамлакатда осойишталик! Бу офату фалокатлардан қутула олмаймиз ҳеч қачон. Бундан кўра ҳаммамиз бараварига йўқ бўлганимиз яхши!— деди боши ялтироқ, соқоли оппоқ бир деҳқон.

— Бундай ит ётиш—мирза туришдан, ўлганимиз яхши!— деди иккинчиси.

— Нима учун қўйнимизни пуч ёнғоққа тўлатадилар,— деди яна боши ялтироқ чол.— Яқинда мен Накалакевида, Тайни Батонишвилининг саройида бўлдим. Ушанда саройбон Герия ҳам ўша ерда экан. «Хўш, Учардия, турмушларинг қандай?»— деб сўради у мenden. «Э-э, қўйсангиз-чи, бизнинг тирикчилигимизни турмуш деб бўладими? Товуқ сингари тутиб олиб, Туркияга сотяптилар...»— дедим. У бўлса: «Йўқ, Учардия, илгари шундай эди, эндиликда эса осойишталик»,— деб жавоб қилди.

Саройда йигирмага яқин деҳқон бор эди, Гериянинг бу сўзларини ҳаммалари эшитишди. «Бекорга қўрқаясизлар,— деб ишонтирди у,— одам у ёқда турсин, энди эчкининг бошвоғини ҳам йўқотмайсизлар. Дадгани билан подшо тутқунларни Туркияга сотдирмасликка келишиб, инжил ва хочни ўртага қўйиб қасамёд қилишди».

Биз ҳамма деҳқонлар чўқиниб, тангрига шукроналар

уқидик. «Хотиржам бўлинглар, ҳеч нарсадан қўрқманглар!»— деб қайта-қайта такрорлади Герия.

— Бу ҳам чин ҳақиқат, хўжамнинг хунига қасамёд қилиб айтаманки,— бўғиқ овозда давом этди бошқа чол.— Ушандан буён икки ҳайит ўтди, ҳақиқатан бизнинг қишлоқдан эчкининг бошвоғи ҳам йўқолмади. Ҳозирги ҳодиса балки шахсий адоват юзасидан бўлгандир.

— Шўринг қурғур Тағуига ким ва нима учун адоват қиларди? Бизда Тағуидан бўлак ҳақгўй ҳамда оқ кўнгил одамни топиб бўлмайди!— деди чол.

— Ўғлим Хвичо, болагинам Хвичо!— деб қон-қон йиғларди Тағуи.

— Князь бола йўқолганлигини билдимикин?— сўради деҳқонлардан бири.

— Бўлмасам-чи!.. Жудаям хўрлиги келиб кетди. «Бу хўрлаш,— деди у,— фақат Тағуинигина эмас, балки мени ҳам таҳқирлашдир. Агар мен қароқчининг адабини бермасам, Вамех отимни бошқа қўяман!» Қароқчиларни қувлагани ўз ўғли Тариелни жўнатди,— деди боши ялтироқ чол.

— Демак тамоман умидни узмаса бўлар экан.

— Қадрдоним Тағуи, ёнимга кел,— деб ғамгузарлик билан мурожаат қилди чолга боши ялтироқ Учардия.— Ваҳимаси демаса, шайтон унчалик қўрқинчли эмас. Тариел Батонишвилининг ўзи ғанимнинг изига тушган, қўлидан иш келадиган барча деҳқонлар қувиб кетишди. Наҳотки лаънати жаҳаннамга тушиб кета олса? Қўй, тинчлан!.. Одатда бошқаларга сенинг ўзинг тасалли берардинг-ку, нега энди ўзингни қўлга ололмайсан?— у товушини баландлатди.

— Ўғлим Хвичо, болагинам, бундан кўра отангни ўлгани яхши эди!— деб қайғу билан хитоб қилди Тағуи ва яна ҳўнграб йиғлаб юборди.— Эй, яратган эгам, бундан кўра жонимни олганинг маъқул эмасмиди! Болагинам бугун ёнимга, катта кўзада мусаллас олиб борган эди. У онаси билан бирга борганди. Унинг қандай шаҳдам қадам ташлаб юришини кўрганларингда, ҳайрон қолардинглар,— деб фарёд чекди Тағуи.— Нахс кунда туғилган эди, мен доимо фалокат юз бермаса деб қўриқиб юрардим. Христианлар, мен нима ҳам қила олардим?! Ахир болани ўғирлаб кетмасликлари учун уни ертўлада сақлай олмасдим-да. Еруғ жаҳонни кўрмаслик ёки ўғирланиш бари бир эмасми? Қачонгача яширини-

шимиз керак! «Ахир эчкини боқиш учун Малхаздек ўспиринни ишдан қолдиришим мумкин эмас, деб ўйлагандим!» Шунинг учун эчки боққани гўдакни юборардим, у эчкиларни яхши боқарди!..— эсиз, эсиз, ўғилчам!.. Бу кунидан кўра отангнинг ўлгани яхши эмасмиди... Во-оҳ!.. Бу қандай кун!.. Князь Даднани мени қийнайди, помещик мени азоблайди, диндорлар ҳам, динсизлар ҳам мени қийнайдилар... Худо қаерда? Адолат қаерда? Мен аламзада нима билан тасалли топай?.. Бечора болагинам! Бугун мен сени сўнгги марта кўрган эканман! Агар сенга узоқ умр насиб қилган бўлса, ўсиб улғайсанг, ўз бахтингни топсанг, мен буни билолмайман ҳам, кўролмайман ҳам... Мен бечора чол армон билан гўрга кирадиган бўлдим. Оҳ, шўрим қурсин!— деб Тагуи бошларига муштлаб, фарёд чекарди.

Атрофдагиларнинг ҳаммаси ҳўнграшарди. Тасалли беришга ҳеч кимнинг тили келмасди. Гўё ҳаммалари ловиллаб турган оловда ёнмоқда эди.

— Гуноҳимиз оғир, эй, худойим!— деб қайғу-надомат чекишарди.

— Ё тангрим! Нима учун биздан юз ўғирдинг?— деди ғамгин шу дамгача индамай ўтирган энг қари чол, қўлини кўкка чўзиб.— Сенинг қаршингда гуноҳимиз нима, раҳмон эгамсан-ку ўзинг! Ҳафтанинг уч кунини князга ишлаш билан ўтказсам, қолган уч кунда топган-тутганимни дуч келган одам тортиб олса. Отимни тортиб олишса, сигиру товўқларимни тортиб олишса... Малъунга ҳар қанча ялинганинг билан иш чиқмаса!.. Худойим, лоақал болаларимизни ўғирлаб, қулликка сотишларидан қайтар! Эй яхшилар,— чол деҳқонларга мурожаат қилди,— мен бу дунёда кўп яшадим, юзга яқин ҳайитни кўрдим, лекин бирон йил ваҳима, қўрқувсиз ўтганини билмайман. Ҳозиргиси ҳолва... Бечора камбағалларнинг бундан қирқ-эллик йил аввал қандай ваҳимада ҳаёт кечирганликларини билганларингда эди!.. Одамларни ухлаб ётган жойларидан ўғирлаб кетишарди. Бахтсиз халқимизнинг қандай қилиб омон қолганига сира ақл етмайди?! Туғилганимдан буён фақат даҳшатнигина биламан.

— Ўғлим Хвичо, болагинам Хвичо!..— деб Тагуи йиғлашда давом этарди.

— Тинчлан, сабр қил, ноумид бўлма,— дея мурожаат қилди бахтсиз отага жасур чехрали, узун оқ со-

қолли чол.— Болалигимда мени икки марта ўғирлашганди, бироқ кўриб турибсанки, мен сизлар билан биргачман, мени кўҳна қабристонимизга қўясизлар деган умиддаман.

— Тўғри, Сепане! Ахир сени икки марта ўғирлашган-ку,— деб тасдиқлади кимдир бирмунча дадилланиб.

— Ҳа, икки марта! Биринчи гал ўғрилар мени ҳованови ёққа олиб кетишди,— деб чол қўли билан ғарб томонни кўрсатди,— иккинчи марта эса — Цулейскири мулки томонга...

— Яёв ҳайдаб кетишганмиди?

— Бўлмаса аравада бўлармиди?.. Албатта яёв-да! Ушанда ўсмир эдим. Бир киши мени эгарда эплаб олиб кетолмасди. Икки отлиқ олиб кетган мени... Ҳамма ёқ ўрмон... Гоҳ пастликка, гоҳ баландликка судрашарди. Ўша кунлар эсимга тушса, одамзод ҳамма нарсага чидар экан, деб қўяман. Қандай омон қолганимга сира ақлим етмайди.

Бу ўғирланиш таърифи гарчи ҳаммага кўпдан маълум бўлса-да, Сепаненинг ҳикояси барчанинг диққатини ўзига жалб қилди. Ҳатто Тагуи ҳам деярли йиғидан тўхтаб, қулоқ сола бошлади.

— Мени тушликка яқин ўғирлаб кетишган эди, кечгача на бир дақиқа дам олдим, на бир тишлам нарса едим. Теклатига етиб боргач, аллакимнинг уйида тунадик. Уйга киришим биланоқ гуппа ташладиму донг қотиб ухлаб қолдим. Мени уйғотганларида ҳали тонг ёришмаган эди, озгина овқат беришди-ю, шу заҳоти отга миндиришди, оёғимни узангиларга боғлашди. Қўлларимни боғлашмади, оғзимга тиқилган латтани ҳам олиб ташлашди, энди керак эмасди у: борди-ю, ёрдамга чақирганимда ҳам ҳеч ким эътибор бермас эди бунга.

— Шошма! Ўғрилар бизнинг диндошларимиз эдими?— деб кимдир қизиқиб сўради.

— Бўлмасам-чи. Бола ўғирлагани турклар юрак ютиб қишлоққа кела олармиди? Турклар ҳов анави қалъада ўтиришарди! Мен айёрлик қилдим: башарамни қувноқ, гўё тақдирга тан бергандек қилиб кўрсатдим. Шунинг учун Риони қирғоғига етиб борганимиздан кейин оёғимни ечиб қўйишди. Чаладида бизга икки отлиқ турк қўшилди. Мени ўғирлаган қароқчилар уларга зўр ҳурмат билан муомила қилишарди. Биз дам олиш учун алла-

қандай қоронги ўрмонда тўхтадик. Қароқчилар дарров ухлаб қолишди. Бу ажабланарли эмас, улар шундай чарчашган эдики, оғиз очишга ҳам ҳоллари йўқ эди... Мен ҳам дарров думаладим ва ўзимни ухлаганга солдим. Турклардан бирови ҳам ухлади. Иккинчиси эса... бу итдан тарқаганининг жуда айёр экани кўриниб турарди. Кўзларини юмиб олиб, ўзини ухлаганга соларди. Кейин, тўсатдан кўзини очиб менга қараб қўярди. Мен бўлсам куйдирилган чўчқа боласидек кўзларимни юмиб ётганча эҳтиётлик билан уларни кузатардим. Ниҳоят иккинчи турк ҳам ухлаб қолди; у шундай хуррак отардики, ҳатто Джапаретида ҳам эшитилган бўлса керагов. «Ўзинг мадад бер, эй худойим!..» деб секингина турдим. Бахтимга отлардан бирини сал нарироқдаги дарахтга боғлаб қўйишган экан. Эҳтиётлик билан отнинг ёнига етиб олдим, уни ечиб, йигирма қадамча нарига етаклаб бордим, сўнгра айилини тортиб, эгарга миндим-да, чоптириб кетдим. Шунақанги чоптирдимки, асти қўяверасиз...

— Қойилман!— деб юборди чоллар.

— Демак, отни ҳам олиб қочдингми?— деб сўради деҳқонлардан бири.

— Отни дейсанми?.. Ўша пайтда от эсга келармиди? Мен тулпорни токи оёғини судраб босгунча чоптиравердим, кейин уни ташлаб, ўрмонга яшириниб олдим, ҳеч қандай иблис ҳам тополмас эди мени,— деб жавоб қилди Сепане.

— Ана эпчиллигу, мана шайтонлик!— деб юборди кимдир.

— Сепане, қандай қилиб иккинчи марта сени ушлаб олишди?— ҳамма ҳар ёқдан сўради.

— Иккинчиси жуда жўн бўлганди! Менинг ўғирланганимни ўша заҳотиёқ билишиб, ҳамма бирдан қувишга отланган ва ўғрилардан қайтариб олишган.

— Эҳ, шўримизга шўрва тўкилсин! Агар бугун ҳам ўз вақтида билганимизда болани қутқариб қолган бўлардик,— деди боши ялтироқ чол.

— Ҳа, мен бадбахтнинг ишим ўнгидан бўлмади,— деди Тагуи ғамгин.— Эчкилар тарқалиб кетмагунча, ҳеч ким ўғлимнинг йўқлигини билмаган. Фақат шундан кейингина қий-чув кўтарилган, лекин вақт ўтган эди!.. То биз хабардор бўлганимизча эса қароқчилар аллақачон Сорти ўрмонининг орқасига ўтиб олишган эди.

— Э, шўримиз қурсин, бошимизга фалоқат ёғилди!..— деб такрорлашарди кексалар қайғуриб.

Кеч кирди. Қишлоқда Хвичонинг тақдири тўғрисида ҳеч ким ҳеч нарса билмасди. Деҳқонлар уй-уйларига жўнашди. Бирор хабарни кутиб тинкаси қуриган Тагуи билан Мзеха жим бўлиб қолишди.

III

Қалин ўрмон ичида, ичи кавак азим туп эман дарахтининг ёнидаги кичкина ўтлоққа кавкази чакмон тўшалган. Қуролланган бир киши унда ёнбошлаб ётибди. Милтигининг милини оёқлари орасига маҳкам қисиб, қўндоғини кўкрагига босиб олганди. Номаълум киши белига суяк сопли ханжар осган, қўлида эса тўппонча. Сал нарида қора-тўриқ от қантариғлиқ турарди. Биринчи қарашдаёқ бу одамни мудраяпти деб ўйлаш мумкин. Аммо баргларнинг сал шитирлаши ёки аллақандай сезилар-сезилмас говушга у илондек бошини кўтарар ва қўндоғидаги тўппончасини маҳкам ушлаганча атрофга назар ташларди.

Бу қориндор киши эди. Унинг ажин босган юзи сарғиш. Қоп-қора сақичдек соқолига оз-моз оқ оралаганди. Унинг катта-катта ёвуз кўзлари ҳадиксираб олма-кесак терарди.

— Ҳушт-ҳушт-ҳушт!— деган говуш эшитилди ўрмондан.

Кавкази чакмон устида ётган киши қадини ростлади, милтигининг ўт олдирадиган пилтасини кўздан кечирди-да, диққат билан қулоқ сола бошлади.

— Ҳушт-ҳушт-ҳушт!— энди яққол эшитилди.

— Ҳушт!— бир оз жимликдан сўнг яна эшитилди.

Номаълум киши милтигини елкасига осиб, қўлини чўнтагига суқди-да, қамиш найни олиб, ҳуштак берди.

— Ҳушт!— қисқа ҳам кескин жавоб эшитилди.

Бир неча минутдан сўнг яқингинадаги буталарнинг шаббалари қимирлаб, шитирлаган говуш эшитилди.

— Кучуи!— деб чақирди номаълум киши ва тўппончасини тайёр тутганча дарахт орқасига ўтиб турди.

— Менман! Қўрқма!

— Э, жин урсин! Эҳтиёткорлик халал бермайди!— деди қора соқолли ва енгил нафас олиб, тўппончасини камарига қистирди.

Енғоқзордан малла тусли пақанароқ одам эмаклаб чиқди, у ҳам қуролли эди.

— Тенгиз, бир ўзингмисан?— деб сўради у.

Қора соқолли чап қўлини оғзига қилиб, ўнг қўлининг бармоғи билан ковакни кўрсатди.

Малла киши оҳиста дарахтга яқинлашди ва ковакка мўралади.

Ковак катта эди. Ёгингарчилик пайтида уч-тўрт киши бу ковакка бемалол бекиниши мумкин эди.

— Қойил!— деди малла киши секингина ва мамнуният билан бош ирғади.

— Жим, жим!.. Ухлаяпти...— деб шивирлади Тенгиз.

Икковлари дарахт яқинига ўтиришди.

— Тагин уйғотиб юбормайлик, секин гапир, у жуда чарчаган,— деди Тенгиз.

— Тушунаман,— жавоб қилди Кучуи,— кўринишидан яхши болага ўхшайди. Неча ёшда экан?

— Билмайман. Мен туғилганида ва чўқинтириб от қўйилганида тепасида эмасдим. Чамамда етти-саккиз ёшларда бўлса керак.

— Сен лаънатига бу болани қўлга тушириш қандай насиб бўлди? Сен нақ шайтоннинг ўзгинасисан, ҳа, худди ўзи!

— Ҳазилингни қўйсанг-чи! Мен шунақанги даҳшатни бошдан кечирдимки, асти қўяверасан, на Исою на шайтон эсга келди ўша пайтда. Гапингни қара-ю: «Насиб бўлди» эмиш, бошимдан ажралишимга сал қолди. Ҳозир бундай хавфли ишни бажариш осонми? Урганган кўнгил ўртанса қўймас экан! Бу галгиси жуда антиқа бўлди. Кучуи, ахир сенга яхши маълумки, шу ёшимга-ча қанчадан-қанча болаларни ўғирламадим. Болаларни қўявер, бўйи етиб турган қизларни олиб кетганимни айтмайсанми. Ун йил муқаддам мен нима ишларни қилмасдим. Нимасини айтай, ўзинг яхши биласан-ку... Бироқ кечагидек даҳшатни ҳеч қачон бошимдан кечирмаган эдим. Омон қолишимнинг ўзи бир мўъжиза...

— Шундай, шундай,— деб Кучуи маъқуллаб турди.— Бироқ шундай бўлса-да, ҳар қалай қўлга туширибсан-ку!

— Тасодифан учраб қолди у... Очиғини айтсам, бошқа иш билан шошиб кетаётгандим, қўққисдан қамишзор ёнидан ўтиб қолдим. Қиямаликдаги қирққулоқзордан бирдан қулоғимга эчкининг пишқириғи чалинди. Ўша

ерда турган сайроқи ўрмон қушидек жажжигина чўпон болани кўриб қолдим. У қўлидаги таёқчани ўйнаш билан овора эди. Пастда қамишзор яқинида тутун бурқсиб ётарди. У ерда аллакимнинг кулбаси бўлса керак. Мен аёл кишининг: «Ҳайда нариги ёққа, ҳайда!»— деган товушини эшитдим. Чўпонча мени кўриб, қўрқишни хаёлига ҳам келтирмади, ҳатто менга қараб жилмайиб қўйди. Мен шу заҳоти чақа-танга тўла катмонимни олиб, жаранглатиб болага узатдим. «Мановини кўрдингми, болакай, бунинг ҳаммаси сенга», дедим. У парвосизгина ёнимга югуриб келди. Ўзинг биласанки, бундай ҳодисага биринчи маротаба учраётганим эмас: болани шартта ушлаб олдим у оғзига латта тикиб, дарров чакмонимни тагидан опичлаб боғлаб олганча, отни йўрттириб қолдим. Аммо бундай аҳволга тушишини душманимга ҳам раво кўрмайман.

— Дарров билиб қолишдимиз?

— Билиш қаёқда!.. Дарров билишмадику-я... Лекин бола менга тинчлик бермади. Илонбалиқдай жилпанглаб арқон-парқон билан сирғалиб тушиб кетишига сал қолди. Шумтака дуч келган еримга мушт тушираверди, ҳозир ҳам орқаларим зирқираяпти. У мени қонимга ташна қилди, Кучуи, «э падарига лаънат! Бу болани шартта пешанасидан отиб ташлайман-у, тинчийман-қўяман»— деган хаёлга ҳам бордим. У кучдан толиб, сулайиб қолгунича муштлайверди. Мен тоғдан ошиб, «Сорти» чангалзорига етишим биланоқ шовқин-сурон, милтиқ овозлари эшитилди. Ғала-ғовур шундай авжига чиқдики, гўё бутун қишлоқ аҳолиси орқамдан қувлаб келаётгандек эди. Ўшанда деҳқонларнинг қўлига тушсам борми, Тенгизингни калласини сапчадек узиб, терисига сомон тикқан бўлардилар. Кучуи, сенга айтадиган битта гапим бор: бу дунёда яхши аргумоқдан бўлагини асло орзу қилма! Менинг тулпоримни боқиб катта қилганни худо бу дунёю у дунё кам қилмасин! Бу ўша мен бултур Гуриядан олиб келган аргумоқ. Бу от бўлмаганда ҳозир қаердадир қийма-қийма бўлиб чопилиб ётган бўлардим. «Абаши»гача отга дам бермай чоптириб бордим. Шундан кейин кеч кириб, мен ҳам қутулиб қолдим.

— Энди нима қилишимиз керак!— деб сўради Тенгиздан Кучуи.

— Орпирида қайигинг борми?

— Нима, Орпири орқали ўтиб кетаман, деб ўйлаясанми?

— Дурустроғи қайси?

— Орпири орқали ўтишингга маслаҳат бермайман, у ер жуда хавфли. Ҳар бир қайиқ тўхтайдиган жойга ва йўл бўйлаб подшо соқчилари қўйилган. Бирон нарсадан шубҳаланишса, шартта ушлашади! Ана унда ҳар қанақа дуо ва оҳу зор ҳам сени қутқаролмайди. Балким ўлдирмаслар-у, аммо кўзингни ўйиб олишлари аниқ. Ундан кейин тўрт томонинг қибла.

— Йўқ, унақа ҳаётдан ўлганим минг марта афзал!.. Сенингча қаердан ўтсам хавфсизроқ? Балки, Суджуни орқали дерсан?

— Худо сақласин! У ерда пистирмада сени кутиб ётган бўлишлари керак. Ҳозир ҳамма йўл беркдилов. Сен нима, фақат биз ақллиг-у, бошқалар ахмоқ деб ўйлаясанми?

— Нима қилиш керак бўлмаса?

— Шошма,— жавоб қилди Кучуи шошилмай пешанасини артаркан.— Биласанми, миямга қандай фикр келди?

— Гапир!

— Азим Чконини биласанми?

— Биламан.

— Худди ўша Чконига қарама-қарши бериги қирғоқда, Рионига Қорасой қўйиладиган ер, жуда хилват жой. У ерга отда бориб бўлмайди. У ер шундай ботқоқки, агар пиёда бориб олишга муяссар бўлсанг, худога минг марта шукур қилишинг керак. Олдин мен бориб, бирон жойдан қайиқча олиб келаман ва сени ярим кечада кутаман. Агар бу кеча қайиқ бўлмай қолса, эртага кечгача иккаламизга ҳам ўрмонда яширинишга тўғри келади.

— Ҳамма умидим сендан, Кучуи. Қайиқнинг иложини қил. Рионидан ўтиб олсам бас, қутулдим деган гап. Қайтиб келгунимча отимни эҳтиёт қил, бир нафас ҳам қаровсиз қолдирма, яхши ўтлоқда боққин. Тагин, худони ўзи сақласин-у, у зарарли ўт еб қўймасин... Ёлғиз сенгагина ишонаман, Кучуи. Отимни эмас, ўзимни топширяпман сенга.

— Ташвишланма! Кучуи бунақа насиҳатларга муҳтож эмас. Бироқ эсингда бўлсин: Азим Чконига яқинлашганингда икки марта ҳуштак бер. Бир оз кутиб, яна

икки марта ҳуштак чал. Агар жавоб қилсам, иш жойида экан деб бил, қўрқмай келавер ёнимга. Ҳозирча сенга озроққина егулик олиб келдим,— деди-да Кучуи чакмонидан қовоқ баргига ўралган бир нарсани чиқариб, Тенгизга берди.— Қоронғи тушгач, бир кўзача мусаллас олиб келаман яна, ўшанда отни ҳам олиб кетаман,— деб қўшиб қўйди.

Кучуи эҳтиётлик билан сўқмоққа чиқди-да, чакалакзорга кириб ғойиб бўлди.

IV

Руҳоний Маркоз Дабадзе, полиздаги ишларини тамомлаб ювинди-да, чип-чиннидай озода айвондаги сербар ва узун скамейкага дам олиш учун ўтирди. Бугун шанба бўлганлиги учун якшанбалик ибодатга тайёरланишга жазм этди.

Руҳоний Маркоз, китобхон, ҳақгўй, хушовоз ва асл художўй бир кимса сифатида бутун Грузияга танилганди. Ёши етмишдан ошган. Унинг икки ўғли ҳам руҳоний, қўшни қишлоқда туришади, учала қизи узатилган бўлиб, хотини Марика икковлари қолганди уйда. Эрининг шодлик ва қайғусига доимо шерик бўлган Марикани каттаю кичик ҳурмат қилишарди.

Руҳоний Маркоз дворянлардан эди. Отасидан унга бир қанча крепостной деҳқонлар мерос қолганди. Маркоз озроққина ҳақ олиб, уларни озод қилди. Лерцамис деган собиқ бир крепостной деҳқоннинг қизи руҳонийникида қолган эди. Ҳозир у анча кексайиб қолганди. У Маркознинг оиласида катта бўлди, сўнгра эрга тегди, бироқ болалари билан эридан ажраб, ҳамишаликка руҳонийнинг уйига қайтиб келганди.

Падар Маркоз ватан учун оғир бўлган ўша даврларда ўз қавмларига тасалли берувчи ягона киши эди. Бутун Грузия—Шарқийси ҳам, Ғарбийси ҳам—ички ва ташқи душманларнинг хонавайрон қилишлари натижасида ғоятда аянчли аҳволга тушиб қолганди. Ўша даврдаги Қарталиния билан Кахетиядаги аҳволни кўз олдига келтириш учун машҳур шоир Давид Гурамишвилининг сўзларини эсласа кифоя:

Қарталини кўрган ғамни санаб берар фақат доно,

Кулфат эзган юракларга асал ҳатто заҳар-заққум.

Гуржиларнинг бошларига ёвуз душман бўлди бало,

Ғазабланган таигрим ўзи гуноҳкорни гум қилди, гум.

Ғарбий Грузия яна ҳам оғир аҳволда эди: Имеретия шоҳи, Гурия Одиши, Абхазия князлари ва уларнинг атрофидаги катта амалдорлар ўзаро адоват қилиб, шу билан бир-бирларини кучсизлантириб қўйишган эди. Улар — бу фоний дунёнинг казо-казолари — жиноят ва ёвузликда кимўзар ўйнаётгандек эдилар. Аммо ўша йилларда энг ёвуз ваҳшийлик одам ўғирлаш ва уларни туркларга сотиш эди. Туркия ўша даврдаги ақлини қора босган Грузия ҳукмдорларининг тубанлигидан, жоҳиллигидан усталик билан фойдаланган. Кутаиси, Потти ва Шорапани сингари озми-кўпми аҳамиятга эга бўлган қалъаларни усмонлилар ишғол этгандилар. Улар худди ана шу ерлардан минглаб аёлларни безак учун аслзодаларнинг харамларига, йигитларни эса Туркия армиясининг сафини тўлдириш учун Истамбулга жўнатар эдилар.

Деҳқонларнинг бошига ҳисобсиз мусибатлар тушганди, улар чидаб бўлмайдиган жафоларни бошдан кечирардилар. Ҳамма деҳқонларни азоблар, талар эди, уларга ҳамдард бўладиган, ёрдам берадиган бирор кимса топилмасди. Одатдагидек одамлар у пайтларда бир-бировларига ишонмайдиган, икки юзламачи бўлиб қолишганди. Шундай вақтларда падар Маркоз эпчиллик билан эзилганларнинг ҳимоячиси, адолатсизликни фош этувчи, бирлик ҳамда биродарликни ёқловчи, ғараз ва адоватнинг душмани сифатида бош кўтарарди. У ҳеч кимдан қўрқмасди — князлардан ҳам, Гуриелининг ўзидан ҳам ва кимда-ким қул савдоси билан шуғулланса уларни қаттиқ койирди. Истамбулга жўнатиш учун мўлжалланган қанчадан-қанча асирларни қутқариб қолишга эришарди. Оддий халқ падар Маркозни кўкларга кўтарар, зодагонлар эса уни ёмон кўришарди-ю, лекин беихтиёр инсонпарварлиги, қатъиятлиги ва беғаразлилиги ҳамда бадавлат бўлса-да, зўр меҳнатсеварлиги учун ҳурмат қилишарди. Унинг номини нафақат Гурияда, балки Имеретия, Мегрелияда ҳам ҳурмат ва зўр эҳтиром билан тилга олардилар.

Ниҳоят бахтсиз Грузиянинг тақдири кулиб боққандек бўлди. Момақалди роқ ва кучли селдан кейин ярқираб чиққан қуёш умидбахш зиё таратганидек, хонавайрон бўлган, эзилган Шарқий Грузия учун ҳам умид учқунлари чақнади — бу ўша машҳур қаҳрамон — «Кахетинлик кичкина» — шоҳ Ираклий эди. Грузияга бостириб кирган турк, форс, лазгин ва қизил бошларга унинг

қиличи шафқатсиз зарба берарди. Ираклий душманларни ўз мамлакатидан қувиб чиқарибгина қолмай, ҳатто уларни ўз ватанларида ҳам ларзага келтирган эди.

Шоҳ Ираклий 1752 йили бир ярим минг кишилиқ қўшин билан Ереван яқинида Эрон тахти даъвогари бўлган Озодхон қўмондонлигидаги замбараклар билан қуролланган, ўзининг қўшинидан ўн баробар кўпроқ бўлган лашкарни тор-мор қилди. Бу ғалаба унинг қиличи ва қўшинининг шон-шуҳратини янада ошириб юборди. Шоҳ Аббос томонидан хонавайрон қилинган ва ҳалокатга маҳкум этилган Грузиянинг қайтадан оёққа босиб, мустақамланиб, бундан буён ҳам яшаяжagini бутун Осиёга намойиш этди.

Уша даврда Ғарбий Грузияга ҳам тақдир кулиб боқадигандек эди. Шоҳ Ираклий Озодхон устидан порлоқ ғалаба қозонган йили Имеретияда Соломон шоҳ ҳукмронлик қиларди. У ўзининг раҳм-шафқатли ишлари ва юмшоқ кўнгиллилиги билан шуҳрат қозонган эди. У Мегрелия ҳукмдори Отия Дадияни билан дўстлашиб, итоатсиз ва бевош князларни ўзига бўйсундирди. Улардан баъзиларини жазолади, баъзиларини бадарға қилди ва баъзиларининг бошини силади. У қатъий фармон чиқариб, қул сотишни манъ этди. Соломон шоҳ бир неча бор усмонлиларга сезиларли даражада зарба берди. Ғарчи ҳамма қалъалардан ҳайдаб чиқара олмаган бўлса-да, уларнинг ўзбошимчаликларини чеклаб қўйди, уларнинг ҳукмронлиги замирига болта урди. Соломон шоҳ имеретияликларнинг жанговар руҳини кўтарди, мамлакатга жон бахш этди ва қайтадан тикланишига асос солди.

Осойишта ҳаётнинг қарор топаётганига ҳазрат Маркоздан кўра ортиқ қувонадиган киши борми? Шоҳ Ираклийнинг қаҳрамонона ишлари ҳақидаги овозалар тарала бошлаган дастлабки кунларданоқ руҳоний ўзини еттинчи қават осмондадек ҳис қила бошлади. У кечасию кундузи худога ибодат қилиб, шоҳга сиҳат-саломатлик ва зафар тиларди. Имеретия тахтига шоҳ Соломон ўтиргач, руҳоний Маркоз Дабадзе шодликка тўлиб, янги ҳукмдорга нома ёзиб жўнатди. Ҳазрат Маркоз Соломонни тахтга ўтиргани билан табриклаб, Имеретиянинг мушкул аҳволдалигини баён қилди ва Ираклий билан Соломоннинг елкама-елка туриб мамлакатни шарқдан ҳамда ғарбдан бўладиган ҳужумлардан

ҳимоя қилишда, унинг барҳам топган қудрати ва шуҳратини тиклайдилар деган умидда эканини билдирди.

Шоҳ Соломон руҳоний Дабадзе ҳақида илгарилари ҳам эшитган эди, унинг мактубидан жуда хурсанд бўлди, афсуски ўша даврдаги руҳонийлар на ақл ва на юксак ахлоқ борасида бошқалардан фарқ қилардилар. Ҳатто юқори мансабдаги дин аҳллари Истамбул бозорларига қул сотишда қатнашдилар, шундай экан, паст табақа руҳонийлар ҳақида эса гапириб ўтирмаса ҳам бўлади!

Шоҳ, руҳоний Маркоз Дабадзегга далда берадиган, ўз ҳомийлигига олажаги баён этилган ташаккурнома билан қимматбаҳо мовутдан жубба ва иссиқ астарли этик юборилсин, деб фармон берди.

Шоҳнинг номаси Маркозни ғоятда руҳлантириб, хурсанд қилди, зероки у Соломон қиёфасида мазлумлар ҳомийсини кўрганди. Бироқ шоҳ илтифоти руҳонийнинг душманлари — князлар ва уларнинг қул савдоси билан шуғулланувчи малайларини ғазаблантирди.

Уларнинг Маркозга бўлган нафратлари ўн чандон ортиб, янада кўпроқ ҳасад қиладиган бўлдилар. Бироқ уни шоҳ ҳомийлигига олгани туфайли бу адоватчилар чор-ночор руҳонийни ҳурмат этадиган, у билан ҳисоблашадиган, ҳатто қарашларига шерик қилиб кўрсатадиган бўлдилар ўзларини. Лекин Маркоз одамларнинг ҳақиқий ҳисларини яхши билар ва ўзи танлаган йўлдан оғишмай борар эди. Ҳар қандай кишининг мақтови талтайтирмаганидек, ҳеч кимнинг таҳдиди ҳам қўрқитолмасди уни.

— Марика!— деб чақирди Маркоз хотинини.

— Нима дейсан?

— Бирон иш билан бандмисан?

— Ахир мен бирон вақт бекор ўтирармидим?! Жун титяпман. Пайпоғнинг йиртилиб кетибди, наҳотки кўрмаган бўлсанг!

Падар Маркоз ўз пайпоғига қаради, ҳақиқатан пайпоғи илма-тешик эди, бироқ у шу чоққача бунга эътибор бермаган экан. Ўз ишига берилиб кетганидан руҳоний буни сезмаганди.

— Раҳмат, Марика. Жуда вақтида эсингга келиб қолибди-да,— мамнуният билан жавоб қилди руҳоний.— Демак, Биби Марям кунига янги пайпоқ кияр эканманда! Айтгандек, Лерцамиса қаёқда?

— Сувга кетган.

— Жуда соз! Биласанми, мен сендан нима ҳақда сўрамоқчи эдим? Менга эфутини¹ топиб бер. Янги ойнинг туғилишини билмоқчиман, мевалик дарахтларга пайванд қилишни бошлаш керак.

Бир оздан сўнг остонада келишган, истараси иссиқ, паст бўйли кекса аёл кўринди. Бир қўлида копток қилинган жун ип, иккинчи қўлида эса қора муқовали каттагина китоб. Аёл китобни падар Маркозга бериб, чала қолган ишига кетди.

Руҳоний эфутини варақлай бошлади.

— Январь, февраль, март, апрель,— дея оҳистагина ўқиркан, керакли жойини топиб, ҳисоблай бошлади.

— Дин раҳнамосини ўзинг ёрлақагин, худо!— деган овоз эшитилди ва хонага елкасига калта милли миллик осган деҳқон кирди.

— Теодорик! Нима гап, ўғлим? Бирон кўнгилсизлик содир бўлдими?— меҳрибонлик билан мурожаат қилди унга руҳоний.

Деҳқон Маркозга яқин келиб, таъзим қилди.

— Йўқ, отахон!— бир оз паришонлик билан жавоб қилди Теодорик.— Мени князь юборди. Родам хонимнинг тоби қочиб қолди, ҳузурига боришингизни сўради... Диний маросимни ўтар эмиш.

— Оҳ, азизим! Княгиняга нима бўлдийкин? Ўтган якшанба у черковда бўлганди, кўриниши ҳам туппа-тупук эди...

— Ўтган якшанбани қўяверинг!.. Бугун эрталаб ҳам княгиня соппа-соғ эди, тўсатдан огриб қолди, юрагига бир нарса бўлганга ўхшайди.

— Князь Георгий уйдаими?

— Йўқ, отахон. Жуматига жўнаб кетганди.

— Ҳа-а-а,— деди руҳоний чўзиб ва қордек оппоқ узун соқолини сийпади.— Яхши, яхши, ўғлим, бораман, ҳозир бораман!— деди у, китобни ёпди-да, йўлга отлана бошлади.

— Хачир олиб келайми, отахон?— деб сўради Теодорик.

— Йўқ, ўғлим. Пиёда ҳам етиб бораман. Эртага як-

¹ Э ф у т и — астрономия ва об-ҳаво маълумотлари берилган қадимий китоб.

шанба, ҳали ибодатга тайёрланишим керак. Хачирни олиб келиб эгарлагунигча анча вақт ўтиб кетади,— шошмайгина жавоб қилди падар Маркоз, кўкрагига муқаддас инъом — нажот аломатини осиб, Теодорик орқасидан йўлга тушди.

V

Ҳамиша кўм-кўк бўлиб турувчи ўрмон билан қопланган Нигонт тепалигида князь Георгий Чоришвилининг кўраси савлат тўкиб турарди. Князнинг ҳовлиси ҳийлагина жойни эгаллаган. Ҳовлининг бир томони теп-текис, шу ерда усти резги тахта билан ёпилган кенг бино қад кўтарган. Унда князнинг оиласи яшайди ва эътиборли меҳмонлар ҳам ўша ерда қабул қилинади. Бу уйдан сал берироқда ундан кўра кичикроқ бино, унда мундайроқ меҳмонлар тунаб қолишади.

Бирмунча чеккароқда тахтадан қилинган ва деворлари новдадан тўқилган, томи қамиш билан ёпилган уйлар тизилиб кетганди, булар — ошхона, отхона, нонвойхона, лочинхона ва ҳоказолар. Ҳовлининг нариги чеккасида, анҳорга туташган пастликда йнгирмага яқин кулбачалар кўриниб турарди, уларга хизматкорлар жойлашган.

Падар Маркоз Теодорик ҳамроҳлигида князнинг ҳовлисига етиб келганда қуёш ботай деб қолганди. Руҳонийни князнинг ўғли Александр қарши олди. Келувчини у эҳтиром ила уйга таклиф қилди. Лекин руҳоний бир қарашдаёқ, ўзининг ташрифидан ёш князнинг хурсанд бўлиши у ёқда турсин, ҳатто жаҳли қистаганлигини англаб олди.

Падар Маркоз: «Нима қилай, бўтам? Келганимдан хурсанд эмаслигинини билиб турибман, бироқ кўриб турибсанки, ҳар қалай мен ташриф буюрдим»,— дегандек князваччанинг кўзига тик қаради.

— Княгиняга нима бўлди? Мен жуда хафа бўлдим,— деб Александрга мурожаат қилди руҳоний,— унинг тезроқ тузалиб кетишини худодан илтижо қиламан.

— Ташаккур, отахон,— князь ўғли назокат билан жавоб қилди.— Негадир унинг тоби қочиб қолди. Билмадим, бир нима захмат етказдими ёки шамоллаб қолдимикин?..

Князь ворисининг бўшашиб сўзлаши руҳонийда бе-

ихтиёр шубҳа туғдирди, афтидан онасининг тоби қочиб қолишининг асосий сабаби булар эмасди.

— Нима зиён етказиши мумкин, у қаерда шамоллаши мумкин?— кулимсираб сўради Маркоз.— Ахир княгиня совуб қолган гоми емайди, кўзада сув ҳам ташимайди.

Руҳонийнинг бу сўзлари князваччанинг газабини қўзғади. Унинг ранги ўчди, бироқ, Маркознинг сўзга чечанлигини билгани учун ўзини босиб, илжайиб жавоб қилди:

— Эҳ, отахон! Кўзада сув ташиб, совуқ гоми етганлар, бадавлат хонадонда хас-пўшлаб тарбияланганлардан кўра бақувватроқ бўладилар...

— Сен чин ҳақ гапни айтдинг,— мамнуният билан деди руҳоний,— худо одил! Қамбағал ва эзилган одамларнинг бирдан-бир тасаллиси — меҳнат ҳамда ўртача ҳаёти бахш этадиган соғломликдир. Яратгanning иродаси бу.

— Тўғрисини айтганда, отахон, менинг онам фароғатда яшовчи хонадонда тарбияланган бўлса-да, жуда меҳнатсевар. У эртадан-кечгача тинмайди, ҳатто ўзига ҳеч алоқаси бўлмаган ишларга ҳам аралашади.

— Тўғри, тўғри, ўғлим! Бу ҳаммага маълум! Мен ҳазиллашяпман албатта. Ахир княгиня Родамни энди кўраётганим йўқ-ку! Сен дунёга келмасдан олдин ҳам унинг олдига келиб турардим. Ахир унинг никоҳини ўзим ўқиганман-ку!.. Ижозатинг билан тўппа-тўғри княгинянинг ҳузурига бораверсам бўладими?

— Кечирасиз, отахон. Бир оз кутишга тўғри келади. У ҳозиргина ухлади.

— Ўзр айтишнинг нима ҳожати бор, ўғлим?— князваччанинг сўзини бўлди Маркоз.— Уйқу унга шифо бўлсин. Мен айвонда кутиб тура тураман. Бу ерда ўтириб, атрофни кузатишдан кўра яхши нарса борми? Қандай ажойиб-а! Бутун Риони водийси ва Одиши кафтингда тургандай. Ҳа, раҳматли бобонг Кайхусров ғоятда бопта жойни танлаган... Бу ернинг сувини айтмайсанми, ҳавосини-ю, асти қўяверасан! Бутун Гурияни ахтариб чиққанингда ҳам бунақа жой топилмайди!

Руҳоний узун харракка ўтирди. Князь Александр сал нарироққа ўтирди.

Бирмунча вақт жимлик давом этди.

Иккиси ҳам ўзларини анча ноқулай ҳис этишарди...

Бирга ўтиришдан князь ўғлининг қийналаётганини падар Маркоз кўриб турган бўлса-да, Александр одоб юзасидан уни ёлғиз қолдириб кетолмасди. Руҳоний эса, Александрга: «Барака топкур, кетавер», деб айтолмасди, албатта.

Ниҳоят орадаги жимликни князвачча бузди:

— Отахон, эфутингиз нимадан дарак беряпти? Бу йил қандай келади, ҳосил қандай бўлади? Қирғин, ўлат кутилмайдими?

— Э, аттанг...— падар Маркоз йўталди ва шошмасдан, одатий ишонч билан давом этди.— Эфутининг бизга нима кераги бор, ўғлим? Эфутисиз ҳам, Карабадини-сиз¹ ҳам қисматимиз кундек равшан. Атрофда нималар содир бўлаётганини кўзимиз билан кўриб, қулоғимиз билан эшитиб турибмиз. Дилимиз нафратга тўлиб, изтироб чекмоқда. Айтингчи, князь, қўшчи ҳам, уруғ сепувчи ҳам далага чиқишдан қўрқса қандай қилиб мўл ҳосил бўлиши мумкин? Қани айтингчи, ўша одамлар қаерда. Модомики, мамлакатимизнинг юзлаб, минглаб энг яхши ўғил-қизларини қўй-эчкидек денгиз ортига сотиб турилгандан кейин улар қаёқдан кўпайсин. Тангри таолонинг сабр-тоқати беадад! Худо бизни нима учун жазоламаётганига ҳайронман, муқаддас китобларда гуноҳкорларни: «Жаҳаннам ўтида куйдириб, тўфон азобиға солинади», дейилади, бизнинг гуноҳга ботган ўлкамизни нега ер ютмайди? Шунчалик қонунга хилоф, қабих йшлар юз берган ва ҳануз давом этаётган ўлкамизни шу чоққача Полеостомининг денгизу кўллари ютиб юбормаганига ҳайронман! Эй худо, мендек эътиқоди суст банданга раҳм қил, сенинг собирлигингни ва марҳаматининг чексиз эканини унутиб қўювчи осий банданга мадад бер... Сен оддий халқни жаннат ҳузур-ҳаловатига муяссар, такаббурларни эса ўзингга муте қила оласан. Йўқ, князь,— руҳоний овозини пасайтирди,— менинг эфути-карабадиним кўз олдимизда турибди — бу бизнинг ҳаёт. Гарчи у кўримсиз бўлса-да, лекин тасалли беришдан бутунлай маҳрум эмас. «Мен сенинг измингдаман, ихлосли қулингни фароғатга сазовор қилдинг... Эй худо, биз ўзингга ёлворамиз, ўзинг дуслари-

¹ Карабадини — грузинларнинг қадимий шифолаш ва фол кўриш китоби.

мизни мустажо қил ва подшони ҳам ўз паноҳингда асра... Ғанимлар қилич ва куч билан ҳамла қилсалар биз сенинг номингни қалқон қиламиз. Улар тўсиқларга дуч келиб маҳв бўлсалар, биз юксалиб самовотга парвоз қиламиз».

Князвачча ғазабидан унниқиб кетди. Руҳоний Маркоз айтаётган гапларнинг асл маъносини яхши тушунарди у. Гап шундаки, Александрнинг отаси — князь Георгийнинг ўзи ҳам қулларни олиб сотиш билан шуғулланарди. Ҳар бир чакана қул сотувчи, хоҳ гуриялик, хоҳ имеретиялик, хоҳ мегрел бўлмасин, князь Чоришвилининг уйидан ўзига бошпана ва манзил топа оларди. Князь Георгий ғоятда эбрўли киши бўлганлигидан ундан бирон ҳисоб-китоб сўраш ёки унинг уйига бостириб киришга оддий киши бир ёқда турсин, ҳатто Гуриелининг ўзи ҳам журъат этолмасди. Князь Чоришвили Поти қалъасини ишғол этган турк подшоси билан, шунингдек бой-бадавлат усмонли савдогарлари билан яқин мулоқатда эди. Улар князь Георгийни қадрлар, у билан ҳисоблашар эдилар. Князь қул олиб-сотишда ғоятда абжирлик билан иш кўрар ва бу орқали кўп маблағ топарди.

Шу ҳақда падар Маркоз билан князь Георгий ўрталарида кўп мароталаб кўнгилсиз суҳбат бўлиб ўтганди. Бироқ руҳоний князни бу жирканч ишдан қайтаришга уриниб, қанчалик насиҳат қилмасин, қанчалик ялиниб, илтимос қилмасин, бари бир ҳеч қандай натижа чиқаролмаган эди. Князнинг Маркозни кўрарга кўзи йўқ эди, у билан ҳар қандай муомалани узишни, ҳатто уйига киритмасликни истарди-ю, лекин бунинг иложини қила олмасди, чунки хотини княгиня Родам ўз пирини ниҳоятда ҳурмат қилар ва уни бошқа бирон руҳонийга алиштиришга қатъиян норози эди. Князь Георгий, гарчи падар Маркоз доимо сирини фош қилиб, кўнглига озор берса-да, унинг қадр-қимматини сўзсиз қалбдан эътироф этар, қулдек хушомадгўй бошқа поплардан кўра уни афзал кўрарди. «Истаганича жаврайверсин, менга нима?— деб ўйларди князь,— мен бундан буён ҳам ўз билганимни қилавераман».

Бироқ падар Маркозни Соломон шоҳ ўз ҳимоясига олганидан сўнг вазият кескин ўзгарди: руҳоний эндиликда қулфурушлар учун хавфли бўлиб қолди. Энди у оддий фуқаро орасидаги беҳисоб тарафдорларининг ға-

забларидан фойдаланиши ёки шоҳдан ёрдам сўраши мумкин эди. Шоҳ эса албатта падар Маркозни қўллаб, қулфурушликда фош қилинганларни қаттиқ жазолаши турган гап. Руҳоний ҳозиргача панд-насиҳат ҳамда ибратли ҳикоялар билан чегараланиб келган эди, лекин у энди бошқача воситадан фойдаланиб, князь Георгийга зўр кўнгилсизликлар етказиши ҳам мумкин эди. Шунинг учун кейинги пайтларда князь уни сийлайдиган, ҳатто анчагина эҳтиром билан муомила қиладиган бўлиб қолди. Шу билан бирга у энди падар Маркозга қул сотишдан бутунлай воз кечганлиги ҳақида қасамёд қилганди. Қисман бу ҳақиқат эди: энди ҳеч ким князнинг уйига очикчасига тутқун олиб келмасди.

Илгариги пайтлар бўлганда-ку, князь Александр руҳонийнинг ҳамласига бошқача жавоб қилган бўларди-я, аммо ҳозир у сукут қилишни афзал кўрди, фақат унинг хўмрайиб қараши нўрозилигини ошкор этиб турарди. Падар Маркоз айтаётган гаплари князга ёқмаётганини жуда яхши тушуниб турарди-ю, лекин буни сезмагандек сўзида давом этди:

— Шунини яхши билки, князвачча, биз жонланяпмиз ва голиб чиқамиз. Яхшилиқ ёмонликни енгади, лекин биз қасос олмаймиз. Уч олиш христианлик фазилати эмас. Ўтган ишга салавот, ўғлим,— деди руҳоний очикчасига,— бу ҳақда эслаб ҳам ўтирмаймиз. Раҳмон эгамдан гуноҳларимиздан ўтишини сўраймиз ва янги йўлга тушиб оламиз. Ўшанда самодан ўз вақтида ёмғир ёғишини, ер мўл ҳосил беришини, инсонлар ўртасида меҳр-шафқат ва адолат қарор топишини кўрасан.

— Худо хоҳласа, худо хоҳласа!— деб такрорлади князь, лекин унинг астойдил гапирмаётгани сезилиб турарди.

— Энди ақлни жойига қўйиб, оғзаки сўзни амалга ошириш вақти етди,— насиҳатомуз деди падар Маркоз, лекин гапи тугамасдан, негадир сесканиб, ҳовлида бўлаётган сирли ҳодисани кўздан кечира бошлади.

Шу пайт ҳовлидан қориндор, қора соқолли киши ўтиб борарди. Унинг бошида қулоқчин, орқасида камарига тўлпонча қистирилган. Номаълум шахс отхона томон юрди. Руҳонийнинг тажрибали кўзига у шубҳали кўринди.

— Бу одам қаердан келган? Ким у?— деб сўради падар Маркоз.

Руҳоний ишора қилган томонга қараб князь Александрнинг ранги ўчди, лекин безовталанганини сездирмасликка тиришди.

— У бир қариндошимиз.

— Бу ерлик эмаслиги кўриниб турибди.

— Ҳа. У Одишидан,— деб жавоб қилди князь бир оз сукутдан сўнг.

— Ҳа-а... шундайми,— деди маънодор қилиб руҳоний ва князга қаттиқ тикилиб қўшиб қўйди:— Бу одамнинг башарасидан ёвузлиги кўриниб турибди.

— Отахон, онам уйғонган бўлса керак,— деди князь деярли дудуқланиб ва дик этиб ўрнидан турди-да, уйга кириб кетди; Александрни бундан бўлак иложи қолмаган эди, у руҳонийнинг ғазабли нигоҳига ортиқ чидаш беролмади.

«Ана энди бу ерда нима бўлаётгани менга тушунарли!— деб хаёлидан ўтказди руҳоний ва кескин тарзда оппоқ соқолини силади.— Наҳотки яна бирон бахти қарони олиб келишган бўлишса? Ҳечқиси йўқ... ҳозир княгиняни кўраман ва ҳаммасини аниқлайман. Бу ерда нима бўлаётганини билмай туриб, князь хотинининг хизматини ўтайдиган бўлса падар Маркознинг қўли шол бўлсин. Князвачча мени ҳеч қачон яхши кўрган эмас, отасининг боласида ахир у; лекин бугун унинг юзида ёлғиз душманликнигина эмас, бутунлай бошқача саросимани уқиб олдим. Парвардигорим ўз паноҳингда асра ва мадад бер менга, руҳимни тетик қил!»— дея дилида худога ёлворди руҳоний. Шу вақт ошхонадан аллакимнинг товуши эшитилди...

— Вой-вовой, худосизлар, золимлар!— йиғи солди кекса энага.— Оҳ, қандай гуноҳи кабир-а... Буларнинг қалби борми ўзи?!

Бир неча аёл бараварига гапиришарди. Ошхона анча узоқда эди, падар Маркоз ҳам энаганинг баъзи сўзларнигина эшита олди. Лекин шунинг ўзи ҳам кифоя эди: мегреллик қора соқоллининг бу уйда пайдо бўлиши билан қандайдир сирли воқеа юз берганлигини тушунди у.

«Наҳотки князь, бундай ишлар билан қўпдан буён шуғулланмаяпман деб қасам ичиб, яна ўша ишини давом этдираётган бўлса?..— ғазаб билан ўйлади руҳоний.— Майли, ҳечқиси йўқ, қасос қайтиши узоқ эмас: қиёмат яқин!»

Княгиня уйғонди, Александр ҳеч қаерда кўринмасди. Оқсоч руҳонийни ётоққа таклиф қилди ва у уйга кирди.

Княгиня ётган хона мўъжазгина эди. Чоғроққина дераза уни зўрға ёритарди. Деворга тақаб қўйилган катда, ипак кўрпа ичида княгиня Родам ётарди. Кат олдида қимматбаҳо Истамбул гилами тўшалган. Бемор ётган жойдаги уч оёқли баланд курсида расмий ҳарфда босилган ибодат рисоласи ҳамда кумуш шамдонда қўлбола шам турарди. Бемор ёнида ҳеч ким йўқ эди.

Хонага киргач, падар Маркоз қисқагина дуо ўқиди ва бамайлихотир беморга салом берди.

— Иагундиса,— княгиня заиф товуш билан чақирди,— тақсиримга курси қўй.

Руҳоний ўтириб, хонага кўз ташлади, ибодат рисоласига бир қараб қўйди ва ҳамдардлик билан бемордан:

— Сенга нима бўлди, бекам? Сенинг касалинг мен бағоят ташвишга солиб қўйди. Биби Марямга илтижо қилиб, сенга сиҳат-саломатлик тилайман.

— Миннатдорман, отахон. Мен ўзимни жуда ёмон ҳис қилдим, сизни безовта қилишга тўғри келди. Ким билади дейсиз, қазо етса, жон бир нафасда чиқади-қўяди,— деди оҳистагина Родам.

Падар Маркоз беморга ҳамдардлик билан ва меҳрибонлик билан жавоб қилди:

— Шундай, шундай, княгиня. Оғир дақиқаларда тангрига илтижо қилишингдан хурсандман. «Менга илтижо қил, мен ҳам сенинг товушингни эшитаман!»— деган худо. Шубҳам йўқки, агар сен унга астойдил мурожаат қилсанг, яратган сенинг илтижоингни эшитади.

— Мен ўзимни жуда заиф ҳис қиляпман, отахон.

— Худо заифларга куч бахш этади ва кучлиларни хокка айлантиради. Худонинг иродасига бўйин эг, чунки унинг карами кенг ва марҳамати ададсиздир,— деди кўзини осмонга тикиб Маркоз.

— Оҳ, отахон, тангри ҳам бизнинг гуноҳларимиздан безор бўлгандир...

— Яширишнинг ҳожати йўқ, княгиня, гуноҳларимиз беҳад,— унинг сўзини бўлди руҳоний,— водию тоғлар,

денгизу қуруқлик, динсизлар мазгилию бадбахт бева-бечораларнинг кулбалари биз ортдирган гуноҳлар дастидан фарёд кўтармоқдалар!

— Отахон, сиз мени яхши биласиз. Ахир мен сизга неча бор тавба-тазарру пайтида юрагимни очиб-солганман-ку... Худойимга менинг азоб-уқубатларим аён-ку.— Княгинянинг кўзларидан ёш оқа бошлади, у сўзини давом этдирилмади.

— Афтидан, княгиня, сен ҳам мени яхши билсанг керак! Сенинг никоҳингни ўқиганимдан буён қирқ йил вақт ўтиб кетди. Ўзингга маълум, бу давр ичида қанча кўнгилсизликларни бошдан кечирмадим, неча бор менга қарши суиқасд қилдилар, ҳатто сенинг оилангга ҳам. Лекин мен ҳамиша ва бундан кейин ҳам сендан миннатдорман, агар сен бўлмаганингда эди, мен аллақачон бу дунёдан кўз юмган бўлардим. Яхшиликларинг юз ҳисса бўлиб ўзингга қайтсин. Ўз оилангга яқин кишиларинг томонидан қилинган адолатсиз ишни кўрганингдан чиндан ҳам азоб чекканингга ишонаман. Сен виждонли хотин ва онасан, ўз биродарларини ўғирлаб ғайри динлар ўлкасига сотувчиларга эринг ва ўғлингнинг хонадонингдан бошпана берганини кўриб кечирган изтиробларинг чеки бўлмаса керак, албатта. Бироқ, эндиликда ўзгача давр бошланди. Худо бизга марҳамат қилди, тепамизга ҳимоячи юборди. Қулфурушларга қарши шохнинг қандай қатъий фармон чиқарганини билсанг керак ахир? Ишонаманким, бу фармон чўлда кезувчи бир садодек бўлиб қолмайди. Бу ҳозирги дамларда ҳам яққол сезилиб турибди. Бу йил деҳқон деярли хавфсиз уруғ сепгани чиқяпти далага, жинойтчилар эса қўрққанларидан писиб ётибдилар! Бундай ўзгариш сени қувонтиради, деб ўйлагандим. Аммо, бахтга қарши аксини кўриб турибман, тобинг қочиб, йиғлаб-сиқтаб, оҳ чекиб ётибсан. Сенинг дардинг ўзгача, у жисмоний азоб чекишдан келиб чиққан эмас! Менга ҳеч нарсани яширмасдан, касалингнинг сабабини айт!

Княгиня юм-юм йиғлаб юборди.

— Жавоб беришга қийналяпсан, кўз ёшларинг халақит берапти,— оҳиста давом этди руҳоний.— Ҳечқиси йўқ! Кўз ёши зўр тасалли, у руҳингни енгил қилади. Бу саволимга ўзим жавоб берсам майлими? Яхши, сени безовта қилмасдан, ўзим жавоб бера қолай. Княгиня, менинг кўзимдан ҳеч нарса қочиб қутула олмаслигини би-

ласан-ку, ахир! Аммо сен, ҳар ҳолда, менга айтишинг керак: уйингизга ташриф буюрган қора соқолли меҳмон, анови мегреллик ким? Асло, шубҳам йўқки, бу яхши одам эмас!

Княгиня ёш тўла кўзлари билан руҳонийга бир қараб қўйди.

— Ажабланма, княгиня. Кўз қирим билан бўлса-да, лекин мен уни аллақачон кўрдим, менга шунинг ўзи ҳам kifоя. Шундай экан ҳаммаси тушунарли, ақалли ҳар иккимизга...

— Отахон, Исо ҳаққи, ҳали мен...— хитоб қилди княгиня.

— Қасамингнинг нима ҳождати бор?! Бундай меҳмонни кўриш менга ҳузур бағишламаганидек, сенга ҳам ором бермаслигини наҳотки билмасам? Гарчи унинг ташрифи менга хуш келмаган бўлса-да, менинг тобим қочиб қолгани йўқ-ку, ахир... Сенинг эса кўрпа-ёстиқ қилиб ётганингни кўриб турибман.

— Отахон, сиз менинг уйимда нималар бўлаётганини билиб, англаб турибсиз!— деди княгиня.

— Сенинг касалингни сабабини англаш учун киши кўнглидагини билувчи фолбин бўлиш шарт эмас. Агар шунга ўхшаш бирон нима назаримдан четда қолса, мен учун уят бўлурди.

— Нима қилишим керак, отахон? Икки ўт орасида қолдим,— деди Родам изтироб билан ва кўз ёшларини артди.— Тарки одат амри маҳол деганларидек, ўрганиб қолган одам одатини тарк этиши осон гап эмас. Ўзингиз биласиз ахир, эрим билан ўғлим Гуриели билан шоҳга энди турк подшосига тутқинларни сотмасликка сўз бериб, қасам ичишганди. Тўғрисини айтганда, улар энди деярли бу ишдан тортиниб қолишди. Бу ўзингизга ҳам маълум. Лекин бу разил ишдан бутунлай воз кечишга кучлари етмаяпти уларнинг. Мен эрим билан ҳам, ўғлим билан ҳам уришиб олдим, бироқ фақат биргина нарсага: уйимдан бундай қабиҳ ишга ўрин бермасликкагина эриша олдим. Иккаласи менга сўз беришди, ҳақиқатан ҳам уч ойдан буён тутқунларни олиб келишмасди. Бунга Биби Марямнинг ўзи шохид! Бугун эса яна битта, қароқчи пайдо бўлиб қолди. Яҳудий зотидан, виждонсиз, муттаҳам!.. У ўғирланган бир болани олиб келди — ҳали у жуда гўдак, бирам чиройли болаки... Бечора онасининг бошига не қуилар тушдйкин! Мен ўша

заҳоти дод-фарёд кўтардим... Бу кунимдан ўлганим яхши!.. Ҳозир эрим йўқ, у сафарда. Ўғлим бўлса одатдагича мени овутишга уриниб, бу энг сўнггиси дейди. Поти пошшосига бир бола ваъда қилиб, ҳатто олдиндан пулини ҳам олиб қўйган экан. Мен унга ишонмадим, қаттиқ ғазабланганимдан ўзимни тутолмадим. Болани тортиб олиб, уни садоқатли энага билан оқсочларга топширдим... Шундан кейин бошимда шунақангги қаттиқ оғриқ турдики... ҳатто ҳушимдан кетиб қолибман...

— Тушунарли, тушунарли, бекам, ҳаммаси тушунарли. Тинчлан! Сенинг юрагинг шафқат, мурувват, адолат ва муҳаббат билан тўла, шу юрагинг билан эрингни ҳам, ўғлингни ҳам қиёмат куни ҳимоя қила оласан,— ҳаяжон билан деди руҳоний.— Яширмайман, нима гап эканлигини дарров тушунгандим. Ўғлинг Александрнинг башарасидан англадимки, менинг келишим унга ёқмади, бироқ нима қилишим керак эди? Ҳар қалай, худодан ёлвориб, унга инсоф беришини, тўғри йўлга солишини сўрайман. Княгиня, эринг ҳамда ўғлинг бу шармандали ишни бас қилишлари керак. Сўнгги юз йил мобайнида бахтсиз ўлкамизда онаизорлар тўккан кўз ёшлари наҳотки етмаса? Ўғил-қизларимиз болаликдан то умрларининг охиригача ўз ватанларида меҳнат қилиб яшасинлар, бу дунёни иши битгач эса жасадларини ўз жойига— она тупроққа қўйсинлар. Менинг номимдан князга айтиб қўй, қасамига қаттиқ риоя қилсин, бунақанги номуносиб ишлар билан шуғулланиб мўйсафидликка доғ туширмасин, чунки қиёмат яқин. Худойи таолонинг бандалари кўз ёшларини кўриб, оҳ-зорларини инобатга олиб, уларга ҳомий армуғон этганини князнинг ўзи ҳам билади-ку, ахир. Князь энди эҳтиёт бўлсин! Мен уни огоҳлантириб қўяётирман!

— Ҳозирчалик нима қилишим керак, отахон? Болани нима қилай?— деб сўради Родам.

— Болани ҳозирча менга бер. Мен уни тарбиялаб, баъзи бир нарсани ўргата тураман. Кейин ота-онасини топиб, ўғилларини қайтарамиз уларга. Албатта, буни сир сақламоқ маъқул. Падар Маркоз — камтар одам, лекин ҳақиқат деган жойда у ҳеч нарсадан тап тортмайди. Худойим умрингни узун қилсин, эй диёнатли аёл. Хотиринг жам бўлсин. Тавба-тазарру қилишга муҳтожлик жойинг йўқ.

VII

Қоронғи тушди. Қалин булутлар билан қопланган, ҳали-замон жала қуйгудек, бадқовоқ осмон ерга ваҳимали тикилар эди. Ой булутлар ортига яширинган, ҳамма ёқ зим-зиё.

Икки қуролли деҳқон соқчилигида князь Георгийнинг қўраси дарвозасидан чиққан падар Маркоз ўз уйи томон йўл олди. У билан ёнма-ён, узун жуббасининг бари остига яширинган бола ҳам пилдираб борарди. Гарчи тун илиққина бўлса-да, у қалт-қалт титрарди.

— Қўрқма, болакай, бирнаса уйга етиб оламиз,— деб эркалади руҳоний, болага далда бериб.— Яхшилаб қорнингни тўйдирамиз, кейин ухлайсан... Отинг нима?

— Хвичо,— йиғлаб жавоб берди бола.

Руҳоний уни қучоқлаб бағрига босди.

— Виждонсизлар, муттаҳамлар,— шивирлади падар Маркоз,— бечорага кўйлак ҳам кийгизишмабди. Бу лаънатилар худо ва одамлар олдида қандай жавоб беришаркин?

— Оҳ, гуноҳларимиз оғир!— дея хўрсинишди руҳонийни кузатиб бораётган деҳқонлар ғамгинлик билан.

* * *

Падар Маркознинг ўчоғида қуруқ шох алангаланиб ёниб, хонани равшан ёритмоқда. Марика билан Лерца-миса ўчоқ олдида жун йиғириб, руҳонийни кутмоқда эдилар.

— Марика, Марика! Мен сенга кимни олиб келдим, топ-чи?— ҳовлидан туриб қичқирди Маркоз.

Унинг овозини эшитишлари биланоқ аёллар ишларини қўйиб, ирғиб ўринларидан туришди. Бу орада руҳоний уйга кирганди, жуббасини ерга улоқтирди ва қорачагина жингала соч болани олдинга йўллади. Ярим яланғоч Хвичо, ушлаб олинган жонивордай, қўрқиб атрофга алангларди.

— Ким бу гўдак?— деди ҳайрон бўлган Марика.

— Сен ким деб ўйлайсан?— деб сўради Маркоз жавоб ўрнига ва қисқагина сукутдан сўнг тушунтирди:— Бу бизнинг интизомсизлигимизнинг қурбони, қалби тошга айланган ёвуз кишиларнинг қурбони.

Марика ҳаммасини тушунди, қўрқиб кетган гўдакнинг олдига келиб, уни меҳрибонлик билан бағрига босди.

— Болагинам, тойчоғим! Оҳ, ўғлоним, қанчалар бахти қаро экан-а онангининг! Ўз боласидан жудо бўлиш қандай ёмон-а... Онангининг қандай азоб чекишини бу худо беҳабарлар тушунармиди? Оҳ, бахтсиз онанг ойни беҳосият кунда туғилган экан-а, болагинам. Ким унга тасалли беради, ким унинг жароҳатланган юрагига малҳам бўлади, сенинг ўринингни ким боса олади, жоним болам? Сенинг ғам-андухинг билан қаро ерга киради у!..— деб айтиб-айтиб йиғлади Марика, Хвичонинг бошини силаб, уни ўпар экан.

Бу меҳрибонликдан юрак-бағри эзилган бола, онаси ёдига тушиб ҳўнграб йиғлаб юборди. Лерцамиса ҳам йиғларди. Падар Маркоз шу ерда турган эди. Мариканинг кўз ёшларини кўриб, унинг ҳам кўзлари ёшланди.

— Йиғингни бас қил,— руҳоний хотинига мурожаат қилди,— шундоқ ҳам онасини эслайвериб жигар-бағри қон бўлган, қўй, бечора гўдакнинг қалбига ўт ёқма! Ундан кўра қорнини тўйғазиб, ухлат. Бу худобеҳабарлар бола пақирни жуда қийнаб юборишибди.

Марика жим бўлди. У Хвичони ўчоқ олдидаги курсига ўтқазди-да, овқат тайёрлашга киришди.

— Маркоз, ахир сен, бундай шармандали ишга хотима берилган, демовмидинг. Наҳотки, шунча тоат-ибодатларинг зое кетган бўлса?— деб сўради хотини.

— Ахир итнинг қўйруғини бирдан тўғрилаш мумкинми? Ёвузликни илдизи билан қуритиш учун бир қанча вақт керак. Инсон боласини ўғирлаш ва сотишга чек қўйиб, уни ўтмишга айлантириш учун бу жиноят доғи билан булғанган ифлос қўлларни чопиб ташлаш керак. Лекин, бунақангги қайғули ҳодисалар камайиб қолди, шунинг ўзи ҳам катта тасалли ва бунинг учун ҳар қанча тоат-ибодат қилсам, тангрига илтижо этсам арзийди. Бундан буён ҳам тоат-ибодат қилавераман,— деб сўзини тамомлади руҳоний.

Кечки овқатдан сўнг Лерцамиса мис қозонда сув иситди. Аёллар болани чўмилтиришди, унга Маркознинг қўйлагини кийгизишди ва ўринга ётқизишди, сўнг-ра руҳонийнинг жубба остидан киядиган чакмонини топиб, уни Хвичо учун пахталик нимча қилиб тикишди.

— Ҳа, осийлар, тошбағир муттаҳамлар! Улар болаларни оналаридан ўғирлаб, уларни оч қолдириб, ҳам совуқда қотириб, сўнгра ғайри динларга сотадилар. Ху-

дойим, уларнинг жазосини ўзинг бер!— тикишни давом этдириб пичирлади Марика.

Падар Маркоз шамни ёқди, уни бурчакдаги кичкина икона олдига қўйиб, чўқина бошлади.

— Уғлим, шўрлик болагинам... онанг нақадар бахтсиз экан-а!— Тикиш билан шуғулланиб ўтирган Марика ўзини йиғидан зўрға тийиб, такрорларди.

— Э, худо, номинг улуғ, ўзинг донолик билан борлиқни яратдинг!— деди руҳоний баралла.

Лерцамиса пайпоқ учун жун йиғирарди. Кичкинтой Хвичо эса ўринда ширин уйқуда эди. Ўғирланганига тўрт кеча-кундуз бўлган бўлса-да, шу вақт ичида у бундай осойишта ухламаган эди.

* * *

— Йўқ, князь Александр, агар ер юзида ҳали ҳам афсунгарлар бўлса, худо ҳаққи, ўшалардан бири — бизнинг руҳониймиз!— хитоб қилди князь Георгий Чоришвилига ғоятда содиқ, унга яқин дворянлардан бўлган азнаур Караман.

— Бу афсунгар эмас, осиб ўлдиришга арзийдиган айғоқчи,— деб жавоб берди князь Александр.

— Тортиб олди... соқолингдан осилгур жубба кийган эчки қандай ажойиб болани тортиб олди-я!— деди Хвичони ўғирлаб, уни князнинг уйига олиб келган Тенгиз ғазабланиб.— Уни бу ерга олиб келгунча, она сутим оғзимдан келганди!

Улар учаласи ўчоқ олдида нонушта келишини кутиб, суҳбат қилишмоқда эди.

— Очиғини айтганда, болани менинг онам тортиб олди. Агар у бизни сотмаганда эди, руҳоний бундай даядил иш тутишга журъат қилолмасди,— деди князь Александр.— Қизиқ, бу кўппак мен билан гаплашиши биланоқ гўё ҳайвон исини олган исковучдек атрофга шубҳаланиб қарай бошлади ва ҳовлида Тенгизни кўриб қолиб, ҳеч уялмай-нетмай бетимга тикка: «Башарасидан кўриб турибман, бу ёмон одам», деди.

— Минг лаънат унга!— деди Тенгиз ғижиниб.

— Унга дуч келгандан кўра, чинор илонга йўлиққанининг яхшироқ,— деб давом этди Александр.— Шундан сўнг, азизим, у қандайдир англаб бўлмайдиган муаммо ҳикоясини бошлади... Онам бўлса бутунлай унинг измида. У соддалик қилиб ҳеч нарсани яширмай ҳаммаси-

ни гапириб бериши мумкин. Шунинг учун ҳам у пайимизга тушиб олди!.. Бўлмаса онамни онсонгина алдай олардим... Агар яна икки кунгина уйда турганда эди, мен болани қайтариб олган бўлардим. Энди эса отамга нима дейишга, Поти пошшоси олдига қандай қуруқ боришга ҳам ҳайронман. Тенгиз, балки болани усталлик билан бошқатдан ўгирлай оларсан?..

— Уриниб кўраман, князь. Бунақа итваччаларни оз ўгирлабманми? Лекин ҳозир бу оғир иш, падарига лаънат! У вақтлар ўтиб кетди!— деди алам билан Тенгиз.— Борди-ю, Даднанининг одамлари қўлига тушиб қолсам борми, ҳолимга маймунлар йиғлайди! Улар кўзимни ўйиб оладилар. Одамлар дадиллашиб қолди. Ҳамма қишлоқларга қоровул қўйилган.

— Шунинг учун ҳам падар Маркоз жуда сурбет бўлиб кетди-да, ҳатто дўқ уради-я,— тўнғиллади Александр ғазабланиб.

— Бекорга хафа бўляпсан, князь. Менга ишон, мен қўл қовуштириб ўтирмайман!— деди Қараман ҳам гапга араллашиб.— Ахир, руҳоний болани уйига олиб кетди-ку...

— У болани сотади, деб ўйлаётганинг йўқми ўзи?

— О-о... ҳеч кимга бермайди, юз ҳамён пулга ҳам бермайди. Мен у ситамгарнинг феълини биламан!

— Майли, ҳозирча болани едириб, ичириб, боқиб тура турсин, бу билан унинг нархи ошади холос! Агар ўша итвачча қайтадан яна бизники бўлмаса, мен Қараман отимни бошқа қўяман!

— Бўлди, бас қил, кўп мақтанма!

— Князь, агар ўз ваъдамни бажармасам, майли, бошимдан айрилай!

— Эҳ, Қараман! Сен бу поп билан ўйнашма. У бутун ўлкани оёққа турғизади, подшогача боради! Ҳатто деҳқонларни ҳам қўзғатиши мумкин. Икки калима сўз айтса бас, унга ҳаммалари эргашадилар. Нима деб ўйлаяпсан ўзи, крепостнойларимиз уйларимизга ўт қўйиб юборишади!

— Агар бунда сенинг иштирокинг борлигига бирон кимсада шубҳа уйғотадиган иш қилсам, унда сотқин деявер мени. Мен шундай бир иш қилайки, ҳеч ким бошини ҳам, думини ҳам тополмай қолсин! Фақат бу ўғрилиқ эсдан чиққунча бир оз вақт беринглар менга.

— Қараман, агар шу айтганларингни бажарсанг ва

руҳонийни боплаб тузлашга ёрдам қила олсанг мендан ажойиб Қрим милтиғини мукофотга олдим деявер, башарти сўзимнинг устидан чиқолмасам, хотин экансан деявер!— жавоб қилди Тенгиз.

— Баракалла, саломат бўл-э!.. Мен мукофотсиз ҳам ҳаммасини бажараман. Бу поп бизнинг турмушимизни сеникидан кам заҳарлаётгани йўқ. Унинг касридан озмунча зарар кўрмадик!..

— Э, балога даф бўлсин у!— хитоб қилди Александр.

— Тенгиз, фақат бир нарса эсингда бўлсин,— давом этди Караман.— Бошқа ҳеч кимни олиб келма бу ерга. Энди ҳеч нарсани сир сақлаб бўлмайди бу ерда. Агар худо ярлақаб, болами-каттами қўлингга тушиб қолгудек бўлса, тўппа-тўғри меникига олиб боравер. Мен яқинда Қора сойнинг бошига кўчиб борганман. Уйим қалин ўрмон оралиғига жойлашган, у ерда одам зоти учрамайди!

— Худо сенга саломатлик ато қилсин! Ҳаракат қилиб кўраман,— деб жавоб қилди Тенгиз ва мардона қиёфада мўйловини бураб қўйди.— Ҳайронман, қандай қилиб бу попга бардош берасизлар-а?! Аллақачон оёғини уриб синдириш керак экан! Бизга халал берувчи бу муттаҳамни йўқотиш керак! Бу лаънати ҳамма ёққа тумшуғини суқаверар экан, бари бир тинчлик бермайди бизга.

— Бўпти, бас! Бу ҳақда кейинроқ ўйлашиб кўрармиз. Ҳозирча яхшиси овқатланиб олайлик. Ана қоврилган қўзи гўштини олиб келишяпти,— деди князь Александр мамнун жилмайиб.

* * *

Хвичо падар Маркозга тезда эл бўлиб қолди. Ширин муомала ва яхши таомлар ўз ишини кўрсатди: бола кайфи чоғланиб, кучга кириб, жайрон боласидек дингиллаб қолди. Бола руҳонийни жуда яхши кўриб қолди ва унга черковда астойдил ёрдамлашадиган бўлди: кадилони¹ пуфлар, шамларни ёқарди; уйда эса ҳар хил майда-чуйда ишларни бажарар, сув ва ўтин келтирарди. Икки-уч ой ичида боланинг чеҳраси тубдан ўзгарди: унда эҳтиётлик билан қараш, қўрқиш йўқолди, кўзлари

¹ Ка д и л о — черковда ибодат вақтида бухўр тутатадиган

хотиржам боқадиган бўлиб қолди. Сал эт битиб, рангига қизил югурди.

— Хвичо!— деб чақирди уни падар Маркоз.

— Лаббай, патени?! — деб жавоб қилди бола.

— Сени ҳеч ўргата олмадим-олмадим-да, патени де-ма, батано, батано дегин.

— Ба-то-но!

— Мана бу яхши!.. Чопиб бориб қара-чи, бузоқлар тўсиқдан ўтиб кетмадимикин?

Бола ҳам тоншириқни бажариш учун ўқдай учиб кетди.

— Қани, мени ортимдан такрорла-чи: «Сенга ҳамдилар бўлсин!»— дея болани ўргатарди руҳоний.

— Санга ҳамдилар бўлсин!— деб такрорлади Хвичо.

— Нима?.. Мегрелча оҳангда такрорлама! Грузинча: «Сенга ҳамдилар бўлсин», деб айт.

— Сен-га ҳам-ди-лар бўлсин!

— Ана, шундай! «Худо муқаддас...»

— Хи-до муқадас...

— Яна ўзингчасига-я! Дона-дона қилиб талаффуз қилмоқ керак: «худо муқаддас!» Мана шундай!— руҳоний ранжинқираб боланинг қироатини тузатарди.

Руҳоний дуо ўқишни ўргатишдан, алифбе ўргатишга ўтди. Хвичонинг истейдоди зўр экан. У тезда саводини чиқариб, қироатни ҳам ўрнига қўядиган бўлиб қолди. Довуд алайхисалом оятларини ҳамда пайғамбарларнинг кашфларини у бемалол ўқир эди. Бу ҳол падар Маркозни жуда қувонтирарди. У болани сира кўздан қочирмас, ҳатто қавмларини оралаб айланганида ҳам уни ўзи билан бирга олиб юрарди.

VIII

Орадан бир ярим йил ўтди. Хвичога Дабадзенинг оиласи ўз оиласидек бўлиб қолди. Эр-хотин Хвичони ўз боласидек яхши кўриб қолишди. Бола бу давр ичида черков ёзуви ҳамда раъият ёзувидан катта муваффақият қозонди.

— Яна бир йилдан сўнг Хвичо дьяконнинг ўрнини эгаллаши мумкин,— деб ҳазиллашарди руҳоний.

Бир куни падар Маркоз қавмлари турган бир ма-

¹ Патени — мегрел тилида жаноб, тақсир демакдир. Грузинча „батано“га тўғри келади. Батано — чин дўст маъносидалиқ.

ҳалладан уйга қайтаётган эди. Хвичо ҳам у билан бир-га эди. Улар тоғ чўққисига кўтарилдилар, кўз ўнгларида ажойиб манзара намоён бўлди: илон-изи бўлиб оқаётган кенг дарё ястаниб ётган қалин ўрмон билан қопланган улкан водийни кесиб ўтарди; узоқ шимол томонда, бепоён ўрмон ортида кўкимтир туман билан қопланган тепаликлар, улар узра эса қор билан қопланган буюк тоғлар қад кўтарганди.

— Анави Риони дарёси. Бу пастдаги олисларга чўзилиб кетган ўрмонни айланиб ўтади,— деб тушунтирди руҳоний.— Агар дарё ёқалаб борилса, чеки-чегараси йўқ денгизга чиқилади. Ўша ерда дарёнинг йўли тугайди. Риони дарёсининг денгизга қуйиладиган ерда Поти қалъаси жойлашган. Ҳозир у ерга турк пошшоси ўрнашиб олган. Лекин худо подшоҳимизга ғалаба ато этажак ва у Поти қалъасидан ёвуз душманни қувиб чиқаражак. Ўшанда ҳақиқий тинчлик барпо этилиб, ёвуз одам ўғирловчилар уяси бутунлай йўқ қилинади. Ҳов анави ёқда, шимол томонда кўзга ташланиб турган зангори тоғлар этагида сенинг қишлоғинг жойлашган. Ота-онанг ва акаларинг ўша ерда яшашади. Яқин орада ишларимни битириб, сени ота-онанг олдига олиб бораман; унча сен ҳам ўқишингни тамомлайсан,— деди руҳоний меҳрибонлик билан.

Падар Маркознинг сўзларини эшитиб боланинг юраги гупиллаб ура бошлади, битиб қолаётган яралари ҳам янгилангандай бўлди. Бола олислардаги туман пардасига чулганган тоғларга тикилиб қолди. У туғилиб ўсган жойини: ўрмон билан қопланган тоғларни, кенг водий ҳамда мавжланиб оқувчи Техури дарёсини эслади. Ўз уйини... ота ҳовлисини эслади... Мана уй ёнидаги катта олма дарахти... у меваси кўплигидан эгилиб кетган. Бу жоноқи олма қандай ширин эди-я! Ана азим туп ёнғоқ... Отаси ва акалари... Мана онаси... Онасини эшлаш биланоқ Хвичонинг юраги шундай сиқилиб кетдики, юзига қон тепди, кўзларидан иссиқ ёш томчилай бошлади... Ахир у ўз онасини эсидан чиқарармиди!.. Онаси ҳамиша унинг кўзи олдида...

Оҳ, у яқинда қандай ажойиб туш кўрди!.. Йўқ, бу туш эмас, худди ўнгидек эди. Уй олдида онаси турарди, қўлида ниманидир кўтариб олганди. Хвичони кўриб, қўлидаги нарсасини тушириб юборди ва қулочини очиб унга интилди. Хвичо одатдагидек унинг бағрига отилмоқчи

бўларди-ю, лекин нима учундир жойидан қўзғала олмасди. Илгарилари онаси бундай пайтларда уни бағрига босганча азот кўтарарди. Унинг бутун аъзойи бадани титраб уйғониб кетди. «Ойи, ойи!»— деб қичқирди гўдак алам билан, бироқ онасининг йўқлигини билгач юраги тўхтаб қолгандай бўлди. У совуқ терга ботиб, ўринда ётарди, гўлаб кетган боши айланарди. Бола бирдан ўзига кела қолмади ва анчагача қаерда эканлигини англолмади. Бутун вужудини ваҳима қамраб олганди. Хвичо хўнграб йиглаб юборди. Ҳа, унинг алам билан қанчалар зор-зор йиғлаганини асти қўяверасиз!

«Балки, онам ҳозир шу тоғларнинг биридан бу ёққа қараб тургандир, лекин мен уни кўрмайман. Эҳтимол у ҳам мени кўрмаётгандир», кўз ёшларини тўкиб, ўйларди бола.

— Қўй, йиғлама, чироғим,— гўдакнинг кўз ёшларидан ғоятда таъсирланган падар Маркоз уни юпата бошлади.— Ҳеч кимга ишонмайман, сени ота-онангга ўз қўлим билан олиб бориб топшираман. Мана шу хачирга миниб борамиз! Уйим узоқ, деб ўйлама, бор-йўғи бир кунлик йўл. Агар эрталаб барвақт йўлга чиқсак, кечкурун ўша ерда бўламиз. Қани, бери кел, орқамга мингашиб ол.

— Йўқ. Яёв кетавераман,— деб жавоб қилди бола. У кўз ёшларини аранг тийиб турарди.

Қуёш ботди. Хвичо бир оз тинчланди. Улар тоғдан пастга тушишди.

— Қани, айт-чи, бу пастликни оти нима?— деб сўради руҳоний.

— Тахогани,— деб дадил жавоб берди бола.

— Баракалла, тўппа-тўғри!— қувониб кетди падар Маркоз.— Ҳов анави ён бағир-чи?..

— Гвердоула,— деди Хвичо, руҳоний сўзини тамом қилгунча ҳам қаноат қилмай.

— Шундай, эркатойим!— деди шодланиб у.— Гвердоуланинг орқа томони-чи?

— Қора Сой.

— Ундан кейин-чи?

— Урмон.

— Урмоннинг орқасида-чи?

— Ваке-кари. Унинг орқасида — Хула-Дгмула тизма тоғи. У ерда черков бор, черковнинг орқасида эса бизнинг уйимиз.

— Сен бу ерларни жуда яхши биларкансан,— деди падар Маркоз мамнуният билан.— Агар бир ўзингни қўйиб юборсам, уйингни топиб бора оласанми?

Хвичо ўйланиб қолди.

— Агар сал ёруғ бўлганда топиб борардим,— у бўшашибгина жавоб қилди.

Руҳоний жилмайди. Уни айниқса қувонтирган нарса, онасини эслаш билан болани чулғаб олган ғам-андуҳларни тарқалиши эди. Падар Маркоз ҳар хил нарсаларни сўраб, боланинг эътиборини ташвишли ўйлардан чалғитишга уринди.

— Башарти сен шунақа билагон бола экансан, қани авлиёлар амри маъруфидан тунов кунни ўқишга берган жойини ёдаки айтиб берчи.

— Энг бошиданми?— жонланиб сўради Хвичо.

— Ҳа, энг бошидан.

— «Сенинг муқаддас руҳинг доим қалбимдадир»,— ўрмонда жарангдор бола овози янгради.

— Шундай, шундай,— далда берди руҳоний.— Энди Довуд оятини ўқи.

— «Келажакда худонинг иноятига муяссар бўлгувчилар...»— Қироат билан бошлади бола.

— Шошилма, аниқроқ қилиб гапир,— меҳрибонлик билан сабоқ берарди падар Маркоз.

— «Авлиё Павелнинг... филиппийларга юборилган номасини... ўқи...ганда»,— қироат билан ўқиди Хвичо.

— Яхши, яхши,— далда берди унга руҳоний.

— «Биродарлар... қувонингиз... худонинг азалий ва абадий эканлигига такрор қувонингиз!»

— Бунисини паст овозда қироат қилиш керак,— деди Маркоз.

— «Сизнинг итоатли бўлишингиз одамлар орасида ошкора бўлсин»,— дадил давом этарди бола овози янграшда.

— Бу жойини бир парда баландроқ айтиш керак,— деб тузатди мўйсафид.

— «Худо қобиқовсангда турибди»,— улар иккиси ба-равар қироат қилишди.

— Офарин, ўғлим! Ростки шундай билимдон экансан, қани, энди менга Руставели шеърдан ўқиб бер-чи!

— Қайси шеърини? «Ўлчови ҳам, ҳисоби ҳам йўқ...» ними?— деди Хвичо ўқишга ҳозирланиб,

- Бари бир. Агар истасанг «Улчови йўқ...»ни айт,
— Хўп бўлади.

Мен тўплаган мол-дунёнинг чеки, чегараси йўқ!
Уйсизларга хазинам бер, қулларни этгил озод.
Етимларнинг бошини сила, камбағални қилгил тўқ,
Бошпанамга эга бўлган шунда этар мени ёд!—

бола шариллатиб ўқиди.

Падар Маркоз қойил қолди.

«Шундай болани туғилган еридан жудо қилиб, Туркияга сотиш, бу қандай осийлик,— деб ўйлади руҳоний.— Эй бахтсиз ватаним! Сенинг минглаб ўғлонларинг атрофингни қуршаб олган душманларинг билан курашда ҳалок бўлганлари етмасмиди? Наҳотки бизнинг маънавий мажруҳлигимиздан, сенинг тирик қолган ҳимоячиларинг ҳам ғайридинларга ўлжа бўлиб қолса!»

— Билиб қўй, ўғлим, бу шеърни бундан беш юз йил муқаддам машҳур ватандошимиз ёзган,— деб Маркоз илҳомланиб гапирди,— у бизга бу шеърни бир васиятдек қолдирган. Илло, биз бу васиятни бажариш у ёқда турсин, аксинча, унга хилоф иш тутяпмиз! Бу шармандаю шармисорликдир биз учун! Бизнинг жаноблар амалга ошираётган разилликларни, машҳур аждодимиз ўз кўзи билан кўрса, нима дерди-я?! Мана, сенинг ўзингни ёвузлик қурбони бўлишингга сал қолди. Ҳайтовур худонинг марҳамати билан сени зўравонлар чангалидан ажратиб олди,— деди руҳоний маъюсланиб ва бир оз сукутдан сўнг давом этди:— Балки, чирогим, менга яна бир шеърни айтиб берарсан?

— Қайсинисини? «Дунё, нега бизга ҳазиллашасан...» ними? — деб сўради бола дарҳол.

— Яхши, «Дунё, нима учун...»ни айта қол,— деб рози бўлди руҳоний.

Дунё, нега бизни ўйнаб ҳар томонга отасан,
Кимки сенга ихлос қўйса кўрар мендек юз боло!
Жаҳаннамга бирин-кетин бандаларни тортасан,
Тангрим ўзи ярлақайди қисмат қурбонини аммо!—

Хвичо завқланиб ўқиди.

— Сен бунисини ҳам яхши ёдлаб олибсан,— деб болани мақтади падар Маркоз.— Дарҳақиқат, одамда ихлос бўлса, ихлосига яраша худо уни ўз паноҳида асрайди. Ишонаманки, тангрим бизни афв этар. Эй тангрим,— у қўлини дуога кўтариб,— Иракий ҳамда Со-

ломон Багратионига ғалаба ато қил. Евузларни ва душманни забун этишларига ўзинг мадад бер уларга. Улуг номинг зикримизда. Вой-бўй, ўғлим, — бирдан руҳонийнинг эсига тушиб қолди, — буларни ҳаммаси яхшику-я, бироқ ярим йўлда қоронғи тушиб қолди-ю. Ҳозир кечалар қоронғи бўладиган пайт. Шу топда қаерда кетётганимиз?

— Қора Сойга яқинлашиб қолдик.

— Тўғри, чироғим! Ўрмондан тезроқ ўтиб олсак, унда марра бизники — уйдамыз десак бўлади... Қўрқма! Эҳ, ажойиб халқимиз бор-да! Одам бошига қандай бахтсизлик тушмасин, у қанча тўсқинликларга учрамасин, озгинагина мусаллас ичиб олса бас... у ҳамма ташвиш-ни эсдан чиқаради-қўяди. Лукайининг таъзия дастурхони устида намунача узоқ ўтириб қолдинг-а! Бечоранинг хотини ўлган бўлса, яна устига-устак ҳадимига шунча пул харажат қилса!.. Марҳуманинг арвоҳини хотира қилиб ичдик, чунки мен рад қилсам, албатта у хафа бўларди. Шунинг учун ушланиб қолишга мажбур бўлдик, энди бўлса қоп-қоронғи кечада ўрмондан туртиниб-суртиниб ўтишга тўғри келади, — деди Маркоз шикоятсмуз.

— Мана, Қора Сойга ҳам етдик, — деди бола.

— Сен-ку, атрофни илғаяпсан-а, мен бўлсам ҳеч нарсани кўрмаяпман. Қандай зим-зиё қоронғи-я. Кексалик қурсин. Мен ҳам сендай вақтимда дингиллаб юардим, кўзим ҳам мушукникидек ўткир эди. Бироқ вақт ўз ишини қиларкан. Оҳ, қани энди ўша ёшлигим?! Бу Қора Сой билан қанчадан-қанча хотираларим боғлиқ... Ўша кезларда мен монастирда ўқишни тамомлаб, дьякон бўлишга тайёрланар эдим, — мулозимгина қилиб бошлади руҳоний, — у пайтларда ҳаёт чинакамига дўзах эди, лекин ҳозир ҳам рўшнолик кўрмаяпмиз. Бир куни монастирга қўққисдан бир нотаниш одам югуриб келиб: «Қочинглар, усмонлилар келишяпти...» — деб бақирди.

Падар Маркознинг ҳикояси ярмида бўлиниб қолди. У воҳ деганича хачиридан йиқилиб тушди. Хачир қаттиқ дуркиб кетди. Хвичо эсини йиғиштириб олгунча бўлмай, ўзини аллакимнинг бақувват қўлларида кўрди.

— Оғзини бекитиб, қопга сол! — деган шошилини шивирлашни эшитди бола. Қаттиқ кўрқиб ҳушини йўқотиб қўйгандан кейин нима бўлганини билмайди. Хви-

чо ҳушига келганда аллақандай номаълум кишилар уни эгарга боғлаб, ўрмонда олиб кетаётганларини англади.

Эртасигаёқ бутун қишлоқ бўйлаб қуйидаги гап оғиздан-оғизга ўтиб юарди:

— Бошимизга қандай фалокат ёғилдики, падар Маркозни хачир йиқитиб, тилка-пора қилибди...

— Шўримиз қурисин, оҳ бу қандай мусибат! Қандайин ҳудожўй одам эди у — авлиё эди, авлиё, — деб қайғуришарди ғамга ботган деҳқонлар.

IX

Елканлари кўтарилган кема Қора денгиз бўйлаб сузиб борарди. Мовий тўлқинлар кўпикланиб бир-бирига мингашганча даҳшат билан кема ёнига уриларди. Ҳатто табиий офат — денгиз тўлқинлари ҳам кемадан нафратлангандай, бу гўё ёвузлик уясини тубсиз денгиз қаърига ғарқ этмоққа бел боғлагандай унинг қалин бортларини емиргудек ҳамла қиларди. Бироқ тўлқинларнинг елкан кемага кучлари етмас, унга урилиб ҳисобсиз томчиларга айланиб, яна қутураётган денгизга ёғилардилар. Улар қайтадан куч йиғиб, янада дарғазаброқ ҳамла билан яна кемага ташланардилар. Аммо кема мўлжалланган йўлдан заррача оғишмай, тўлқинлар шовқинсуронига парво ҳам қилмай, ғолибона тарзда тўлқин лашкарлари тўшини тилиб, Истамбулга қараб жадаллаб сузиб борарди. Бироқ тўлқинлар ҳам тинчимасди. Навбатдагилари келишини билишарди улар. Бўрон кўтарилиб уларга зўр куч бахш этади ана ўшанда... эҳтиёт бўл, эй кема! Қора денгиз оппоқ елканларини ҳилпиратиб кўкрак кериб сузиб бораётган кемаларнинг қанчасини тўнтариб, ўзининг тубсиз қаърига абадий дафн қилмаган.

Кемадаги катта каюталардан бири қимматбаҳо гилам ва полослар билан безатилганди. Курси ўрнига деворлар ёнига духоба ва шоҳи аврали ёстиқлар қўйилган эди. Каюта ҳашамдор кийинган усмонлилар билан тўла эди. Улардан баъзилари чордана қурганча, ёстиққа суяниб, жимгина ўтиришибди, бир хиллари қаҳва ичишяпти ёки чилим чекишяпти, учинчилари эса ёнбошлаганча мудрашяпти, тўртинчилари кичкина ойналардан бепоён денгизга тикилишяпти. Усмонлилар орасида

асосан қотмадан келган оппоқ соқолли қария ажралиб турарди. У ҳаммаларидан кексароқ ва бошқалардан басавлат кийинган эди. Унинг чиройли ҳожи дўпписига оппоқ салла ўралганди. Унга ҳаммалари зўр ҳурмат ва эҳтиром билан мурожаат қилишарди. Мўйсафид ҳам иззатида туриб, бу ҳурматларни шундай бўлиши лозим дегандек қабул қиларди. У йирик-йирик донали ҳақи тасбеҳини секин-аста ўғираркан, ёстиққа ёнбошлаган кўйи ўйга толганди.

— Йўқ, имоним ҳаққи қасамёд этаманким, бу сафардан рози эмасман, — деб қўйди у оҳистагина ва тасбеҳ доналарини тез-тез ўғира бошлади. — Неча маротабалар шундай сафар қилганман бу томонларга, аммо бунақанги муваффақиятсиз сафарни эслай олмайман. Бу аҳволда Истамбулда кўринишининг ўзи ғоятда ноқулай.

Теваракдагилар хайрихоҳлик билан мўйсафидга тикилишарди.

— Нималар деяпсиз, муҳтарам Али Юсуф афанди? — деди вазминлик билан ёстиққа ёнбошлаб олган олифтанамо ёшгина усмонли. — Башарти сизки норози бўлсангиз, унда бизлар нима дейишимиз керак? Сиз элликка яқин тутқунларни олиб келяпсиз, бизларникини ҳаммасини жам қилганда сизникича чиқмайди.

— Шу ҳам тирикчилик бўлди-ю!.. Афандим нолиганларидан кейин бу ёғини қўяверасиз!.. — ўрта ёшли чўтир усмонли аралашди гапга. — У кишининг бир ўзлари ҳаммамиздан кўра кўпроқ қул олиб кетяптилар, бунинг устига, Иброҳим, моллари ҳам энг сараси: улар орасида икки-уч нафар шундай қиз борки, дини ислом ҳаққи қасамёд этаманки, подшоҳнинг ўзи уларни жон-жон деб олади.

— Эҳ, қандай кунларга қолдим-а! Атиги элликтагина тутқинимга ҳам ҳасад қилишади-я, — вазминлик билан талаффуз этди кекса Али Юсуф. — Кеманинг эгасидан бир сўраб кўр-чи, илгарилари худди шу кемада Гуржистондан Истамбулга қанча-қанча бандиларни олиб борардим... Онт ичаманки, озмунча қизларим подшоҳ ҳарамини беамаган, пошшо ва вазирлар ҳақида-ю гапириб ўтирмасам ҳам бўлади! Улар мени Истамбулга қайтиб келишимни ҳайит сингари қувонч билан кутиб олишарди. У пайтларда тутқинларни жуда арзонга олар эдик. Ҳозир бизни фақат Потти пошшоси таъминламоқда, авваллар князь, дворян, оддий гуржи,

иш қилиб қул сотмайдигани йўқ эди. Қуръон ҳаққи... уни нима дейишади-я... ҳа, отинг қурғур... уларнинг энг катта муллалари, узун чўққидор қалпоқлиси бор-ку... Айтгандай, уни чкондидели дейишади шекилли... Бир гал унга қаҳрабо тасбеҳ совға қилгандим, у менга бир қиз билан икки йигитчани тақдим этганди. Ё олло, қандай арзончилик эди-я!.. Зайдол, ахир ёдингда йўқми? — Али Юсуф чўтирга ўтирилди. — Бир сафар биз қулларни шунчалик кўп олиб келган эдикки, ҳатто Трапезунд, Самсун, ҳатто Истамбулнинг ўзида ҳам карвонсаройларда чақа ўрнига қулларни бериб кетаверган эдик-ку. Хўш, энди-чи? Шу ҳам савдо бўлдимми? Харажатдан бўлак ҳеч гап йўқ! Шу қулларни сотаман-у, бундан кейин бунақанги даромадсиз ишни йиғиштираман.

— Сиз учун бу ишни йиғиштириш ҳеч гап эмас, бусиз ҳам пайғамбарнинг шафоати билан яшайверасиз. Биз-чи, нима қилишимиз керак? — деди Иброҳим шикоятмуз.

— Эҳ, қани у, саховатли эски замонлар?!— Ғамгинона деди Зайдол.

— Қани энди афандим эслаган ўша пайтлардан яна икки йили бўлиб берса. Ортиқчасини кераги ҳам йўқ эди. Худонинг ғазаби келиб, ҳаммасини остин-устин қилиб юборди!

— Ҳақиқатан ҳам бунга ким айбдор, мусулмонларми?— деб сўради, ёстиққа ёнбошлаб ўтирган, тишлари сарғайиб кетган усмонли мўйсафид.— Нима учун савдо-сотиқ бундай бўшашиб кетди? Узоқ эмас, бултурни ўзида шунчалар кўп қуллар келтиришардики, Истамбул бозори тўлиб кетарди. Гўё менга ўчакишгандай ҳаммаси бутунлай ўзгариб кетди: мен қул сотиб олгани йўлга чиқишим биланоқ бирданига молнинг нархи ошиб кетди.

— Бошқа сабаб бўлмаганда, биз дарҳол бунинг иложини қилган бўлардик. Афсуски, ҳақиқий сабабини бартараф этиш осон эмас! — деб сўзини нохушлик билан тугатди Али Юсуф.

— Имеретия шоҳи Соломон бузяпти ҳамма ишимизни. Бу кофир биз учун вабодан беш батарроқ, — деб тўнғиллади Зайдол.

— Ё оллоҳ, ё танграм, — деб бошларини силкишди усмонлилар, — кофирнинг умрини қисқа қил.

— Потн пошшоси Соломоннинг номини эшитиши биланоқ гоҳ ранги қизариб, гоҳ бўзариб кетади. Ҳозир шу Гуржистонда фақат икки-уч қалъагина мусулмонлар қўлида қолган...

— Бурноғи йили бу дорга осилгур Соломон қаттиқ зарба бериб, лашкарларимизни шармандаи шармисор этди. Ушандан кейин қулларнинг ҳам нархи ошиб кетди,— деди Али Юсуф аччиғланиб.

— Бай-бай-бай! — деб солишди усмонлилар.

— Бу Одиш ҳукмдори — Дадиянини қандай шайтон йўлдан урдийкин? У бизнинг дўстимиз эди-ку ахир: тутқунларни сотиб олишда у бизга халал бериш у ёқда турсин, балки ёрдам берарди,— гапга аралашди чўтир усмонли.

— Бу аблаҳ ҳозир Соломонга иттифоқдош бўлиб, унинг буюрганини бажо...

— Иттифоқдош эмас, балки итоатли қули, — унинг гапини бўлди Али афанди. — Энди Соломон шоҳ Фарбий Гуржистонни тамом эгаллади. Агар унинг адаби берилмас экан, ишимиз чатоқ бўлаверади.

— Шўримиз қурсин, шўримиз! Ё оллоҳ! Ё тангри! — ташвишланиб бошларини тебратишарди усмонлилар.

— Йўқ, шошманглар! Ҳақиқатни билишни истайсизларми? Бу ерда бошқа бир сабаб ҳам бор. Аблаҳ Соломон шоҳнинг орқа томони Шарқий Гуржистон билан мустаҳкамланган. Ҳозир у ерда Ираклий ҳукмдорлик қилмоқда. У лазгин, қизилбош лашкарларини тор-мор қилиб, Ганжа ва Ереванга солиқ солиб, қул сотишни бутунлай ман қилди... Агар аҳвол шундай давом этаверса, худо кўрсатмасин-у, у подшонинг ўзига ҳам қарши чиқишдан уялмайди!

— Олло йўл қўймайди бунга, ҳа, олло йўл қўймайди! — деб шовқинлашди усмонлилар.

— Эндиликда олиб келаётган тутқунларимизнинг озлиги ҳеч ажабланарли ҳол эмас! Лекин бориға барака, шунисига ҳам тангрига шукур қиламиз,— деди тишлари сарғайган усмонли.

— Барча мўмин мусулмонларнинг ҳомийси илоҳо бу хавф-хатарларга қарамай бизлар билан савдо-сотиқ қилаётган ўша бир ҳовучгина князларни басаломат этгай. Қимки қул сотишда гумон қилинса, бу кофир Соломон уни тутиб олиб, кўзини ўйиб олишга фармон берган эмиш. Аммо-лекин, бу азаматлар ҳаётини

хавф остида қолдириб, аҳён-аҳёнда бўлса-да, Поти пошшосига тутқунларни келтириб туришибди, у эса бизга сотиб турибди,— деди чўтир.

— Ўша князларни тангрининг ўзи ярлақасин! Илоҳо, худо хайрини берсин! Нима учун улар мусулмон бўлишни истамасикинлар-а?— деди ҳайрон бўлиб сариғ тиш усмонли.

— Тутқунларни қимматроқ сотаётган бўлса ҳам Поти пошшосининг худо умрини узоқ қилсин! Энди бизга ҳам Истамбулда молимизни қимматроққа сотишга тўғри келади. Агар биз тутқунларни арзон-гаров сотадиган бўлсак, унда савдогарчиликдан нима маъно чиқади?.. Унда эшакни ўйинга ўргатишдан фарқи қолмайди! — деди Иброҳим.

— Пешонада бори бўлар, мусулмонлар, — ҳаммага тасалли берди Али Юсуф. — Улуғзот пайғамбар бизларни унутмас, катта ўзгаришлар бўлиб, яна ўша дориломон эски замонлар қайтиб келар. Гуржилар, толемизга тартиб-қондани яхши кўришмайди. Улар ноаҳил... Мана қирқ йилдирки, мен қул савдоси билан машғулман, худо ҳаққи, бир нарса мени ажаблантиради! Ўйлаб қаранг-а, қанчадан-қанча асирларни Гуржистондан олиб кетдик, ўзаро қирғинларда қанчадан-қанчаси ўлиб кетди, талайгинаси жангларда қурбон бўлди-ю... ҳамон бу лаънати гуржиларни тугатолмаямиз-а!

— Ахир кофирларни бутунлай махв этиш мумкинми? Улар зарпечакдек кўпаяверади, — деди сариқ тишли усмонли.

— Нима деб валдираяпсан?! Худо барчасини биздан яхши билади, — жавоб қилди Иброҳим. — Агар кофирларни йўқ қилиб юборилса, унда қулларни кимдан сотиб оламиз?..

— Мусулмонлар, эсингизда бўлсин: ишингизни пайғамбаримизга ҳавола қилинглар, унинг ўзи тўғри йўлга солиб юборади,— деди Али Юсуф.— Мен ўз ишимни аллақачон ўзига топширганман...

— Ҳақ гап, ҳақ гап,—деб тасдиқлади ҳаммалари.

— Энди мен бир оз мизғиб олай. Кечаси яхши ухлаёлмадим. Олмосхон,— деб мурожаат қилди у суҳбатдошларидан бирига,— ўз инимдек сенга илтимос қиламан, тутқунлардан бир хабар олмайсанми? Пошшо менга инъом қилган болани овқатлантирсанг. Мутлақо

адойи тамом бўлмаса деб кўрқаман. Лаънати, нуқул бақириб йиғлайди! Агар у овунса баданига сув югуриб, ранги кириб қоларди, мен ҳам уни тузуккинага пуллардим. Уни Миср мамлукларининг жон деб олишларига асло шубҳам йўқ. Бу — чайир, мушаклари бақувват, шу билан бирга чаққон ва эпчил бола. Унинг кўзлари лочинни кўзидек ярқираб туради. Боланинг қалъадан қочиб кетишига сал қолганини пошшо менга ҳикоя қилиб берди.

— Афандим, сиз уни ҳарам ходимлигига сотинг, яхши фойда қиласиз,— сариқ тишли усмонли маслаҳат берди.

— Хўп гапларни гапирасан-да! Нима учун ҳарамга? Боланинг башарасидан ҳақиқий жангчи — мамлук бўлиши кўриниб турибди. Мен қул савдоси билан қаридим, кимни қарда кўпроққа пуллашни ҳам яхши биламан,— жавоб қилди Али Юсуф ва мизғиб олиш учун ёстиққа бошини қўйди.

Жимлик бошланди. Бир хиллари қаҳва ичишар, иккинчилари чилим чекишар, учинчилари ухлашарди.

— Иброҳим, роса тебратаётгидими, — деди чўтир Зайдол ва кема ойнасидан денгизга қаради. — Қарасанг-чи, қандай тўлқин бўляпти — улар дам тоғдай кўтарилиб, дам пастга тушыпти!

— Аҳамияти йўқ! — хотиржам жавоб қилди Иброҳим. — Озмунча пўртаналарни бошдан кечирмадик биз!.. Туғилибмизки денгизда сўзамиз. Денгиз билан довул чақмоқ билан момақалди роқ сингари бир-биридан ажралмайди.

— Биламан, лекин бунинг сира хотиржамланидиган ери йўқ! Бундан беш йил муқаддам Самсун яқинида кўрган азобларимни иккинчи бор такрорланишига ҳеч тоқатим йўқ. Бари бир шарқдан эсаётган шамол тўхта-маса, мушкул аҳволда қолишимиз турган гап. Қора денгиз ўлгудек маккор.

— Зайдол, сен қариб қолибсан, шунинг учун ҳам денгиздан кўрқа бошлабсан! Бирон нарса билан шуғулланишни хоҳламайсанми? Кел, нард¹ ўйнаймиз.

— Бўпти, — жавоб қилди Зайдол. — Нимадан ўйнаймиз?

¹ Доналари шашқолдаги сонларга қараб юриладиган Шарқда кенг тарқалган ўйин.

- Нимадан хоҳлайсан?
- Бир курушдан¹.
- Бир куруш ҳам гап бўптими? Биз гадомизми?
- Хўш, нимадан ўйнаймиз бўлмаса?
- Ўйнайдиган бўлгандан кейин, арзийдиган нарсадан ўйнаш керак-да.
- Масалан нимадан?
- Агар мен ютсам, аҳалцихелик елкадор йигит меники бўлади.
- Жинни бўлдингми? Нима деб алжияпсан? Эсингни йигиб ол! У энг ҳардоргир йигитим-ку... уни нардга ютқазайми?!
- Нима деяпсан, гапимга тушунмадингми дейман?! Сенга, агар мен ютсам, дедим... Балки сен ютарсан.
- Агар мен ютсам, сен нима берасан?
- Унда, менинг узун сочли Цирам сеники бўлади!
- Оҳ-оҳ-оҳ! — чўтир кўзлари ёниб, лабларини чўпиллатиб қўйди.
- Ҳа!.. Ёқадими? Наҳотки у сенинг аҳалцихелик йигитингга арзимаса?
- Борди-ю, уни ютиб олсам, кўзинг қинидан чиқиб кетар! Қасам ичаманки, агар Цирани ўз ҳарамимга қўшмай, бировга сотсам эркак эмасман! — хитоб қилди чўтир Зайдол.— Аммо мен ютқазиб қўйсам-чи? Унда бу сафарим пучга чиқади, худо ҳаққи! Зарар устига зарар...— дея Зайдол афсусланиб бош чайқади.
- Борди-ю, мен ютқазиб қўйсам-чи, унда менинг зараримни ҳисоблаб кўр! Мен сендан камга тушаманми? Ҳозирги нарх-наво ошган пайтда Циранинг баҳоси минг курушдан кам бўлмайди.
- Кел, бўлганича бўлар! Кўзимни чирт юмиб, тик-каним бўлсин! О, менинг бахтим, қайдасан?.. Ё олло!— чўтир қўлини кўкка чўзиб, хитоб қилди.
- Эй танграм! — илтижо қилиб, Иброҳим қўлига шашқолни олди.
- Қим бошлайди?
- Қимники кам чиқса.
- Иброҳим шашқолни ташлади.
- Эҳ, меники икки! — деб қичқирди у.
- Уҳ, олти! Сеники кам. Сен бошлайсан.

¹ Куруш — танга.

— Жуда соз! — жавоб қилди Иброҳим ва шашқолни ташлади. — Тўрт-беш! Бу тўрт, бу беш!

— Олти-беш! — қичқириб юборди Зайдол. — Бу — олти, буниси-беш!

— Икки-икки! Омадим паст кетди! — деб ғўлдиради Иброҳим.

— Қани, олти-олти! Келдим, кофирвачча! — Зайдол қизишиб бақирди ва шашқолни ташлади. — Эҳ, юришмади бу гал, беш-бир тушди, — алам билан қўшиб қўйди у.

— Гардкам! Қарасанг-чи! — хитоб қилди Иброҳим кўзлари ялтираб: — Олти-олти! Муҳаммадга шон-ша-рафлар бўлсин!

— Вой-бў! Манави итваччага қаранг-а, — чўтир рашк билан тўнғиллади, Иброҳимники ҳақиқатан ҳам олти-олтилигига ишонгач, — муттаҳамнинг ўгиришига қойилман! Мана меники ҳам олти-тўрт! Бу сафар ёмон эмас, — дея Зайдол ўзига тасалли бериб, шашқол ташлади.

— Цирани ютқазиб қўйишимни хоҳлаяптилар дейман-а?

— Пайгамбарнинг марҳаматидан умидворман! — бафуржа жавоб қилди чўтир.

— Ё, Али! Ахалцихелик йигитга етказгайсан! — Илтижо қилди Иброҳим.

— Нолимасдан ўйна, — деди Зайдол жиддий.

— Ҳа, сенинг ишинг жойида-да а!... — хотиржам жавоб қилди Иброҳим ва шашқолни отди. — Олти-беш! Бу — олти, буниси... йўқ, шошма... бундай юриш хавфли... итвачча қамаб қўяди унда... йўқ, яхшиси бундай юраман... Ҳа, беш ҳам мана!

— Борди-ю, энди олти-олти тушса, кўзларинг тиниб кетади, — тегажаклик қилди Зайдол. — Минг лаънат, уч-икки. Э-воҳ! Бу ўлжаҳўр кофир мени ютиб қўйиши мумкин!

— Бўлмаса нима деб ўйловдинг? Жўжани кузда саналади. Вой-вой!.. Бу ёққа қара: олти-олти!.. Цирам Алига ташаккур! — қувонч-ла хитоб қилди Иброҳим. — Менга қара, Зайдол, балки довга қўшармиз.

— Бўпти! Мени чўчийди деб ўйлайсанми? — зарда билан жавоб қилди Зайдол. — Қўшганимиз бўлсин!

— Қанча?

— Истаганингча!

— Қирқ куруш.
— Розиман! Уч-икки... Бу ўйинни ўйлаб чиқаргани падарига лаънат!

— Олти-тўрт!

— Олти-олти?! Қойил, ё худо, худойим! — севиниб кетган чўтир шундай қичқириб юбордики, ҳатто ухлаб ётган Али афанди чўчиб тушди ва нималарнидир деб тўнғиллаб қўйди. — Яна қўшишни хоҳлайсанми?

— Жуда ҳаддингдан ошиб кетдинг-ку, Зайдол, — оҳистагина деди Иброҳим.

— Яна қўшамиз деяпман сенга, — деб туриб олди чўтир.

— Бўпти! Қўл менда-ку! Ол керак бўлса, тўрт-уч.

— Беш-уч!

— Олти-олти!

— Вой лаънати!... — деди ўшқириб Зайдол ва алам билан шашқолни ўйин тахтасига ташлади.

— Қизишингга ҳали вақт бор. Натижа нима бўлади ҳали, кўрамиз,— деди Иброҳим хотиржамгина.

— Али афанди! Зайдол! Иброҳим! — деб қичқирганича отилиб кирди каютага кема капитани. — Тутқунлар исён кўтаришяпти. Анави ахалцихелик жуда жанжалчи экан. Нега ўшанақаларни кишанлаб қўймайсизлар?

Ҳаммалари сапчиб туришди.

— Нима гап? Нима бўлди? — деб гўлдиради Али Юсуф кўзини ишқаларкан.

— Али Юсуф! Ёрдам бер... Тутқунлар исён кўтарди! — дея шоширди капитан ҳаяжонланиб.

Ҳаммалари палубага отилдилар.

— Шундай пайтда халақит беришди-я, лаънатилар! Албатта ютардим-а! — алам билан хаёлидан ўтказди Иброҳим.

«Ё олло, ё олло! Одамзотнинг алданиши ҳеч гап эмас экан! Бу малъуннинг тузоғига илиниб, хонавайрон бўлишимга сал қолди-я! Омадим қил устида турган эди, яна бир-икки юришдан сўнг бу кўппак мени ютиб олиши аниқ эди! — деб ўйларди чўтир Зайдол. — Қандингни ур, ахалцихелик йигитчам! Жанжални зап вақтида бошладинг-да! Худо ҳаққи, мен уни мукофотлайман: ҳар куни унга пикетадан нон бераман!»

Кеманинг кенг палубасида тутқунлар юмалашиб ётишарди. Уларнинг орасида кексалари ҳам бор, лекин кўпчилиги ўн ёшдан йигирмагача бўлган болалар, қизлар ва йигитчалардан иборат эди. Баъзилари оёқ яланг, ярим яланғоч, бир хиллари увадаларга ўралган эдилар. Кўпчилиги оёқларига латта-путталарни ўраб олганди. Тутқунлар тўдаси ичида қўлига узун қамчи ушлаган, қизил ҳожини дўппилик усмонлилар яққол кўзга ташланарди. Улар асирларни қўриқлаб бораркан, ҳар бир қулай фурсатдан фойдаланиб ўз қамчиларини ишга солар эдилар. Кўпинча назорат қилувчилар, кўнгил очиш учун бахтсиз тутқунларнинг яланғоч елкаларига қамчи туширардилар.

Очликдан, совуқдан ҳолдан тойган тутқунлар яйдоқ палубада юмалаб ётишар эди. Уларнинг кўпчилигининг қовоқлари салқиган ва ёш тўкаверганидан кўзлари қизарган эди. Эзилган, умидсизланган тутқунлар гўё ўзларига нима бўлганини англай олмаётгандай, атрофга қўрпа-писа назар ташлашарди. Фақат аҳён-аҳёнда бир уларнинг кўзларида қутулиш умиди учқунланиб қоларди... Эҳтимол қалбларида бирон дадил орзу туғён урган чоғда ёки қизғин ибодатдан сўнг шундай бўлар. Бироқ вақт ўтиб борар, аммо бу машаққатлардан қутулиш чораси кўринмас, ҳеч ердан нажот кутиб бўлмасди!

Атрофда мудҳиш денгиз қайнаб-кўпирарди. У гоҳ кўтарилиб, гоҳ пастга тушарди. Олдинда ҳам, орқада ҳам, ўнгда ҳам, сўлда ҳам ёлғиз сув, сув.

Баланд мачта остида чиннидай қўлбола бўз кўйлак кийган ёшгина тутқун қиз мачтага суяниб ўтирарди. У юзини рўмол билан ўраб олган, пиқ-пиқ йиғлаяпти.

Бошқа тутқун қизлар ҳам уввос солиб йиғлашарди. Лекин одам боласи ҳар қандай мусибатга кўникар экан: баъзилар ўз қисматларидан нолиб, алам билан йиғласалар, баъзилар бўлганича бўлар деб, тақдирларига тан берган эдилар.

Ёшлар ўз ғам-ғуссаларига осонроқ кўникишарди. Улар олдини бақириб, дод-фарёд қилсалар ҳам, бироқ секин-аста бўшашиб қолишарди. Уларнинг чехраларига оз-моз табассум ҳам қалқиб, ҳатто улар ўзларини бирон нима билан чалғитишга ҳаракат қилар эдилар... Шундай бўлса ҳам баъзан кўзларини қайғу пардаси

қоплаб оларди: улар ота-оналарини, ўз уйларини, қадрдон дала ва ўрмонларини эслар эдилар. Бундай пайтларда юраклари гупиллаб уриб, ранглари синиқиб кетар ва ёноқларидан биргина тасалли берувчи кўз ёшлари юмалай бошларди.

— Ҳасан, манавини нима қиламиз? Бу лаънати аёл нуқул йиғлагани-йиғлаган! Потидан чиққанзимизга бугун уч кун бўлибди-ю, бу кофир қизи ҳеч овунмайди, — кулиб мурожаат қилди бир назоратчи иккинчисига. — Худо ҳаққи, унинг фарёду фиғонидан кар бўлиб қолиш ҳеч гап эмас.

— Уни тинчлантириб қўйсам нима дейсан? Бу оҳ-воҳлар менинг ҳам жонимга тегди. Бугун кечаси бу хотиннинг йиғисидан уйғониб кетдим, аломат туш кўраётгандим, ҳаммасини бузди-қўйди, уни қамчи билан сава-лашимга сал қолди.

— Балки эрини ўйлаётгандир. Ҳи-ҳи-ҳи! — ҳиринглади назоратчи.

— Хўш, биз-чи, қаеримиз кам экан бизнинг? Балки унинг эри биз билан беллаша олмас... Ҳар бир мусулмон, у ҳар қанча хунук бўдганида ҳам, бари бир кофирдан тузукроқ, — деди Ҳасан мағрурона ва йиғлаётган аёлга яқинлашди.

— Эй, хоним! Ҳой, хоним! Нуқул йиғлаганинг-йиғлаган... Етар, бас! Бари бир йиғлаганингни яқинларинг эшитмайди, — деди у аёлга.

Аёл юзидаги тўрини кўтариб, ёшланган қора кўзлари билан назоратчига қаради.

Ҳасаннинг эҳтироси қўзиб, уялмай-нетмай асирани ўзига тортиб, унинг кўкракларини ушлаб олди.

Аёл бақириб юборди, зўравонни итариб ташлаб, ўр-нидан турди. Лекин у аёлни бўйнидан маҳкам қучоқлаб олганча ўпмоқчи бўларди. Кутилмаганда кимдир усмонлини орқасидан шундай зарб билан урдик, у асиранидан нарига учиб кетди. Ғазабдан ўзини йўқотаёзган Ҳасан ўгирилиб қаради. Қаршисида эгнига жулдур чоҳе, бошига наमत қалпоқ кийган тутқун турарди. Унинг башараси ғазабдан ёнар эди.

— Эҳ аблаҳ маъжусий! Унинг ўз қайғуси, таҳқирлангани етмайдими? Сен яна уни шарманда қилмоқчимисан? Қўлимдан келса эди, бу қаҳрамонлигинг учун бошингга аёллар рўмолини ўратиб қўйган бўлардим! — дея қичқирди тутқун кўзлари чақнаб.

— Кофир, менга қўл тегизишга қандай журъат қилдинг? — усмонли бақириб, камарида осилиб турган қамчисини олмоқчи бўлди, аммо дастасидан ҳали ушлашга ҳам улгурмасидан, ўзи аллақачон палубада юмалаб ётарди.

Ваҳимали қий-чув кўтарилди. Тутқун хотинлар фарёд кўтардилар. Югуриб келган назоратчилар аёлни ҳимоя қилган йигитни шафқатсиз савалай бошладилар. Ғазаби қўзиган тутқун назоратчининг қамчинини юлқиб олиб, қамчи билан ўнгу сўлига қарамай савалай кетди. Лекин йигитчининг ўзи ҳам осон қутулмади. Усмонлилар унга ташландилар ва бирпасда унинг ярим яланғоч елка-кураклари калтак зарбидан кўкариб, шишиб кетди. Шундай бўлса ҳам у бир неча назоратчини уриб ағдаришга улгурди. Бошқа тутқунлар ҳам томошабин бўлиб қараб турмади. Қўлларига нима дуч келса барини усмонлиларга отишди.

Шовқин-суронга қулфурушлар билан қуроли соқчилар югуриб келишди. Капитан ҳам пайдо бўлди.

— Бу қанақа ғалва? Нима гап? Тишчланингиз, лаънатилар! — деб бақирди Али Юсуф.

Соқчиларни кўрган тутқунлар тинчланишди.

— Манави, манави, афандим! — назоратчилардан бири елкаси қонга беланган тутқунни кўрсатди, — муштлашни бошлаган мана шу, Ҳасанни биринчи урган ҳам шу.

— Бу Зайдолнинг тутқуни-ку! — бир неча кишининг товуши эшитилди.

— Ҳаммасини бошлаган ўша! — деб бақирди Иброҳим. — Бу қилғилиғи учун унга юз қамчи урилсин!..

— Тўхта, шошилма. Нима гаплигини билайлик? — маслаҳат берди Али афанди.

— Юзта дейсанми?.. У аллақачон икки юз қамчи еди!.. Ҳаммаси нимадан бошланганини аниқлаймиз! — деди аччиғланиб Зайдол.

— Ҳар ҳолда кемада бундай тартибсизликка йўл қўйиб бўлмайди. Тутқунлар ҳатто менинг бир неча матросларимни ҳам уришибди! — деди жаҳли чиққан капитан.

— Усмонлилар! — деб бақирди тап тортмасдан мўйсафид тутқун, — ўзингизни шарманда қилманг! Йиртқич бўлманг! Бизни шунча хўрлаганингиз ҳам етар! Йўқса, билиб қўйингки: ўзимиз ҳам хароб бўламиз-у,

лекин сизларни ҳам денгиз қаърига жўнатамиз! Бизга бари бир, энди ҳеч нарсадан умид қилмаймиз! Биз худонинг ҳам, одамларнинг ҳам назаридан қолганмиз, шундоқ ҳам хароб бўлишга маҳкуммиз!

Мўйсафид гуржининг гапини бошқа асирлар ҳам қувватлашди.

— Майли бизни бўғизласинлар, биз ҳеч нарсани йўқотмаймиз: бари бир биз бу дунёдан умидини узганлармиз! — деб бақирди тутқунлар.

— Ҳей, секин, шовқин солманг! Тинчланинг, биз текширайлик! — Али афанди улардан баланд келишга уриниб бақирди.

Аммо сабр косаси тўлиб, жони ҳалқумига келган асирларни тинчлантириш осон эмасди. Аста-секин исёнининг сабаблари аниқланди.

— Яхши эмас, ўзига бундай эрк бериш яхши эмас, худо ҳаққи, — сипогарчилик билан деди Али Юсуф. — Бунга йўл қўйиб бўлмайди. Ҳасан шубҳасиз ноҳақ. Аёл киши билан бундай одобсиз муомалада бўлиш яхши эмас. Бунинг устига купиа-кундузи-я.

— Унга қўл тегизишга қандай журъат этди? — қизишиб кетди чўтир Зайдол. — Ҳасан менинг назоратчим эмас-ку! Менинг тутқунимга ёпишишга нима ҳақи бор?.. Биламан, уни Иброҳим йўлга солган!

— Эсинг жойидами?.. Нима деяпсан? — хитоб қилди Иброҳим. — Менинг нима даҳлим бор бунга? Бунинг ҳаммаси сенинг найрангинг!.. Ахир яна бир дақиқадан сўнг нарда ахалцихлик йигитингни ютиб олган бўлардим.

— Сенинг назоратчиларинг менинг тутқунларимга даҳл қилмасинлар, мен сендан шуни талаб қиламан! — деб бақирди Зайдол камарига қистирилган тўппончаси дастасидан ушлаб-ушлаб қўяркан.

— Шунақаям бўладими? Худодан қўрқ! — деди Иброҳим қизишиб. — Бу қанақаси бўлди, мусулмонлар, сира тушунолмаёпман, бу одам менга қандай туҳматларни тўнкамоқчи?! Биз каютада нард ўйнаётган эдик, мен у ердан бир қадам ҳам жилганим йўқ, бу бўлса энди ҳаммасини менга тўнкаяпти!

— Ҳа, ҳаммангиз ҳам оппоқсиз! Ахир бу иш сизларга ярашадими, эй тижоратчилар? — деб гапга аралашди капитан. — Гуржилар баджаҳл халқ, дастлабига мен ҳам бир оз қизишиб кетиб буни унутиб қўйибман.

Уларга сергаклик билан муомала қилиш керак. Ҳазилни йиғиштирайлик, тутқунларни ғазабини қўзғатмаслик керак. Бўлмаса ҳаммамиз ҳам жабрланишимиз мумкин. Ахир кемаларни тутқунлар чўктириб юборган ҳоллар бўлмаганми, ахир?

— Ана донолик! Уларнинг жазосини бериш учун соқчиларни чақирганингда сен нималарни ўйлаган эдинг? — деди Али Юсуф афанди. — Қизишма, эсингда тут, шошма-шошарлик ва меровлик ҳеч қачон яхшиликка олиб бормади. Қанча кўп бақирсанг ва ғазаблансанг, шунчалик ёмон бўлади. Назоратчиларга жиддий буйруқ бериш керакки, улар асирларни, айниқса аёлларни хафа қилишмасин... Истамбулга етиб, ерга оёқ қўяйлик... ана ундан кейин менга деса терисини шиласанми, ўлдира-санми, ким ҳалақит берарди! Аммо бу ерда, кемада эса, кичкинагина хато билан фақат ўзингнигина эмас, бошқаларни ҳам хароб қилишинг мумкин, нодон...

Али афанди билан капитан тутқунларни оралаб чиқишди. Бир хилларига далда беришди, баъзиларига дуқ уришди ва, ниҳоят, аста-секин ҳаммаларини тинч-лантиришга эришдилар.

XI

Кема тўлқинларни ёриб ўтиб, шитоб билан олға сузиб бормоқда. Май қуёши бепарво жилмайиб денгиз, кема ҳамда бахти қаро тутқунларни олқишлаётгандек чарақлаб нур таратмоқда.

Кеча назоратчи Ҳасан томонидан хўрланган аёл, бугун ҳам мачта тагида ўтирар эди. Юзидаги рўмоли сал орқага ташланган. У бугун йиғламас, фақат бепоён денгизга ғамгин термуларди.

Аёлнинг ёнида ўн ёшлар чамасидаги бола қотган нон бурдасини кемириб ўтирарди. Бетлари сўррайиб қолган, кўзи йиғлайвериб қизариб кетганди. Бу ўша Хвичо эди, у номаълум хоинлар томонидан Қора Соё қирғоғида ўғирланиб, ўша кечаси Потти пошшосига юборилганди. Пошшо болани Али Юсуф афандига совға қилди. Кемада эса бола асира Саломэга ёпишиб олди ва ундан бир қарич ҳам нарига силжимади. Али афанди ҳозирча бунга қаршилик кўрсатмади.

— Яна қотган нон ейсанми? — сўради аёл боладан эркалаб.

— Мен унга қотган нон эмас, юмшоқ нон бераман,— деган кимнингдир товуши эшитилди. Уларнинг олдида ахалцихлик Резо қўлида иккита кулча нон ушлаб турарди.

Саломэ қизариб, ерга қаради.

— Ташвишланиб нима қиласан, Резо?... Уни ўзим тўйдираман... — деди тортинчоқлик билан аёл.

— Ташвишланиш деганинг нимаси? Кеча назоратчилар ташланганда қийин бўлганди, ҳозир нимадан ҳам ташвиш қилардим? «Бахтни бахтсизлик келтиради», деб бекор айтмаган эканлар. Мен буни ўз тажрибамда кўрдим. Саломэ, — давом этди Резо. — Тўғри, кеча менинг орқаларимга қалампир сепган бўлсалар ҳам, бугун ўшанинг эвазига хўжайиним битта нон ўрнига иккитани берди, бундан кейин ҳам иккитадан бериб туришни ваъда қилди... У мени пайимга тушар деб ўйласам, қайтага тескариси бўлиб чиқди: мени четроққа чақириб, тоза мақтади: «Баракалла, қойилман!» — деб ҳатто елкамга ҳам қоқиб қўйди... Ўз зафарлари билан мақтанган чоғларида мени ҳам эслаб туришсин-да, бу разиллар, — оҳиста қўшиб қўйди Резо ва нонидан ушатиб, каттагина бурдани болага берди.

— Ма, Хвичо, е ўғлим, — деди у эркалаб. — Нега қайғурасан болакай? Янги жойга ўрганиб қоласан, халқи билан танишасан, тилларини ўрганасан. Ким билади, балки бир кун келиб катта амалдор бўлиб кетарсан, ана ўшанда, уйингга шундай жаноблар қадам ранжида қиладиларки, сен уларни тушингда ҳам кўрмагансан! Бизни — бахти қароларни эса бошқа нарса кутяпти! Агар мен бегона юртда минг йил яшасам ҳам, бошдан-оёғимгача зарга кўмиб ташласалар ҳам ҳеч қачон она юртимни... ўз уйим... боғимни... увोққина Пицумни эсдан чиқармайман... У менга кўзачада сув келтирар ва бижиллаб: «Дада, дадажон, сенга сув олиб келдим...» дерди. Оҳ, қизалоғим, бу кунлардан кўра бахтсиз отангнинг ўлгани яхши! — Резо кўкрагига муштлаб, йиғлаб юборди.

— Оҳ, тойчоғим! Онагинангни қаро ерга қўйганларини яхшийди! — қайғу-алам билан йиғлади Саломэ.

Хвичо ҳам ҳўнграб юборди, икки бетидан оқиб тушаётган кўз ёшлари қўлидаги нонга томарди.

— Саломэ, сенга тасалли бермоқчи эдим, лекин ўйлаганимдай бўлмади! — деди Резо хижолат бўлиб. —

Қисматимиз оғир. Қанчалик ўзингни бардам тутмагин, бари бир ғам ва кўз ёшларидан қутулолмайсан!

— Худо ҳаққи, Резо,— Саломэ ғазаб ва йиғи аралаш зорланди,— агар мени турклар ўғирлаганда эди бунчалик азоб чекмаган бўлардим. Мени шу азобларга солган ўз ватандошларим эканини ўйласам, юрагим эзилиб оқяпти. Эй, муқаддас биби Марям, князь Александр Цверадзе ва унинг авлод-аждодини ўз марҳаматингдан маҳрум эт!.. Илоё нон билан тўз улар учун заҳарга айлансин...

— Модомики сен князь хонадонига тушган экансан, бас, ҳеч қандай ажабланишнинг ўрни йўқ, князь аярмиди...— деб жавоб қилди Резо.— Улар мени тоғда ухлаб ётганимда қўлга туширишди, бўлмаса оналари аза тутиб қолишарди-я... Лекин энди вақт ўтди, кейинги пушмон ўзига душман дейдилар. Пешонам шундай экан, шунисига ҳам худога шукур! Саломэ, айт-чи, сен Хвичо ҳақида нима биласан?

— Бу бола фақир икки марта ўғирланган экан,— дея ҳикоя қила бошлади Саломэ.— Биринчи марта ўз уйидан... Лекин турклар қўлига тушмасдан олдин олижаноб бир руҳоний уни қутқариб олиб, ўз уйида асрабди. У болага яхши муомала қилиб, ўз ўғлидек тарбиялабди, уни бир дақиқа ҳам кўздан қочирмас экан. Аммо бу худобехабарлар руҳоний кечаси уйига қайтаётганда ҳамла қилиб, болани яна ўғирлаб кетишибди.

— Туркларми?

— Туркинг нимаси? Ўзимизникилар! Балки руҳонийнинг қўшниларидир аблаҳлар.

— Оббо, лаънатилар!— деб Резо бош тебратди.

— Турклар энди юртимизда зўравонлик қилолмайди. Ўлкамизни ўзимизникилар хароб қилишяпти. Тулки ва чия бўрига ўхшаб ҳамма ёқни искаб, изғиб юришибди, бу муттаҳамлар қулай жойда ўлжани алдаб қўлга туширсалар бас, қўл-оёғини боғлаб, оғзига латта тиқиб, усмонлиларга элтиб берадилар. Ҳозир пошшолар ҳам очиқчасига қароқчилик қилишга журъат қилолмайдилар, чунки шоҳнинг фармонига мувофиқ қўлга тушган жиноятчининг дарҳол кўзлари ўйиб олинади.

— Оҳ. Маркоз ота тирикмикин?— ғамгин хўрсинди Хвичо.

— Болакай, сени ўғирлашаётганда руҳоний ёрдамга чақирмадимми?

— Йўқ, у бир инградию хачирдан қулаб тушди... Тун жуда қоронғи эди... Мени ушлаб олишди... Кейин нима бўлганини эслай олмайман.

— Балки у ваҳшийлар руҳонийни ўлдиришгандир,— деди Резо, ғазаб билан.— Одам қутуриб кетган пайтда йиртқичдан баттар бўлади. Йўқ, бизда, шоҳ Ираклий тасарруфидаги жойларда ҳеч ким бундай ёвузликни очиқчасига қила олмайди. У ерда крепостнойларни сотишга ким ҳам журъат қила оларди? Мен бўлсам мутлақо тасодифан қўлга тушиб қолдим, илоҳо тангри ўша муттаҳамларнинг жазосини берсин... Мен Баржоми ўнгириданман. Бултур ёзда ахалчих тоғлари орасида адашиб қолиб, ғайридинлар қўлига тушдим... Қўй, тинчлан Саломэ,— деди Резо аёлга мулойимгина,— нондан есангчи. Ҳар қанча ғам чекканинг билан, бошингни тоғу тошларга урганинг билан, бари бир ҳеч нарса чиқмайди! Бизнинг кунимиз битган.

Саломэ бир бурда нонни оларкан, Резога қаради, унинг ранги бўздек оқариб кетганди.

— Сендан жуда миннатдорман,— уялибгина мурожат қилди унга Саломэ,— агар сен бўлмаганингда кеча ҳолим нима кечарди.— У сўзини давом этдиrolмай, йиғлаб юзига рўмолини ташлаб олди.

— Қўрқма, Саломэ,— ишонч билан жавоб қилди унга Резо,— мен тирик эканман, сенга ҳеч ким қўл теккизолмайди!

Аёл бошини кўтариб, юзидан рўмолини олиб ташлади. Улар бир-бирига қарашди ва уларнинг чехралари оний жилмайиш билан ёришиб кетди.

— Азоб-уқубатларимиз қачон тугаркин? Лоақал бу лаънати кемадан тезроқ тушсак, кейин нима бўлишимизни билсак ҳам майли эди. Ахир ҳамма ерда ҳам одамлар бор-ку. Бизни осмаслар-ку? Шуниси ҳам борки, бу хўрликлардан кўра, осиб ўлдирганлари ҳам маъқулроқ...

— Матрослар, агар довул тўхтаса, икки-уч кундан сўнг Истамбулда бўламиз, дейишяпти. Э-эх, у ерда ҳеч қандай яхшилик кўрмаймиз! Бу ерда ақалли бир-биримиз билан грузинчалаб сўзлашяпмиз-у, Истамбулга боргандан кейин эса бизни қурбонликка аталган қўзилардек сотиб юборишади ва бир-биримиздан жудо қилишади.

— Шўргинам қурсин! Мен бу ҳақда ўйламабман

ҳам!—умидсизлик билан бақириб юборди Саломэ ва илтижо қилгандек ўз ҳомийсига термулди.—Наҳотки, бизни бир-биримиздан жудо этмасликларининг иложи-ни қилиб бўлмаса?—деб сўради аёл, ранги оқариб кетган Резодан кўз узмай.

— Иложи бўлса уриниб кўраман, азизим! Мен ана-ви аблаҳ назоратчини боплаганимдан кейин хўжайиним менга илтифот билан қарайдиган бўлиб қолди. Бир-биримиздан ажратмасликларини мен ундан илтимос қилиб кўраман.

— Мен сизлар билан бирга бўлишни хоҳлайман, мен сизлардан ажралмайман!—деб ёлворди бола ва умидворлик билан Резо ва Саломэга тикилди кўзлари жовдираб.

— Хвичо, тойчоғим! Бадбахт онангининг шўри қурсин!—деди Саломэ меҳрибонлик билан, болэни бағрига босиб.—Резо, бу худосизлар томонидан бизга ўхшаб таҳқирланган ва тирик егим бўлиб қолган бола бечоранинг гапини эшитяпсанми? Нималар кутяпти бизни ва биз бахти қаролар нимадан ҳам умид қила олардик?! Фақат бизни бир-бировимиздан ажратмасликлари учун худога ёлборишдан бўлак чорамиз йўқ. Кўряпсанми, э тангрим, нораства гўдак ҳам шу билан ўзини овутяпти... Эй, худо!—деб сўзини тугатди Саломэ.

Қайғу Саломэнинг қаддини дол этганди: тинка ма-дори қуриган, эзилган Саломэ хўнграб йиғларди. Резо-нинг ҳам кўзи ёшланди, кичкина Хвичо ҳам йиғлаб юборди.

Атрофда эса ҳамон денгиз қугулар, кўпикли ўркач-ўркач тўлқинлар бири иккинчисини қувалаб, кема бор-тига урилар ва яна беҳисоб томчиларга айланиб, таралиб кетарди...

XII

Истамбулдаги қуллар бозорига одамлар сиғишмай кетган. Турли мамлакатлардан сотиш учун бу ерга бандилар ҳайдаб келтирилган. Қора танли дейсизми, жез тусли дейсизми, сариқ танли дейсизми, ишқилиб ҳамма тусдаги одам шу ерда эди. Аввалги йилларда тутқунларнинг кўпчилик қисмини кавказликлар ташкил этардилар. Лекин ҳозир улар жуда оз, бу нарсa ҳаммани ажаблантирарди.

Асирларнинг бир қисми майдонга чиқарилган, қолганларини наридан-бери шошиб қилинган саройларда сақлашарди. Харидорлар келиб, тутқунларни кўздан кечиришар, уларнинг кучларини синашар, бўйларини ўлчашар, қул эгалари билан савдолашишар, сўкишишар, нархига келишгач, бузоқни бошвоқлагандай, қулнинг бўйнига арқон ёки занжир солиб, уйларига олиб кетишарди. Бизнинг замонамизда шармандали ҳисобланган бу ҳодиса ўша даврларда одатий бир нарса ҳисобланарди. Бой савдогарлар асирларни ўн нафарлаб, ҳар хил мақсадда олар эдилар: бир хилларини аскарликка сотиш учун, бошқаларини уй хизматига, учинчиларини далада ишлашга, чиройли аёлларни эса ҳарамларни безаш учун олишарди.

— Худоё шукур, худоё шукур!— деб мамнуният билан такрорларди майдон бўйлаб оҳиста қадам ташлаб бораётган машҳур қулфуруш Ҳусейн оға.

Ҳусейн оға Арабистонга кўп марта борган — муқаддас жойларни зиёрат қилган, кўп ўқиган, қуръонни ҳам сувдек биладиган одам эди. У хитойи кимхоб тўн кийиб, бошига оппоқ салла ўраб, олтин суви юритилган ҳассасига таяниб юарди. Истамбулда Ҳусейн оға жуда машҳур эди.

— Ҳусейн оға келяпти! Ҳусейн оға келяпти!—деган товуш бозорнинг ҳамма тарафидан эшитилди.

Али Юсуф ҳам ўзининг грузин тутқунларини шу ёққа ҳайдатиб келди.

— Нима қилишга ҳайронман, афандим,— назоратчилардан бири унга ахборот берди,— лаънати сира тинчланмаяпти! Ҳеч овозини ўчириб бўлмаёпти-да!

— Қайси бири?

— Анави бола — Потти пошшосининг совғаси... Хвичо.

— Хвичо деганинг нимаси?— деди Али Юсуф жаҳли чиқиб.— Мен унга Маҳмуд деб янги от қўйганман-ку, ахир. Уни Маҳмуд деб ата! Ҳали ҳам ўкиряптими?.. Совға. Зап совға-да, ўзиям!.. Бунақа совға учун Потти пошшога раҳмат!.. Совға эмиш-а!.. Ўзиям роса сахийлик қилди-да! Потти пошшосига олиб борган совғамизнинг пулига нақ беш нафар асирни сотиб олишим мумкин эди... Болага нима керак экан, нимага уввос соляпти?

— Нимага Зайдолнинг тутқунидан мени ажратасиз, деб додлаяпти...

— Кўнглининг кўчасини қара-я!.. Ақлдан озган эмас-ми?! Ҳароми! Балки қорни очдир, шунинг учун бўкираётгандир?

— Тўйгунча овқат беряпман, афандим. Бугун у ҳатто нонга ҳам қайрилиб қарамади. Уша тутқун аёлдан ажратиб олаётганимизда, ўзини денгизга отишига сал қолди, ўзингиз ҳам кўрганидингиз-ку, ахир. Худо менга кучдан берган, лекин мен уни аранг ушлаб қолдим. Бу ориққина, тарашадек бола шундай юлқиндики, агар Жаъфар ёрдам бермаганда, иккимиз ҳам сувга шалоплаб тушиб кетардик.

— Оббо, лаънати-е! Бунда қанақанги сир борлигига ҳеч ақлинг етмайди! Бу ерда Зайдолнинг гарази бор. У йўлда менга тиқилинч қилиб болани сотиб олмоқчи бўлди. Унга: «Сотмайман!»— десам, у бўлса: «ўрнига иккита каттасидан бераман!»— деб вайсарди. «Бас қил!»— дедим. Қайси тутқуннинг нархи қанчалигини мен билмайдигандек, менга ўргатмоқчи-я!

— Рост, бола Зайдолнинг тутқун аёлига жуда ўрганиб қолганди, ҳамма вақт унинг атрофида гирди-капалак эди. Биз уларни ажратган вақтимизда тутқун аёл гўё ўз ўғлидан ажралаётгандай ҳўнграб йўғлади.

— Эй, бўлмагур гапларни тинглашга вақтим бор эканми шу топда! Худонинг марҳамати, ҳозир кимнинг бунга ўхшаган бемаъни гаплар билан овора бўлишга ҳафсаласи бор... Демак, бола бугун овқат емабди-да?... Тоза қойил бўпти-ку!.. У жуда озиб кетган бўлса керак?

— Унчалик эмас, лекин...

— Салом алайкум, салом алайкум, қадрли Али Юсуф. Кайфиятлари қалай? Илоҳо умрингиз боқий ўлғай!— дея мурожаат қилди бу орада яқинлаб келган Ҳусейн оға.— Марҳамат юзасидан айт-чи, нима учун Гуржистондан бунча оз тутқун келтирдиги? У ерда нималар бўляпти? Эсимда, бурноғи йили бандилар бу майдонга сиғмай кетганди, энди бўлса, уларни излаб топишга сал қолибди.

— Э-эх, оға!— жавоб қилди Али Юсуф.— Гуржистонда ишлар чатоқ. Кофирлар энди ўзгариб кетган... Олиб келинган тутқунларни ҳам жуда қийинчилик билан қўлга киритдик, худо ҳаққи! Ҳозир бутун Ғарбий Гуржистон Соломон шоҳ қўли остида бирлашган. Уша гайридин, пайғамбаримиз номига иснод келтириб, му-

сулмонларга қандай талафот етказганини ўзингиз ҳам биласиз-ку... Соломон шоҳ ҳозирги пайтда шундай кучлики, ёлғиз унинг номи тилга олиниши биланоқ бизнинг ҳукмдорларимизни титроқ босади... У қулфурушларни қаттиқ таъқиб остига олган, бу ишда қўлга тушганларни дарҳол кўзини ўйдиради.

— Подшоҳи аъзамнинг умрлари узоқ бўлсинким, бу қайғули, ҳа-ҳа, ғоятда қайғули ҳол,— деди Ҳусейн оға афсусланиб.

— Чиройли қизлар эса олтинга тенглашиб қолди,— давом этди Али афанди.

— Эй, қадирли афандим, мен аллақачонлардан бўён чиройли қизларга ҳасад қилмай қўйганман. Улардан фақат зиёну зарар. Бугун қарасанг — кўзингни ололмайсан: юзлари қип-қизил анордек, ўзлари эса очилган гулдек... Эртасига қарабсанки — ранг-рўйи мурданинг ўзгинаси... Зарар, зарардан бўлак гап йўқ... Чиройли аёллар билан шуғулланиш жонимга тегиб кетди... Эҳ, афандим, у вақтлар мутлақо ўтиб кетди! Ҳамма нарсанинг ўз вақти-соати бор экан... Юраклар ишдан чиқди, ҳафсала пир бўлди, қариб қолдик. Энди менга, қадирли Али Юсуф, деҳқонлар, агар топа олсам жангчибоплар керак... Афсуски, Гуржистонда тутқунлар савдоси путурдан кетибди. Мен бу ҳақда олдин ҳам эшитгандим.

— Қўлимиздан нима ҳам келарди, оға, бориға барака! Худога шукурки, бизга оз-оз бўлса-да, ҳар қалай келтириб туришибди...

— Худонинг марҳаматига шукур, худога шукур!— дея такрорларди Ҳусейн оға, тутқунларни кўздан кечираркан. У тутқунлар тўдасини оралаб ўтиб, уларга ҳар томондан разм солди, у ёқ-бу ёғидан қараб, ҳатто ушлаб ҳам кўрди, баъзилари билан сўзлашди.

— Яхши мол, жуда яхши, лекин озроқ. Бундай таҳчилликни ҳеч кўрмагандим,— деди Ҳусейн оға ўйчан бир тарзда ҳассаси билан ерга дўқиллатиб ураркан.

Кутилмаганда қандайдир шовқин унинг диққатини жалб қилди.

— Товушингни ўчир, ўчир овозингни, дорга осилгур, бўлмаса жонингни сугуриб оламан. Бу чўчқадан тарқан жинни экан-ку,— кимдир йиғлаётган болани койирди.

— Саройда йиғлаётган ким, Али афанди?— деб сўради Ҳусейн оға.

«Лаънати, ҳамон додлаяпти-я!»— деб ўйлади афанди.

— Ҳа, бу гуржи бола... осиб ўлдирса ҳам камлик қилади уни! Уларнинг қанақанги ўжар бўлишини ўзинг биласан-ку. Қайсарлик қилиб, нуқул йиғлаб ётибди.

— Кўрсам бўладими?

— Ҳозир олиб келишларини буюраман. Қофирваччани бу ёққа олиб келинглар! Ҳалиям ув соляптими?

Хвичони келтиришди.

— Болакай, нимага йиғлайсан? Бақириб йиғлагани уялмайсанми?— деди Ҳусейн оға болага ва бошини силади. У бўлса чолга ҳайрон бўлиб термуларди: бола биринчи марта усмонлилардан сўкиш, бақирец, уриш ўрнига ширин сўз эшитган эди.

— Гуржими бу?

— Гуржи. Потн пошшосини зўрга кўндирдим со-тишга,— деб жавоб қилди афанди.

— Оти нима?

— Маҳмуд.

— Маҳмуд, Маҳмуд! Яхши, жуда яхши!— деди Ҳусейн боланинг бошини силаган куйи.— Нима учун йиғлаётувди?

— Нодонликдан: йўлда бир тутқун аёлга боғланиб қолиб, энди уларни ажратганимизга жиннилик қияпти. Ахир бу ярамас жиннида! Тутқун аёл эса Зайдол чўтирники эди. Бошқа тутқун билан бирга кемадан тушиши биланоқ ўша аёл сотилди, иккаловини адрионополлик савдогар олиб кетди, албатта. Бу бола бўлса уларнинг орқасидан югурди. Ахир ким уни қўйиб юборарди? Ана шунинг учун оғзини кавишдай очиб, додлагани-додлаган...

Ҳусейн оға ўйлашиб қолди.

— Яхши, яхши,— пичирлади у.— Эҳ, Маҳмуд, Маҳмуд!.. Шундай кап-катта бола йиғлашга уялмайсанми?

Оға чопонининг чўнтагига қўлини суқиб, бир қисим майиз олди-да, болага узатди.

Хвичо икки қўлини баравар узатди, майизни олиб, бир қисмини яшириб, қолганини ея бошлади.

Ҳусейн оға диққат билан болани бошдан-бёқ кузатиб чиқди: мушакларини ушлаб кўрди, оғзини очириб тишларини текширди. Оға мамнуният билан жилмайиб қўйди.

— Жуда келишган, бақувват бола! Ажойиб мамлук бўлади!— деди Али афанди.

Хусейн оға Хвичога айёрона қараб қўйиб, лабини тишлади.

— Атайлаб Селик афандига деб олиб келдим! У ҳозир келиб қолса керак!— сипогарчилик билан қўшиб қўйди Али афанди.

Хусейн оға гўё: «ўғлим, ўзинг тушуниб турибсан, биз иккимиз савдода итдек олишавериб пишиб кетганмиз, шундай экан, бир-биримизни асло алдаёлмаймиз», дегандек бир қараб қўйди гўдакка.

— Яхши, яхши афандим!— дея жавоб қилди Хусейн оға ва бирмунча ўйланиб тургач болага шундай деди:— Хўш, болакай, кураш тушишни биласанми?

Хвичо саволга тушунмади. Атрофни ўраб олганлар гап нимадалигини тушунтиришгач, бола «ҳа» дегандек бошини силкиб қўйди.

— Офарин! Қани афандим, бўлмаса уни биров билан кураш туширамиз.

— Марҳамат,— жавоб қилди Али,— лекин ким билан? Бирорта тутқун биланми?

— Йўқ, йўқ?.. Яхшиси ерликлар билан... Қани, югуринглар! Бирон болани олиб келинглар! Бирон болани олиб келинглар-чи!— қичқирди оға.

Назоратчилар тўрт томонга югуриб кетишди, тезда ўн уч, ўн тўрт ёшдаги бир турк болани олиб келишди.

— Бу тўғри келмайди,— деди Али афанди,— у катта.

— Маҳмуд, шу бола билан кураш тушасанми?— деб сўради Хусейн оға.

Хвичо жилмайди ва яна бош силкиди. Бу иккинчи марта ўғирланган фалокатли тундан буён биринчи бор жилмайиши эди унинг.

— Агар уни йиқитсанг, мукофот оласан!— деди оға чўнтагидан кумуш тангани чиқариб уни гиж-гижларкан.

Гарчи турк боланинг бўйи Хвичодан баланд бўлмаса-да, ундан катталиги ҳамда анча бақувватлиги кўриниб турарди.

Бола кичкина тутқунчага қараб қўйди-ю, қовоғини солди, Хвичо бўлса лочин қараш билан унга тикилди.

— Хўш... кураш туширамизми?— деди кекса оға жонланиб.

— Кучлари тенг эмас, Хусейн оға!— деди Али Юсуф

иккиланиб.— Йўл юриб, ҳориб келган ёш бола шундай азамат билан беллашсинми?

— Бола қарши эмас, ўзига ишонгани кўриниб турибди. Иккиланма!— деди Ҳусейн оға.

Али афанди базўр рози бўлди.

Рақиблар учрашди. Усмонли Хвичони белидан олиб, бир зумда уни ердан узди. Ҳаммаларига Усмонли ҳозир болани ерга отиб майиб қиладигандек бўлиб кўринди.

— Кучлари тенг эмас, деб айтмовдимми,— жаврарди Али афанди.

Кутилмаганда Хвичо сал гандираклади-ю, лекин оёғини тираб қолиб, йиқилмади. Усмонли бола ҳушини йиғиб олгунча бўлмай, Хвичо унга ташланди, маҳкам қучоқлаганча чалиб йиқитди.

Қаҳ-қаҳ кўтарилди. Али афанди яйраб кетди.

— Яхши-яхши!..— деди одатдагича оҳисталик билан Ҳусейн оға ва болага тангани узатди.

— Хўш, энди қалайсиз?— деди оға Али Юсуфга.

Али афанди елкаларини ростлаб гўё:

«Қанақалигини кўрдингми? Айёрлик қилишнинг нима кераги бор? Иккимиз бир меванинг икки палласимиз. Бари бир ҳеч нарса чиқаролмайсан, панд бераман деб ўйламай қўяқол», дегандек лабини қимтиб қўйди.

— Оға, ахир мен сенга ҳозиргина қандай замона эканлигини айтдим-ку. Молларнинг нархи кундан-кунга ошиб кетяпти. Селик афанди эса...

— Чўпчагингни қўй, худонинг қаҳрини келтирма!— унинг сўзини бўлди Ҳусейн оға.— Сен савдогарсан, мол сеники, мен харидорман — пул меники! Нарҳини айт!

— Бўлгани,— Али афанди унга панжаларини ёйиб кўрсатди.

— Худоё тавба!.. Худоё тавба!.. Афандим, сенга нима бўлди?— ажабланди оға.— Бунча пулга ўнтасини сотиб оламан!

— Ихтиёр ўзингда. Мақтанмайман, мана, мол кўз олдингда турибди! Қим учун сотиб олишингни биламан. Бундан яхшисини тополмайсан, ишонавер!

«Менга нима бўлди? Нима учун мен бу бемаъни курашни бошладим-а?— деб хаёлидан ўтказди Ҳусейн оға.— Лекин бунинг фойдаси ҳам бор! Молнинг қандайлигига ишонч ҳосил қилдим... Кел, юз-икки юз қурушни баҳридан ўтсам ўтарман!» ўзига тасалли берди оға.

— Али афанди!— у қулфурушга мурожаат қилиб,

таклиф қиладиган нархини бармоқларини ёзиб кўрсатди.

— Йўқ, бўлмайди! Кема эгасига ҳам озмунча ҳақ тўлаганим йўқ!— деб эътироз билдирди Али Юсуф.

— Нима, сен фақат унинг ўзини олиб келдингми?

— Ҳар ҳолда...

— Қанча бўлса бўлади?

— Бир куруш камига ҳам бўлмайди.

— Ҳо, кўнгилларини қаранг-у!..— деди харидор аччиғланиб.

— Инсофга кел-да, Ҳусейн оға! Берган баҳойингни қара-ю! Ахир, ўзинг ўйлаб кўр: Потти пошшосига тўхфа қилган ёлғиз бир кийимлик кимхобимнинг ўзи эллик тилла туради-я!

Ҳусейн оға болани қайтадан кўздан кечирди, уни майдонда у ёқ-бу ёққа юришга, чопишга ва сакрашга мажбур этди.

— Яхши, яхши! Бундан ҳақиқий мамлук чиқар экан!— деган хулосага келди савдогар ҳассасини ерга дўқиллатиб ураркан. Сўнгра Ҳусейн оға Али Юсуфни бир чеккага чақириб олиб; унга бир ҳамён тиллани берди ва Хвичони олиб кетди. Бола бажонудил унга эргашди.

XIII

Мамлукларнинг машҳур лашкарбошиси Алибей олтин суви югуртирилган, феруза ва ёқут тошлар билан безалган тахтиравонда чилим чекиб ўтирар эди. У чуқур хаёлга ботганди. Худо олдида ҳисоб бергандек, очигини айтганда ҳақиқатан ҳам кўп нарсалар ҳақида ўйлаши керак эди у. Ахир у эндиликда бутун Миср ўлкасига ҳукмдор эди-да. Алибей турли музофотларни бошқариб турган бекларни ҳам ўзига бўйсундирган ва султоннинг ноибни бўлмиш Миср подшосининг қўллашидан фойдаланиб, ўзини мустақил деб эълон қилганди. Бунинг натижасида султон ҳокимияти ва Миср подшосининг ҳукмронлиги йўққа чиққан эди. Лекин униси ҳам, буниси ҳам Алибейга қарши бирон-бир чора қўллашга журъат этиша олмасди, чунки барча куч мамлуклар қўлида эди, куч эса тоғни талқон қилишга қодир! Мамлуклар сони ўша йилларда ўн икки минг кишига етган эди. Улар бутун Миср бўйлаб таралган эдилар. Мамлуклар полкларга қўмондонлик қилар, раъият

ишларида ҳам юқори лавозимларни эгаллагандилар, хулласи калом улар мамлакатнинг чекланмаган хўжайинлари эдилар.

«Мамлук» сўзи арабчада «тутқун» демакдир. Ун учинчи асрда Миср султони Малик Солиҳ мўғуллардан бир неча минг турон ва кавказ элатидан бўлган асирларни сотиб олиб, шу йўл билан ўзининг қўшинини кучайтирган, ҳатто бу қўшин унинг ўзи учун ҳам хавфли бўлиб қолган. 1250 йилда Миср султони Турон шоҳ мамлукларнинг розилигини олмай туриб Салб юришининг сардори Людовик IX билан сулҳ тузади, шунда бундан ғазабланган мамлуклар Турон шоҳни ўлдиришиб, ўз ораларидан Эйбекни сайлаб, уни султон деб эълон қилишади. Шундан буён Мисрда мамлуклар ҳукмронлиги бошланган. 1517 йили Туркия султони Салим I Мисрни ишғол қилиб, ҳокимият тепасига ўз пошшосини ўтқазган бўлса-да, вилоят бошлиқлари лавозимига мамлуклар сайлаб берган йигирма тўрт бекни тайинлашга мажбур бўлган; тез кунда бу беклар бутун мамлакатни бошқара бошлаганлар. Алибей бошчилигидаги мамлуклар ўзларини бутунлай мустақил деб эълон қилиб, Туркиядан ажраб чиқдилар. Улар азбаройи кучайиб кетганликларидан ҳеч ким билан мутлақо ҳисоблашмай қўйдилар.

Мамлуклар ўз сафларини тўлдириш учун ёшларни, бақувват ўсмирларни жон деб сотиб олишарди, бўлажак жангчиларни тегишли даражада тарбиялаб, чиниқтирар эдилар. Улар кавказликларни афзал кўрар эдилар.

Сарой амалдори кириб, Алибейга икки букилиб таъзим қилди.

— Амирим, бир савдогар сизни йўқлаб келди,— деб хабар берди эҳтиром билан.

Алибей чилим найини дарҳол оғзидан олди.

— Ҳусейн оғами? Чақир уни тезроқ,— деб буюрди Алибей,— у Истамбулдан келган бўлса керак. Ажабо, қандай янгиликлар келтирдийкин?— Алибей жилмайиб қўйди.

У чилимни суриб қўйиши биланоқ, Ҳусейн оға пайдо бўлди.

— Салом алайкум, буюк ҳукмдор!— деди савдогар икки букилиб ва қўлларини олдин кўксига, кейин пешонасига қўйиб таъзим қиларкан.

— О-о! Эски қадрдоним Ҳусейн, сени кўришдан гоёя хурсандман. Сенинг ташрифинг бизнинг истагимиз бўл-

са-да, сўнгги вақтларда жуда камнамо бўлиб кетдинг. Бу ёққа ўт, қадрдон оға, манави ерга ўтир,— дея Алибей гилам устида ётган кимхоб якандозни кўрсатди.

Ҳусейн оға ўтирди.

— Хўш, нима гаплар? Истамбулдамидинг?

— Ҳозиргина ўша ердан келдим, ҳукмдорим!

Алибей қошларини чимирди.

— Қандай янгиликлар бор, дўстим Ҳусейн? Подшонинг кайфиятлари қандай? У мендан қаттиқ хафа эмасми?

Ҳусейн бош чайқаб, жилмайиб қўйди.

— Ахир унинг бизга унчалик хайрихоҳ эмаслиги ажабланарлимикин? Бунинг яширадиган жойи йўқ — бу ҳақда бутун дунё билади.

— Қандай бўлишимиз керак, оға, нима қилмоқ керак?— сипогарчилик билан давом этди Алибей.— Вақт ўз ишини қилади, деганлари тўғри. Биз ҳаммамиз — бу дунёда вақтинча меҳмонмиз. Менинг фикрим шундай: ё биз муносиб равишда яшамоғимиз, ёхуд мутлақо ҳаётдан воз кечмоғимиз лозим! Агар биз ҳақиқатан ҳам Мисрнинг хўжайини ва ҳукмдори бўлсак, унда бизга энага ва тоғанинг кераги йўқ. Худога шукур, биз ақли тўлган ёшдамиз! Башарти ҳокимият подшоҳ ва унинг пошшоси қўлида бўлса, майли, ўзлари бошқараверишсин. Унда мамлуклар нима учун керак? Ҳусейн, ўзинг яхши биласан, мамлукларнинг бировлар олдида мулозимат ва хушомадгўйлик қилмоққа эҳтиёжлари йўқ. Мамлукнинг садоқатли дўсти — ҳамиша ўзи билан бирга олиб юрадиган ўткир қиличидир. Душман қонига беланган қиличини қўлида тутганча жонини худога фидо қилган мамлуккина — ҳақиқий мамлукдир. Шунинг учун ҳам биз ҳеч кимнинг ҳузурида, ҳатто подшоҳнинг олдида ҳам ўзимизни пастга урган эмасмиз. Ҳозирча ҳаёт эканмиз — яшайверамиз, ажалимиз етса — ўламиз. Мен энди ёш эмасман, ўн беш ёшимдан буён жангу-жадаллар ичидаман. Жангга чорловчи карнай овозини эшитсам бас, кекса қалбим кучга тўлиб, гупиллаб ура бошлайди, яна отга миниб, қилич яланғочлаб, жасур биродарларим мамлуклар билан жангга ташлангим келади, агар лозим бўлса худо йўлига жонимни фидо этишга ҳам тайёрман,— Алибей тобора тўлқинланиб давом этарди сўзида.— Хўш, дўстим, савдолар қалай, сафаринг қалай бўлди?— деб сўради у.

— Емонмас, ҳукмдор. Денгиздан эсон-омон сузиб ўтдик. Аммо савдомиз зарардан иборат бўлди. Мол кам, ҳукмдор. Гуржистондан тутқун йўқ деса бўлади,— деб сўзини тугатди Ҳусейн оға ғамгин.

— Нима учун?— ажабланди Алибей.

— Ҳукмдорим, айтишларига қараганда, гуржи шоҳлари тобора кучайиб бораётган эмиш! Улар эрон ва усмонлиларга хирож тўлашдан бош тортяпганмиш. Шоҳ Аббос юришидан сўнг, кўпчилик Гуржистон абадий дафн этилди деб ўйлашганди... Аммо бу мамлакатга бир назар ташланг! Дафн этилган қаёқда? Мамлакат мустаҳкамланиб, қайтадан тикланыпти. Гуржилар неча бор қизил бошларни енгганлар ва... ҳатто... ё, танграм!.. усмонли ислом қўшинини ҳам...— деди Ҳусейн оға не машаққат билан.

— Жуда қайғули ҳол!— деб хўрсинди Алибей ва алам билан пешанасига уриб қўйди.— Агар гуржилар оёққа туриб олишган бўлса, у ердан тутқунларни харид қилиб бўлмаслик турган гап. Қул савдоси фақат мамлакатда бебошлик, ғалаён авж олган шароитдагина бўлиши мумкин. Буни ўзинг ҳам яхши биласан. Башарти халқ аҳил ва кучли бўлса, ҳар бир киши иккинчисига ишонади, умум хотиржамлилигини қадрлайдилар. Ахир шундай халқ ўз фарзандларини сотармиди? Қайси виждонли она ўз боласини сотган! Бу албатта шундайку-я, лекин бунинг бари биз учун тасалли бўлса мусулмон эмасман,— деб Алибей чилимга қўл узатди.

— Лекин мен сизнинг ҳузурингизга қуруқ қўл билан келсам, нур сочиб турган чехраингизга ва қуёшдек порлаб турган кўзларингизга боқишга қандай журъат этардим,— эҳтиром билан деди Ҳусейн.— Мен сизга гуржистонлик бир болани олиб келдим.

— Болани дейсанми? Кичкинами?— қувониб сўради Алибей ва кўзлари чақнаб кетди.

— Ҳа, ҳукмдор, кичкинагина. тўққиз-ўн ёшларда.

— Офарин, азизим Ҳусейн.. Сенинг ҳузуримга қуруқ қўл билан келмаслигингга имоним ҳомил эди... Қани у?

— Мулозимларингиз ёнида қолдиргандим.

— Дарров олиб келишсин уни,— шошилиб буюрди Алибей.

Бир оздан сўнг ҳашаматли зал эшиги олдида Маҳмуд деб аталган Хвичо пайдо бўлди. Бола чўмилтирил-

ган, сочлари таралган, устида ола тўн. Ҳожи дўппи ҳам боланинг бошини безаб турарди.

Хвичо остонадан ўтиши биланоқ қўлларини кўкрагига қўйиб, икки букилиб таъзим қилди.

— Оҳ, менинг гуржи жужуғим, баракалла, баракалла!— деб хитоб қилди Алибей.

— Қимматбаҳо тортигинг учун, гўдакни бизнинг урф-одат ва тартибларимизга ўргатганинг учун ташақкур сенга бой. Сен уни жуда яхши кийинтирибсан! Бу жужуғимнинг исми нима?

— Исми Маҳмуд, ҳукмдор,— деб жавоб қилди Ҳусейн оға.

— Маҳмуд! — деб чақирди Алибей.

Гўдак яна қўлларини кўксига қўйиб, бошини эгди.

Алибей бағоят завқланди.

— Ажабо, у бизнинг удумимизни жуда тез ўрганиб олибди-ку!

— Мен уни йўлда ўргатдим,— изоҳ берди Ҳусейн оға.— Ҳар қалай, гуржиларнинг истеъдодли халқ эканлигига тан бермоқ керак. Уларга бир марта айтилса бас, шунинг ўзи етарли. Бу боланинг ўз ватанидан чиққанига унча кўп вақт ўтмаган бўлса-да, у туркча гапирадиган бўлиб қолган.

— Раҳмат, раҳмат сенга, оға,— мамнуният билан такрорлади Алибей,— сен савдогар эмас, сеҳргарсан, худо ҳаққи! Сен бирон жойда мактабдорлик қилсанг ҳам бўлади... Қани, жужуғим, яқинроқ кел-чи,— деди эркалаб Алибей.

Хвичо қўрқа-писа олға қадам ташлади. У ҳеч қачон бундай ҳашаматли хонада бўлган эмас, шунинг учун у хижолат гирдобиди қолганди.

Алибей болани кўздан кечирди ва унинг бошини силади. Бола эса порлаб турган кўзларини Алибейдан узоқласди.

— Буни қара-я, Ҳусейн! Бу ахир жангчи-ку, ҳақиқий жангчининг ўзи, туғма мамлук!— хурсандлик билан хитоб қилди кекса лашкарбоши Хвичонинг мушаққларини ушлаб кўраркан.

— Яна шуни унутмаслик керакки, ҳукмдор, бола йўлда ниҳоятда азобланган, бир жойдан иккинчи жойга сургаб кўп қийнашган. Менинг қўлимга келиб семириб қолгани, бўлмаса қуруқ суяк билан териси қолган эди. Баъзи савдогарлар тутқунларга муомала қилишни би-

лишмайди, ҳукмдор. Айниқса болалар эҳтиёткорликни талаб қиладилар. Савдогарлар эса уларга қўпол муомала қилишади, овқат беришмайди, яхши кийдиришмайди. Ҳар ҳолда, одамнинг ҳайвондан фарқи бўлиши керак! Бундан ташқари, савдогар ўз манфаати учун ҳам олувчига молни харидоргир қилиб кўрсатиши керак. Буни тушунмайдиган тентаклар ҳам бор!

— Тўппа-тўғри, худо ҳаққи, тўғри! Мен сени сеҳргарсан деб айтдим-ку,— мамнуният билан тасдиқлади Алибей.— От минишни биласанми?— деб сўради у боладан.

— Биламан!— дея дадил жавоб берди бола.

— Мен сени шундай отга миндираманки, у отнинг бу дунёда тенги бўлмайди. Қимматбаҳо кийимлар кийдираман, хоҳлаганингча едириб, ичираман. Фақат ақлли бола бўл,— деди Алибей кичкина тутқунга ва савдогарга мурожаат қилди:— Болакай менга жуда маъқул. Уни мен ўзим тарбиялайман. Ажойиб мамлук бўлади у. Сени рози қиламан, Ҳусейн оға, ҳа, бунинг эвазига арзийдиган совғалар бераман. Ҳей! Менга хазиначини чақиринглар!.. Менга қандай маслаҳат берасан, оға? Болани ҳозирданоқ домлага бериб ўқитсам, шариат-тариқат йўллариини ўрганса яхши бўлармикин?

— Оқилона фикр, улуғ ҳукмдор! Лекин менинг фикримча, дастлабки кунданоқ ҳарбий ишларни ҳам ўргатилса ёмон бўлмасди унга.

— Албатта, албатта! Мен эртагаёқ қуролсозимга айтиб, керакли яроғ-аслаҳаларни тайёрлашни буюраман, болага қурол олиб юришни, ундан фойдаланишни ўргата бошлаймиз. Сен-чи, Маҳмуд, ўзингга эҳтиёт бўл. Бу ерда катта дарё бор, бу сенинг ватанингдаги шилдираб оқадиган сойлардан эмас. Бу дарёда ўткир тишли жуда катта тимсоҳлар борки, нақ тутган ўлжасини суякларигача гажиб ташлайди.

Шилдираб оқадиган сой деган сўзни эшитиб Хвичо Техури дарёсини ва туғилиб ўсган жойларини эслади... «Эчкиларимиз қаердайкин?— боланинг фикридан ўтди.— Уларни энди ким ўтлатаётганикин? Ота-онам қандай яшаётганикин, мени эслашармикин, ёки унутиб юборишдимикин?.. Падар Маркоз тирикмикин?.. Марика хола қаердайкин? Лерцамиса-чи?..».

У падар Маркознинг боғидаги нокни эслади, уни жуда яхши кўрарди... Ҳар куни эрталаб ёш дарахтнинг

олдига келиб, унга салом берарди, у билан ўртоғи билан гаплашгандай суҳбатлашарди, кетаётганида эса хайрлашарди. Хвичо кемадаги саёҳатини, уни ўз ўғилларидек эркалаган, энг сўнгги бурда нонларини ҳам у билан бўлашиб еган Саломэ билан Резони ҳам эслади. Улардан ажралиш қандай қайғули бўлганди!.. Ушанда қанча йиғлади у! Бундай қайғуни Хвичо биринчи ўғирланганида ҳам бошдан кечирмаганди... Бола шуларнинг ҳаммасини эсларкан, кўзлари жиққа ёшга тўлди.

Алибей буни сезди... Гуё унинг чеҳрасидан қайғули ҳаёт қиссасини уқигандек бўлди. Алибей болани мулоимлик билан эркалади.

Хвичо аччиқ-аччиқ йиғлади.

XIV

Орадан ўттиз йил ўтиб кетди.

Қоҳира шаҳрининг шарқ томонидаги Мокотам тоғ тизмаларининг ён бағрида қалин деворли, баланд-баланд минорали Салоҳиддин қалъаси мағрур юксалиб турарди.

Қунлардан бир куни қалъа олдидаги майдон одамларга лик тўлди. Бу ерга Мисрнинг ҳамма музофотларидан мамлукларнинг энг машҳур вакиллари тўпланган эди. Булар беклар, минг боши, юзбоши ва танланган жангчилар эди. Мамлуклар гуруҳ-гуруҳ бўлиб майдон бўйлаб кезишар ва баҳслашар эдилар. Баъзилари қизишиб, бошқалари осойишта суҳбатлашардилар. Қандайдир жуда муҳим масалани ҳал қилиш олдида турганликлари аниқ эди.

Мана, қалъа минораларидан бирида байроқ ҳилпирай бошлади. Мамлуклар уни қаттиқ ҳайқириб табриклашди. Гаплар ва тортишувлар ўша ондаёқ тўхтади, жангчилар ўз бўлимлари бўйича саф торта бошладилар. Майдон ўртасида пиёда ва майдон четида отлиқлар сафландилар. Ҳаммалари қуролланган эдилар.

Бир оздан кейин қалъа деворларида беклар пайдо бўлишди. Улар қўшинга табрик сўзлари билан мурожаат қилишди. Уларга мамлуклар шавқ-завқ, хитоб билан жавоб қилишди.

Тез орада ясатилган тахтиравонни олиб чиқишди. Мамлуклар қотиб қолишди, тахтиравонни девор устига қўйишди. Ундан оддий чопон кийган, оқ соқолли, қотма-

гина мўйсафид секин-аста тушди. Унинг бошидаги салласи оппоқ, белида эса олтин ҳал юритилган камалак-симон қилич осиялиқ. Бу Алибей вафотидан сўнг мамлукларга бошлиқ қилиб сайланган Саид Умарбей эди.

Умарбей хизматкорларига тахтиравонни олиб кетишларини имо қилди, қиличини ўнглаб, кунгурали девор чеккасига яқинлашди ва жангчилар билан саломлашди.

— Яшасин донишманд Саид! Яшасин, енгилмас мамлуклар!— деган садолар янгради.

Бошлиқни беклар ўраб олишди: Умар Саид майдонга саф тортган пиеда ва отлиқ аскарларни назардан кечирди, унинг кўзлари чақнарди. Лашкарларнинг сони бир неча минг бор эди. Жангчиларнинг ярқироқ либослари ва бошларидаги саллалари дабдабали манзара кашф этганди.

— Худоё шукур, яратган Раҳмон эгамга шукур!— деди Умарбей тантанавор ва қўлини кўкка кўтарди. Унинг овози жарангдор ва аниқ эди.

— Худога шукур!— деб жавоб қилишди жангчилар.

— Яшасин зафар келтирувчи мамлуклар!— хитоб қилди Умар Саид.

Тантанали чақириқлар бир минут ҳам узилмади.

Умарбей бир он кутиб турди, сўнгра тинчлик ҳукм сургач, майдонда тўпланганларга қарата нутқ сўзлади:

— Мамлуклар!

Жангчилар нафасларини ичларига ютдилар. Ҳатто отлар ҳам қотиб қолди.

— Пайғамбар туғи жангчиларимизга мадад бергай. Мамлукларнинг қаҳрамонлиги, жасорати душманларни даҳшатга солмоқда. Подшоҳдан тортиб то ваҳший Хартум қабилаларигача — ҳаммалари ожизликдан, ҳасаддан тишларини ғижирлатмоқдалар. Аммо пайғамбар бизни марҳаматидан маҳрум қилганича йўқ ҳали, душманга зарба беришда бизга мадад бераётир. Пайғамбар туғи тепамизда мағрур ҳилпирамоқда. Агар биз ҳамиша бир ёқадан бош чиқариб, фидокорлик ва жасорат кўрсатсак, бундан буён ҳам пайғамбаримиз бизларга раҳнамо бўлғусидир.

— Яшасин Умар Саид! Яшасин ботир мамлуклар!— деган кучли садолар янгради.

— Ўғлонларим, мамлуклар,— деб давом этди Умар Саид,— ҳаммаиғизга маълумки, худо ва пайғамбари-

миздан сўнг бизнинг ишончимиз, суянчигимиз билагимиз ва шамширимиздир. Аммо биз тажрибалардан шуни ҳам биламизки, жангчиларимиз қанча кўп, қўлларимиз қанча бақувват ва қиличларимиз қанча ўткир бўлмасин, уни муносиб сардор бошқармас экан, бари бир заифдир у. Мамлуклар, бизнинг бирдан-бир устунлигимиз шундаки, биз ҳамиша муносиб бошлиқларни танлашни биламиз... Биз уларни танлашда ҳеч қачон насл-насаби ва тағи-зотини ҳисобга олмаймиз. Сардоримиз жасоратда, ўз ишимизга садоқатда, доноликда ўрناк кўрсатиши лозим. Бугун ҳаммамиз зўр мотамдамиз: шонли лашкарбошимиз, фидокор мамлук Фив ҳокими — Бакирбейни пайғамбар ўз ҳузурига чорлади. Ҳозир Бакирбейнинг жони жаннат ҳаловатида, янгиланган жасади эса ҳури-ғилмонлар орасида. Бу дунёда қолган бизларга эса унинг ўрнини боса оладиган бошлиқ керак. Марҳум Бакирбей ўрнига янги сардор сайлашимиз керак. Биродарлар, ворисликка муносиб одамни кўрсатинглар. Токи ғуборсиз Миср осмони остида яшарканмиз, токи азим Нил дарёси ҳаётбахш сувини ўйноқи тўлқинлар билан денгизга қуйиб тураркан, худойи таолло ва пайғамбаримиз ўз паноҳида асрагай бизни. Гуноҳларимиздан ўтувчи тангри ўз марҳаматидан бенасиб қилмагай бизни! — дея фотиҳа тортди Умарбей Саид сўзини тамомларкан.

Жангчилар ўртасида шивир-шивир бошланди:

— Яхшиси ўзи айтсин...

— Мамлуклар! — тўсатдан каттиқ овоз эшитилди ва зулукдек қора от минган мўйсафид олдинга чиқди.

Яна жимлик чўкди.

— Мамлуклар! Сиута хирож тўлашдан бош тортган чоғдан буён йигирма йил ўтди... У вақтда мен ёш эдим... У гомарлар ва бошқа қора танли қабилалар билан иттифоқлашиб, биз билан куч синашишга қарор қилганди. Душманга қарши икки минг мамлук юборилган эди. Шулар орасида мен ҳам бор эдим. Биз Сиута қалъасини қамал қилиб, уни мухосар қилмоқчи эдик. Аммо бунга бажариш осон эмасди. Душман найзабозларнинг сардори маъжусий Чинор Теми чап қанотимизни айланиб ўтиб, тик қоялар билан Сиута ўртасидаги боши берк кўчага қисиб қўйишганди бизни. Отлиқларимиз турган жойларидан жилолмай қолдилар, қалъа деворларидан эса ёниб турган чала ва тошларни ёғдирар эдилар. Биз ғоятда хатарли аҳволда қолгандик. Мам-

луклар, ўшанда қалъа деворига биринчи чиққан ва душманни чопа бошлаган ким эди? Қаҳрамоннинг орқасидан бошқа жангчилар эргашгандилар. Улар қалъага кириб дарвозани очишганди, биз ғалаба қозонгандик. Ўшанда ўша мамлук юзбоши қилиб тайинланган эди. Ким эди ўша?

— Маҳмуд! Маҳмуд!— дея бутун майдон ғулдуради.

— Мамлуклар!— деган товуш отликлар орасидан эшитилди ва қиёфаси салобатли бир сариқ соқолли жангчи олдинга чиқди. Унинг остидаги айғири гижинглаб, елиб кетишдан аранг тийиб турарди ўзини.

Мамлуклар йўл беришди, отлик жиловни бўшатгач, от ҳам тинчланди.

— Сафдошлар ва биродарлар, сизлар менинг ҳам сўзимга қулоқ соларсизлар деган умиддаман,— деди сариқ соқолли.— Бў даҳшатли, гиёҳ унмас даштда, шу қоялар, қадимий қаср ҳамда қабристон харобалари орасида зумраддек порлаб турган, серҳосил узумзорлар, хурмозорлар ва буғдойзорлар билан қопланган ям-яшил гўзал водий — Мисрдир. Мамлуклар, улуг пайғамбаримиз бу ўлкани бизнинг қилич ва туғимизга тобеъ этган. Хайқириб оқаётган Нил дарёси бизнинг мамлакатимизда бўлаётган ўзгаришлар ҳақидаги хабарни денгизга олиб бораркан, у бизнинг бирдамлигимиз, қўрқув билмас жасоратимиз ҳақида хабарни бепоеъ денгиз ва бутун дунёга етказмоқ учун ошиқмоқда. Нил яна нималар ҳақида хабар бериши мумкин? Албатта менинг ажойиб бобом билан улуг катта бобом ҳақида эмас! Ахир қайси наслдан эканлигимни ўзим ҳам билмайман, фақат шуниси маълумки, мен мамлукман. Шамширим отам, билагим қувватим, сизлар билан садоқатли дўстлигим, биродарлар,— ғалабам.

— Ура, ура!— садолари янгради сафларда.

— Бизнинг ҳукмдоримиз, раҳнаомимиз ва устозимиз Умарбей тўғри айтяпти албатта,— давом этди сариқ соқолли сувори.— Шонли жангчиларга муносиб саркарда керак. Довюрак саркарда бир бутун қўшинга тенг! Ишонаманки, кўпларингиз эсласангиз керак, Ассунда қилган жангимиздан буён атиги ўн йил ўтди. Тишларини ваҳшиёна ғижирлатиб ва ваҳшиёна қичқиритиб қора танлилар ташлангандилар бизга. Биз уларга қатъий зарба бердик. Шамширларимизнинг ялтираши қуёш шуъласи билан баҳслашганди ўшанда. Найзабозлик

жанги чўзилиб кетди. Сон-саноқсиз душман, чигиртка галаларидек устимизга бостириб келмоқда эди. Биз мингтасини чоғиб ташласақ, икки мингги ёпириларди устимизга. Буларни ҳам тўзитиб юборсак — бизга қарши беш минг янгиси бош кўтарарди. Жангчиларимиз толиқиб ва бўшашиб қолишди. Мағрурона ҳилпираб турган туғимиз қийшайиб қолгандай — тақдир биздан юз ўгиргандек бўлиб кўринарди. Мен тирсагимда оғриқ сездим, қиличимни ҳам ишлата олмай қолдим... Қўлимдан шарқираб қон оқмоқда эди... руҳлантирувчи наъралар эшитилмай қолганди. Шунда мен атрофга қарадим... Оҳ, кўзларимнинг кўр бўлгани яхши эди буни кўргандан! Мамлукларнинг шон-шарафи бўлмиш Бакирбей қора танлининг найзаси зарбидан отдан қулади... Мамлуклар орасида саросималик сэхир бўлди. Яна бир дақиқа ўтса, биз душмanning олдига тушиб қочган бўлардик... Мамлуклар! Ушанда бургутнинг қурқуллашига ўхшаган овоз билан наъра тортиб, бизни жангга даъват этган юзбоши ёдингиздами? У қилич ўйнатиб худди каптарлар галасига човт солганди, лочиндай душман орасига урганди ўзини.

Бизникилар руҳланиб, сопқондан отилган тошдай, унинг орқасидан қора танлиларнинг сафини ёриб ўтгандилар. Шунда яна бизнинг байроғимиз мағрур ҳилпирай бошлаганди. Уша юзбоши ким эди?

— Маҳмуд! Маҳмуд! — деган овозлар майдон бўйлаб янгради.

— Мамлуклар! — яна кимнингдир овози янгради. — Фив харобаларидан қуйироқда турганди бўлинамиз. Бизни душман қуршаб олганди. Орқа томонда сергак турган ашаддий душманимиз занжи Шоадан мадад олган, атбар қабилалари бизга қарши ҳужумга тайёрланмоқда эди. Марҳум Бакирбей, — илоҳим жойи жаннатда бўлсин — бизни уятга қўйиб, душманга ҳужум қилишга журъат этолмади. Душман иккиланиб қолганимизни сизди шекилли, бизни ўраб олиб, ҳалқани қиса бошлади, биз қимир этолмай қолдик. Қаршимизда икки йўлдан бири қолганди: ё қурооларни душманга топшириш ёки душман қуршовини ёриб ўтиш. Мамлуклар, ўшанда: «Ортимдан, олға биродарлар!» — деб, қилич ўйнатиб тўппа-тўғри занжилар сардори Гутжар-Хатуға устига от солган ва бир зарб билан унинг бошини сапчадай узиб ташлаган ким эди?..

— Маҳмуд! Маҳмуд!— деган овозлар тантанавор янграб кетди яна.

Шунда аъёнлар қуршовида турган Умарбей Саид мамлукларга мурожаат қилди:

— Оламни яратган пушти паноҳимизга шукурлар бўлсин! — у тантанавор ваъз қилди. — Ҳаммаси равшан: халқ овози — худо овози! Тангрининг хуш кўрган бандалари — мамлуклар шундай қарорга келган экан, улфрининг айтгани бўлсин! Биродаримиз ҳамда сафдошимиз Маҳмудбей омон бўлсин.

Қувончли ҳайқириқларнинг ниҳояси йўқ эди. Умар Саид белидан қиличини ечди. У мамлуклар орасида осоишталик қарор топгач, овозининг бориचा:

— Маҳмудбей!— деб чақирди.

Мамлуклар сафи чекилиб, отлиққа йўл беришди. Олтин тусли саман от минган, қадди-қомати келишган сувори олдинга чиқди. Унинг эғнида ола байроқ шоҳи тўн, бошида қизил ҳожи дўппи. Салгина жингала сочли, қирра бурун, оқ юзли ва қўнғир кўзли, юқори мартабага сайланган бу суворининг на турк ва на араб авлодидан эмаслигига шубҳа йўқ эди.

Маҳмуднинг ҳаяжонланаётгани сезилиб турарди. У қизишиб ўйноқлаб, кўкка сапчиётган отини маҳкам жловидан тортиб турарди.

Умар Саид отлиққа қиличини улоқтираркан:— «Илиб ол!»— деб хитоб қилди. Олтин суви юритилган қини ярқираб кетди.

Маҳмудбей чаққонлик билан қилични илиб олди.

Яна ҳаяжонли ҳайқириқлар янгради, мамлуклар Маҳмудбейни ўраб олишди.

XV

Қоҳиранинг феруза саройига йигирма тўрт бекнинг ҳаммаси тўпланди.

Бошлиқлар сардори Умарбей Саид ҳаяжонланган ва ғазабланган қиёфада уларга мурожаат қилди:

— Сайланган сардорлар! Кутилмаганда бошимизга даҳшатли бахтсизлик тушганини ўзингиз ҳам эшитгандирсиз. Фарангистон шоҳлар шоҳи — Наполеон Бонапарт ўз қўшинини Искандарияга туширди. У жадаллик билан Қоҳирага яқинлашмоқда. Кўп жангларда чиниққан, синалган ва ўзининг ғалабалари билан шон-шух-

рат таратган, мағрурликка ботган даҳшатли душман бостириб келяпти устимизга. Ёшликдан жангга кўникиб кетган сиз мамлукларга нима ҳам дердим? Зўр душман тажовуз қияпти... Бизнинг жавобимиз фақат битта бўлиш мумкин: уни ўткир туғларимиз билан қарши олишимиз лозим! Мамлуклар! Бизнинг ишларимизни ёмонлигини ва мамлакат ичкарисида ҳам аҳвол чатоқлигини сиздан яширишга ҳожат йўқ. Деҳқонлар орасида катта ғалаён. Баъзилар ҳалитданоқ қисқа оёқ фарангистон шаҳаншоҳининг ғалаба шарафига байрам қилмоқдалар. «Балки мамлуклар ҳукмронлигига хотима бериб, улардан халос бўлармиз!»— дейишяпти улар. Зарба бериш учун тез тайёрланиш керак... Ё пухта ўйланган режа билан қаттиқ қаршилиқ кўрсатиш, ёки шахид бўлиш қолди...

Беклар саркарданинг сўзини нафасларини ичларига ютиб тинглашди. Ҳаммалари аҳволнинг ҳақиқатан оғирлигини англашди.

— Мен фаҳламадим,— дея йигилганлар орасида энг ёши Арслонбей жимликни бузди,— қисқа оёқ шаҳаншоҳнинг бизга қарши урушишга нима мажбур этдикин? У биздан нима истайди? Биз қандай ҳалақит бердимизкин? Бизнинг мамлакат қаерда-ю, Франция қаерда?! Унинг ўзи билан ҳам, қўшинлари билан ҳам ҳеч қачон тўқнашмаганмиз-ку. Шундай олис ерга уни нима олиб келдиккин?

— Азизим Арслон, буни тушуниш жўнгина бир гап,— деб жавоб қилди унга оқ соқолли қария.— Шаҳаншоҳ бошқа халқларнинг қўшинини тор-мор қилган ва ўз номини кўкка кўтариш учун бизга қарши юриш қилган. Бу ахир барча довурак жангчиларга хос фазилат-ку.

— Хўш, нима бўпти! Майли, келса келаверсин. Биз уни яхшилаб қарши оламиз!— деб бақирди қорачадан келган Хайрбей.

— Ҳар қалай шундай, биз ундан чекинмаймиз! Мамлуклар ўлимдан қўрқмайдилар. Лекин ҳар қандай юришнинг тагида бирон муҳим сабаб ётади. Мен ўйлайманки, бу ҳужум ҳам сабабсиз эмас. Шоҳлар шоҳи Наполеоннинг Англияга уруш эълон қилмоқ ниятида эканлиги ҳақидаги хабар бизга ҳам етиб келганди-ку, ахир. Аммо ҳатто Наполеон ҳам бундай хавфли ишга қўл уришга журъат эта олмаган бўлса керак. Англияга тўғридан-тўғри зарба беришга кучи етмаслигидан, у

Англиянинг савдо-сотиғини издан чиқармоқчидир эҳтимол...— деди ўрта ёшли Қилмабей гапга аралашиб.

Унинг сўзини Маҳмудбей бўлди.

— Эҳтимол шундайдир. Аммо-лекин бунинг сабабини аниқлаб ўтиришдан ҳеч қандай фойда йўқ бизга. Фараз қилайликким, шу топда қисқа оёқли шоҳлар шоҳи ҳузуримизга келди-ю, нима учун Мисрга юриш қилганлигининг сабабини тушунтириб, изоҳ ҳам беради дейлик. Бу билан ҳеч нарса ўзгармайди. «Мен кучлиман ва сизга қарши юришга отландим. Агар кучли бўлсангиз, қани қаршилиқ қилиб кўринг-чи», дерди у.

— Биз уни муносиб равишда кутиб оламиз!— дея қичқиришди беклар қиличларига ёпишиб.

Фарангларнинг ҳужуми тўғрисидаги хабар чакмоқ тезлигида бутун Мисрга тарқалиб кетди. Қимирлашга қурбн етадиган ҳар бир мамлук урушга ҳозирлана бошлади. Сон жиҳатдан устун бўлган африкаликларни бир неча марта мағлуб этган бўлсалар-да, энди ким билан жанг қилажақларини мамлуклар яхши тушунардилар. Эндиликда бутун дунёга донғи кетган, ўша даврда энг яхши қурол, тўплар билан қуролланган Наполеон Бонапарт армияси мамлукларга қарши отланган эди. Мамлукларда эса замбараклар деярли йўқ эди. Улар ажойиб суворийликда донг таратгандилар. Мамлуклар ўлимдан қўрқмасдилар ва жангларда ажойиб қаҳрамонлик намуналарини кўрсатардилар. Бироқ қилич у қандай жасур одамнинг қўлида бўлмасин — замбаракка қарши ожиз бир қурол эди! Мамлуклар ўзларининг Мисрда ҳукмрон бўлиб қолишлари, эҳтимолки ҳаёт-мамотлари бўлажак зафар ёки мағлубиятга боғлиқ эканини жуда яхши тушунардилар. Шунинг учун ҳам улар ёвуз душман билан жон чиқарга жанг қилишга қарор бердилар.

Искандарияга қўшин туширган Бонапарт Қоҳирага томон шитоб билан жадаллаб келарди.

Қоҳира — Мисрнинг пойтахти. Арабчада уни Мазул-коҳира деб аталади, бу «зафар келтирувчи» демакдир. Шаҳар Нил дарёсининг ўнг қирғоғига жойлашган. Унга янги эранинг VII асрида араб сардори Амрул-Фостати томонидан асос солинган. Кейинроқ X асрда эса эскиси ёнига сардор Гоҳар янги шаҳар бино қилган. Бизнинг даврда эса иккала шаҳар — эскисию янгиси бирлашиб кетган.

Қоҳиранинг теварагида жойлашган, бир вақтлар ҳа-

шаматли бўлган Миср маданияти эндиликда ташландиқ бўлиб қолган. Қоҳирадан ўн—ўн беш километр жанубда қадимги Мисрликлар пойтахти — Мемфис шаҳрининг харобалари кўриниб туради. Шимол томонда, бир неча километр нарида Гелиополие харобалари бор, ғарб томонда, Нилнинг ортида эса, ўн-ўн беш километр нарида, ширяланғоч саҳро чегарасида учта ҳайбатли пирамида юксалган, улар бизнинг эрамиздан икки минг беш юз йил илгари қурилган. Бу иншоотлар ўзларининг буюклиги ва катталиги билан шу кунгача инсониятни ҳайратда қолдириб келмоқда. Энг катта пирамида — Хеопс пирамидаси бўлиб, унинг узунлиги икки юз йигирма етти метр, эни ҳам шунча, баландлиги эса бир юз ўттиз етти метрдир.

Бу пирамидалардан шимолроқда, улар билан Нил орасида жангга ҳозирланган мамлуклар саф тортишганди. Улар ўзларининг энг қимматбаҳо либосларини кийиб олган, учқур, ўйноқи отларга минган мамлуклар душманни кутиб туришар, фаранг қўшинлари кўриниши биланоқ уларга шиддатли ҳужумга отилишарди.

XVI

Маҳмудбейнинг ихтиёрида беш минг отлиқ аскар бор эди. У қўшиннинг чап томонига қўмондонлик қиларди.

Маҳмудбейга фаранг отлиқ қўшинлари билан жанг қилишга тўғри келди, олдинга улар иккиланиб ҳаракат қилдилар. Мамлукларнинг ярқироқ кийимларини кўрган фаранг отлари ҳуркиб қайсарлик қила бошлади. Саросималик бошланди. Маҳмудбей бундан фойдаланиб, қиличини яланғочлаб, олдинга ташланди, мингларча суворийларни ёриб ўтиб душманнинг энг зич ерига кириб борди. Маҳмуд фарангларни қисиб қўймоқчи, сафларини ёриб, бир қисмини ўраб олиб уни яксон қилмоқчи эди. Қамишзорлар орасида, дарё қирғоқларидаги ботқоқликка, маҳаллий шаронтга одатланмаган фаранг отлиқлари эркин ҳаракат қилолмасдилар, буни ҳисобга олган Маҳмуд жон-жаҳди билан фарангларга ҳужум қилди. Наполеоннинг отлиқ аскарлари, Маҳмудбейнинг мақсадини тушунгандек, жангни қабул қилмай, ҳимояга ўтиб олишди. Душманлар чекинишди, лекин сафларини бузмадилар ва ўзларининг бош кучлари сари интиладилар. У ерда эса замбараклар наъра тарта бошлаганди.

Жангларда чиниққан Маҳмудбей, фаранглар билан биринчи тўқнашишидаёқ нотаниш, янги тактикага тўқнашганига ишонч ҳосил қилди. Фаранг отлиқларининг ҳар бир ҳаракати, ҳар бир қадами ўйлаб босиларди. Уларнинг ҳаракати ҳисобли бўлиб, қаттиқ интизомга риоя қилардилар. Мамлуклар билан ҳар бир олишувда фаранглар зудлик билан чекинишар ва ажойиб моҳирлик билан қилич зарбини даф қилишарди.

— Ҳасан,— деб ўз ёнида жанг қилаётган юзбошилардан бирига мурожаат қилди Маҳмудбей.— Қара, ўғлим, душманлар қандай чаққонлик билан бизнинг ҳужумимизга чап беришяпти, қандай қилиб бўлмасин бизни ўзларининг бош кучлари томон алдаб олиб боришга уринишяпти. Арслон оғага чоп. У минг сувори билан Гизоҳнинг пастидаги қамиғзорда пистирмада туриб менинг буйруғимни кутсин. Агар фарангларнинг ҳийласига ҳийла билан жавоб қилмасам Маҳмуд отимни бошқа қўяман.

Ҳасан отининг бошини буриб, қамчилади-да, чоптириб кетди.

Маҳмудбей ўз лашкарларига чекинишни буюрди. Жангчилар чекина бошлашди. Энди фаранглар ҳужумга ўтишди. Уларнинг отлари энди мамлукларнинг ярқироқ кийимига ўрганиб, ҳуркмайдиган ва оёқларини тикка кўтариб кўкка сапчимайдиган бўлиб қолганди. Маҳмуд ўз қўшинига чекинишда давом этишни буюрди. Французлар жипслашган сафларини бузмай ҳужум қилишарди. Маҳмуд чекинишни тезлаштирди. Французлар босиб келавердилар. Икки юз қадам ҳам чекинмасданоқ Маҳмудбейнинг лашкарлари шартта ўгирилиб, отларини йўртдирганча душманга ташланди, душман буни кутмаган эди. Маҳмуднинг суворилари душман сафларини ёриб ўтди, бир неча юз суворини ўраб олиб, уларни Нил соҳилига қисиб боришди. Шарқий-жанубга қараб кенг текислик чўзилиб кетган бўлиб, французлар у ёққа чекинишдан чўчишди. Улар шарқий-шимол томонга қараб чўзилиб кетган қамишзор ва бутазордан паноҳ топиш қулай, деган қарорга келишди.

Маҳмудбей фақат шуни истаганди, чунки унинг қўшимча кучлари худди ўша ерда турганди. Арслон оға ўзининг мингта сувориси билан пистирмадан чиқиб, французларнинг йўлини кесиб қўйди. Иккинчи томондан эса Маҳмудбей ташланди.

Французлар икки ўт орасида қолдилар, лекин чўчи-мадилар. Улар икки қисмга бўлиндилар — бири орқага ўгирилиб, Маҳмуднинг суворилари билан, иккинчиси эса Арслон оғанинг отлиқлари билан жангга кирди. Тенг-сиз жанг бошланди. Асосий қўшиндан ажратилган француз суворилари дақиқа сайин сийраклашар, аммо мардонавор қаршилиқ кўрсатарди. Маҳмуд французлар-нинг асосий кучга қўшилишига йўл бермай, уларни қи-сишда давом этди. Агар шундай аҳвол ярим соат чўзил-са борми, француз суворилари жанг майдонида битта қолмай ҳалок бўлиши аниқ эди.

Лекин шу он замбараклар ўкирди. Замбарак ўқи Маҳмудбейнинг ёнгинасида портлади ва бир қанча мам-лукни ҳалок қилди.

Шоҳлар шоҳи ғафлат уйқусида эмас экан. Унинг бур-гут кўзлари ҳаммасини кўриб, ўткир идроки ҳаммасини ҳисобга олиб турган экан. Ўз сувориларининг мағлу-биятга учраётганини билиб, уни қўллаш учун дарҳол артиллерия билан пиёда аскарларини мададга юбор-ганди.

Бир-бирига навбат бермай замбараклар гумбирлар-ди, ўнлаб мамлуклар жанг майдонида шаҳид бўлар-дилар.

«Жуда мерганлик билан отишаркан!»— ўйлади Маҳ-мудбей ва янада дарғазаблиқ билан ташланди фран-цузларга.

Лекин шу пайт дўмбиранинг садоси янгради, узоқда найзали милтиқ билан қурулланган Наполеон пиёда ас-карлари кўринди.

Энди Маҳмудбей бошчилигидаги мамлук сувори-лари ажралиб қолганди.

— Ҳасан, бу яшил кийимдаги пиёдалар қандай халқ? Фаранг аскарларига ўхшамайди,— деб Маҳмудбей ўз юзбошисига мурожаат қилди.

— Фаранг пиёдалари... Венецияликлар бўлса керак. Уларни ўтказиб юбориб, кейин ҳужум қиламиз.

— Эсинг жойидами, нима деяпсан?! Худо бизга ма-дадкор! Ҳар қандай бўлганда ҳам биз ўз жойимизда маҳкам туришимиз керак, ё ўламиз, ё қоламиз! Шундай қилишимиз керакки, қуршовдаги сувориларга пиёдалар келиб қўшилмасин, акс ҳолда ҳамма ишимиз барбод бўлади. Биз бардош бериб туришга мажбурмиз! Майли, Арслон оға анови бўлинмани тор-мор қилсин. Ҳеч бўлма-

са унинг қаҳрамонлик шуҳрати қолади...Қойилман, Арслон оға, ажойиб жанг қилаётир! Яна чорак соат ичида қалпоғига от думидан кокил таққан бу фарангларнинг ҳаммасини қириб ташлайди у. Агар шунинг иложидан чиқа олса, Арслон оға бизга келиб қўшилади, иннай-кейин...шунда биз мағлубиятдан қутулиб қоламиз, Ҳасанжон!...

Венециялик пиёдалар орасида суворилар ҳам кўзга чалиниб турарди; кийимидан буларнинг юзбошилар эканлиги кўриниб турарди. Улардан бири, ўрта яшар чиройлиси шошилиб нишонга олди-ю, ўқ узди. Маҳмудбейнинг ёнида турган мамлук тил тортмай, гуппа қулади. Венециялик шошилиб милтиғини елкасига осди ва қиличини қўлга олиб, алланима деб бақириб ҳужумга отилди.

— Ҳа, кофир! Мен сенинг бу ишингни асло кечирмайман!— деб қичқирди Маҳмудбей.

Маҳмудбейнинг қиличи қинига дастаси фил суягидан ясалган олтин безакли қамчи боғлаб қўйилганди. Бу қамчини унга Хартум сардорларидан бири тақдим этганди. Гарчи Маҳмудбейнинг оти қамчига муҳтож бўлмаса-да, у қамчини доимо ўзи билан олиб юрарди. Бу нарсани эсдалик учун сақларди у. Сувори тўсатдан кескин бурилганида қамчи қилич қинидан узилиб, тушиб кетди. «Падарингга лаънат! Ҳозир сенга овора бўладиган вақтми?!»— деган фикр бошидан кечди. Демак, ҳар қалай, у пастга эгилиб, тушиб кетган қамчини олди.

Бесаранжом бўлган мамлуклар уни ўраб олишди.

— Эҳ, фалокат, яраландингми, Маҳмуд?

— Йўқ, ҳеч қандай оғриқни сезмаяпман,— ҳайрон бўлиб жавоб қилди Маҳмудбей.

— Ахир, ҳозир сенга ўқ тегмадимми?— титроқ товуш билан унга мурожаат қилди Ҳасан.— Биз сени яраланиб, отдан йиқиляпти деб ўйлабмиз.

— Йўқ, тушиб кетган қамчимни олгани эгилгандим...

— Маҳмуд, қарасанг-чи, ахир душман ўқи эгарингни тешиб ўтибди-ку. Биз сени яраланганингга шубҳа қилмагандик.

— Ҳайт!— деб қичқирди Маҳмудбей.— Бу менинг тақдирим! Мен қамчимни бекорга яхши кўрмайман. У мени ўлимдан қутқарди... Мамлуклар, олға...орқамдан!..

Найзабозлик жанги бошланиб кетди. Мамлуклар ва

венецияликлар оч бўридай бир-бирларига ташландилар. Маҳмудбей қиличи ўнгу сўлни чопа бошлади. Отлар, қиличлар, найзалар, одамлар — ҳаммаси қоришиб кетди..

Шу пайт Маҳмудбей яна бояги баҳайбат венецияликини кўриб қолди. Маҳмуд тўппончани қўлига олиб, нишонга олди. Венециялик елкасидаги милтиғига ёпишди, бироқ ўқи отилганини эслади-ю, яна шу заҳотиёқ милтиғини елкасига олди. У отини қайтариб, қоча бошлади. Маҳмудбей рақибини қувлаб кетди.

«Бу одамни қаердадир кўрганман, унинг башараси таниш...» деб ўйлади Маҳмуд. Бироқ у бу чиройли одамни қачон ва қаерда кўрганлигини эслай олмади.

— Шошма, паҳлавон! Мамлукни ўлдирган сен эмасми?! Агар сен билан ҳисоблашиб қўймасам, худо жазомни берсин!— шивирлади Маҳмудбей. Аммо шу пайт унинг рўпарасида найза кўтарган пиёда жангчи пайдо бўлди. У Маҳмудга ташланди, бироқ ўқ овози янгради, пиёда ер тишлаб қолди.

Венециялик буни кўриб, отининг бошини бурди-да, қилич яланғочлаганча Маҳмудбейга ташланди. Рақиблар дарғазаб назар билан бир-бировларини синашди.

— Мана сенга, кофир!— деб бақирди Маҳмудбей ва яшин тезлигида зарб билан унинг кўкрагига қилич санчди.

— Вой, нана!,— деб венециялик бўғиқ ингради, қўлидан қилич тушиб кетди, худди кесилган дарахтдек гуппа ерга қулади. Унинг яшил кийими қонга бўялди.

XVII

Маҳмудбей сесканиб, ранги ўчиб кетди. У қирқ йил мобайнида қанча одам ўлдирганини эслай олмасди: одамларни ўлдириш, яксон қилиш унга одатий машғулот бўлиб қолганди. Лекин Маҳмуд ҳеч қачон ҳозиргидек руҳий ҳаяжонни бошдан кечирмаганди. «Вой, нана!» Бу сўз унинг теран қалбида акс садо берди ва қалбини ларзага келтирди.

Маҳмуднинг бутун борлиғи изтиробда эди. У энди милтиқ овозини ҳам, қиличларнинг жарангини ҳам, ерни ларзага келтираётган замбарак гумбирини ҳам эшитмас-

¹ Нана (грузинча) — она.

ди. От устида тошдек қотиб ўтирган Маҳмудбей нафасини ичига ютганча жон бераётан венецияликдан кўзини узолмай қолди.

Маҳмудбей кимни ўлдирганини шу топда англади: бу кўзлар, бу бурун, бу пешона... Саломэ билан Резо-ку! Бу соқол, мўйлов, бу лаб — бу ахир Резоники-ку! Резо ҳам усмонлилар кема палубасида қамчи билан аёвсиз сава-лашганда худди мана шу ўлаётган кимсадай гижирлат-ганди-ку тишларини...

«Оҳ, шўрим қурсин менинг!.. Балки бу ўшаларнинг ўғлидир?!— деган дахшатли фикр яшиндай чақнаб кетди. — Қандай даҳшат, худойим!»

Шарқираб оқадиган Техури дарёсининг ҳамиша ям-яшил қирғоқлари бўйида ўтган умридан то азим Нил дарёсигача бўлган бутун ҳаёти Маҳмуднинг хаёлидан кечди. У болалигини, ўз уйини, ота-онасини, акаларини, падар Маркозни, сўнгра Саломэ билан Резони яна эслади...

«Наҳотки шулар ҳаммаси ҳақиқат бўлса?»— алла-қандай товуш гўё унга шивирлагандай бўлди: «Ҳа, бунинг барчаси бўлган, ҳаммаси ҳақиқат,— жавоб қилди унга бошқа бир товуш.— Наҳотки ёдингдан кўтарилган бўлса, ҳатто узоқ Мисрда ҳам сен шуларнинг ҳаммасини тез-тез эслаб, очикчасига ва яширинчасига озмунча кўз ёши тўкмагандинг. Сенга ўхшаб ўғирланиб, шу ёқларга сотиб юборилган тутқунлардан бирининг бир куни севган, аммо сен учун абадий йўқотилган ватанингни қайси томондалигини ишора қилиб кўрсатганини наҳотки унутган бўлсанг. Жигар-бағринг қон бўлиб, кўзинг ёшларга тўлиб, тез-тез олисларга тикилмасмидинг, ахир. Кўзларинг Нил дарёсининг нариги томонида ястаниб ётган ададсиз яланғоч чўл томон термилгани-термилганди. Ғира-шира бўлса-да, сен унинг орқасида ўрмон билан қопланган тоғларни, улар орасида ўйноқлаб оқувчи зилол сувли шўх Техурини кўришни истардинг. Лекин фойдасиз эди буларнинг бари. Яланғоч чўл яланғочлигича, бирдай жонсизлигича қолаверди. Усмирлик чоғларингда ташвиш билан жуда кўп марта: «Оҳ, туғишганларимга нима бўлдийкин? Ҳозир улар ҳаётми ёки оламдан ўтганми?...»— деб ўйлардинг. Сен ҳамма-ҳаммасини эслардинг... Ёлғиз одамларнигина эмас... Сен ўз итинг Ажгерини ҳам, гажак шохи билан рақибига пўпи-

са қиладиган эчкинг Очагуни ҳам неча бор эслагандинг... Лекин умр ўтаверди... Йиллар кетидан йиллар ўтди... Сен ҳам янги ҳаётга кўникдинг, тақдиринг сенга кулиб боқди. Сенда ҳамма нарса мавжуд: бойлик, шухрат, омад... Ҳамма сенга қойил, сени ҳурмат қилади барча. Ҳа, сен ўз мавқеингга ўргандинг... Кўп йиллар ўтди, шу давр ичида ҳаёт тўлқинлари қалбингни лойқа билан суваб ташлади, Аммо қалбингнинг теран ерида озроқ бўлса-да соф сақланган бўлаги борки, уни ҳеч қандай лойқа ва ҳеч қандай давр тошга айлантиролмйди. Шу бўлакча кутилмаганда ўзидан дарак бериб қоларди, унутилган ўтмишингни эслатиб қўярди. Шунда безовта бўлган юрагинг қайғуга бурканган жисмингни чуқур ўйлашга мажбур этарди.

— Вой, нана!— деб такрорларди жон бераётган венецияликнинг лаблари сал қимирлаб.

— Ахир бу Резо-ку! Наҳотки? Э, худойим, нечун мени қаҳрингга олдинг! Менинг гуноҳим нима?.. Оҳ, агар билганимда эди...

— Вой, нана!— дея венециялик сал талвасаланиб жон берди.

Маҳмуднинг сочлари тикка бўлиб, аъзойи бадани жимирлашиб кетди. У ўзининг қонга беланган қиличига назар ташлади-да, сопидан маҳкам ушлаганича оҳиста тигини пастга туширди. Ўткир пўлат тиг қуёш нурида ярақлаб кетди. Ипдай қип-қизил қон тигнинг чизигидан оқиб дамида қотиб қолди.

— Маҳмудбей?! Тирикмисан, хайрият?!— дея ҳайқирди кимдир.

Маҳмуднинг ҳули ўзига келди. Қаршисида уст-боши тилка-пора бўлган мамлук турарди. Унинг кўпириб кетган оти пишқирарди. Жанг майдонида фаранглар, мамлуклар ҳамда отларнинг ўлиги ётибди. Пирамидалар томондан қиличларнинг жаранги эшитиларди. Маҳмуд мамлукка тикилди ва уни таниди. Бу Аҳмад мингбоши эди. Бироқ Маҳмудбей энди ўзини ўзи танитай қолганди. Унинг қалбидаги қирқ йиллик лойқа қатлами юбилиб кетгандай эди. Юраги тозаланганди... Маҳмудбей эндиликда мамлук бўлмай қолганди.

— Маҳмудбей!— такрорлади Аҳмад ташвишланиб.— Нима қилайлик? Нега тошдек қотиб турибсан?! Фарангларнинг биздан устун келаётганини наҳотки кўр-

маётган бўлсанг?! Арслон оғанинг отряди яксон бўлди. Сенинг одамларинг қани? Умар Саид сенга юборди мени. У зудлик билан ёрдам беришимизни сўради...— ошиғич маълум қилди Аҳмад.

Маҳмудбей мингбошига хомуш тикилди ва яна жонсиз ётган венецияликка қараб қолди.

Туёқ товушлари эшитилди: мамлуклар от чоптириб келишди. Отрядда ўнбошилар ва бир нечта мингбошилар бор эди.

— Маҳмуд?! Сен шу ердамисан? Нима гап ўзи? Аҳмад, нега бу ерда турибсан? Биз хароб бўлдик. Қисқа оёқ шоҳлар шоҳи бизнинг гвардиямизни тор-тор қилди... Умар Саид мамлуклар шавкатини оқлаб, қаҳрамонларча ҳалок бўлди. Маҳмуд, ҳамма беклар сени излашяпти. Улар қандай қилиб, нима қилсак экан, деб ҳайрон. Фаранглар бизни қуршовга олмоқда. Дақиқа сайин бошимизга даҳшатли фалокат ёғилиши мумкин!— чуғурлашиб гапиришарди мамлуклар.

Маҳмуд индамади. Унинг хаёл кўзгусида бошқа сурат — бошқача чехралар намоён бўлди...

— Яраланганмисан?— сўради кимдир.

— Нега кофирнинг ўлигига тикилиб турибсан?— кескин сўради Аҳмад.— Бу венецияликларнинг юзбоши-си — итга — ит ўлими!

— Аммо бу венециялик ким ўзи!— бақирди Маҳмудбей ва юзлари буришди.

Мамлуклар орқага чекиндилар.

— Эй худо! Ё олло! Нима бўлди сенга, Маҳмуд?!— хитоб қилишди улар ваҳима ичида.

— Мен қандай араб бўлсам — у ҳам шундай венециялик!— Маҳмудбей кескин бақирди.

— Ё худо! Ё олло! Улуғ пайғамбар, ўз паноҳингда сақла бизни! У ақлдан озганми дейман!...

— Минг лаънат, сенинг пайғамбарингга-ю, худойингга!.. Улар қаерда? Бутун ер юзининг худоси — қонунсизлик, зулм — унинг пайғамбари!— деб қичқирди Маҳмудбей.

— Маҳмуд!— аччиғланди Аҳмад мингбоши. — Наҳотки бу рост бўлса? Сен исломни тан олмайсанми?... Мамлуклар қасамини буздингми?

— Ислom динингизга ҳам, қасамингизга ҳам минг лаънат!..

— Маҳмуд?! Нима бўлди ўзи?.. У фарангларга сотилган эмасмикин? Хоин!— ғазабланди Исмоил мингбоши.

— Бўлиши мумкин!— деб қўшилишди мамлуклар.— Унинг отряди яксон бўлди, ўзи эса соппа-соғ...

— Кофир! Сен билан орани очди қиламан ҳозир!— деб бўкирди Аҳмад мингбоши, қиличига ёпишиб.

Маҳмудбей фақат шуни кутиб тургандек эди гўё.

— Уриниб кўр-чи!— деди у заҳарханда кулги билан тишини ғижирлатиб.

Аҳмад қиличини қинидан суғургунча бўлмай, Маҳмуд ўз қиличини мингбошига санчган эди.

— Эҳ, кофир! Ҳа хоин!— деб бақириб қиличларига ёпишишди мамлуклар.

— Вой нана!— деган қаттиқ инграш эшитилди. Каттиқ яраланган Маҳмудбей венецияликнинг мурдаси устига йиқилди.

Тўп ва милтиқларнинг овози аста-секин пасаяборди, фақат дўмбираю, карнайларнинг овозигина эшитиларди.

Фаранглар қўшини пирамидалар ёнига тўпланиб, ғалабани нишонламоқда эдилар.

Жанг майдонидаги ҳисобсиз ўликлар орасида икки мурда бут сингари устма-уст ётибди. Бири қимматбаҳо араблар кийимида, бошқаси эса венеция гвардиячисининг мундирида эди.

Бироқ худога аён эди, уларнинг бири — араб, иккинчиси эса венециялик эмасди.

Уларнинг иккаласи ҳам бахти қаро Грузиянинг ўғлонлари эди.

Уиараго. Мамлук. Т., „Ёш гвардия“, 1970. 104 бет.
Тиражи 45000. Уиараго (Татаришвили Кондра-
тий Давидович). Уиараго. Мамлук. Исторический
рассказ. С (груз.)

На узбекском языке

Уиараго

(Татаришвили Кондратий Давидович)

МАМЛЮК

Историческая повесть

Издательство „Ёш гвардия“—Ташкент—1970
Перевод с издания „Заря Востока“, 1960

Рассом А. МАЗИТОВ
Редактор Эркин Миробидов
Расмлар редактори К. Назаров
Техн. редактор Л. Шинкина
Корректор Э. Сиддиқов

Босмахонага берилди 8/VII-70 й. Босишга рухсат этилди
10/XII-70 й. Формати 84×108²/₃₂. Босма листи 3,25. Шарт-
ли босма листи 3,46. Нашр листи 5,26. Тиражи 45000.
Қоғоз № 2. Шартнома № 48—68.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети
„Ёш гвардия“ нашриёти, Тошкент,
Навоний кучаси, 30.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети нашриёти
босмахонаси, Тошкент, „Правда Востока“ кучаси, 26
Заказ № 2320. Баҳоси 30 т.